



Диёнат Ишлари Бошқонлиги нашрлари

СИЯРИ НАБИЙ

Усмон Кески ўғли

Туркчадан Иброҳим Йўлдош Жўрабой ўғли таржима қилди

Анкара

4-16

ҲАЗРАТИ ПАЙҒАМБАР ҲАЁТИ

Мовароуннахр мусулионлари идораси раиси муовини
Абдулазиз Мансур таҳрири остида

Қомуслар Бош таҳририяти
Тошкент

68544

Нашрга тайёрловчилар: Муроджон Аминов,
Даврон Раҳимбеков

Ҳазрат Пайғамбарининг Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ўзинга хос хусусиятларга эгадир. Унинг ғолиятчи ўқилган сари инсонлар назарида янада улуглашиб боради, яқиндан танишилган сайин янада кўп ҳажжон бахш этади.

Унинг ҳаёти инсонларга муҳаббат, шафкат, ғазилат ва самимият билан тўладир. У башариятга Оллоҳнинг энг мукамил дини бўлган Исламнинг тавассути билан.

Бу китоб сизларга Ҳазрати Пайғамбарининг ҳаётини қисқа лавҳалар билан шифолаб беради ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган кенг ҳажмда ёзилган асарларга кириш вазифасини бажаряди.

Асар Ислом мактабларида Қуръон илмининг ўрганишда қўлланма вазифасини ўтайди. Айни вақтда ундан исломиятга шикос қўйган кенг ўқувчилар оммаси фойдаланиши мумкин.

Матндаги қисқартмалар: Ҳа — Ҳазрат
б. — бинин.
с.а.с. — саллолоху алайҳи ва саллам

04030000000 © Туркия Диният ишлари бошқовлиги, 1991.
Ҳ _____ 96 © Қомуслар Бош тахририяти, 1996
358

ISBN 5—89890—117—5

БИРИНЧИ БЎЛИМ

МАККА ДАВРИ

I Қисм

ИСЛОМИЯТГА ҚАДАР АРАБИСТОН

Маззулар:

- Арабларнинг аҳволи
- Макка ва Каъба
- Каъбадаги вазифалар
- Замзам қудуғининг тозаланиши
- Абраҳанинг Каъбага ҳужуми

а) Арабларнинг аҳволи

Исломиятга қадар Арабистон ярим ороли аҳолиси бир жаҳолат ичида яшар эди. Араблар бир-бирларига қарама-қарши қабила-ларга бўлиниб, ўрталарида уруш бўлиб турарди. Ҳақ динни унуттирган эди. Турли хилдаги (нондаги) бут(санаи)ларга сизгина бошладилар; қуюқ бир жаҳолат тумани қоплаган эди. Инсон ҳақларига риоя қилиш ҳам бутунлай йўқ бўлган эди. Қул ва асирларнинг ҳолига маймунлар йиғлар эди. Аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқлари-дан бутунлай маҳрум эдилар. Қиз болаларни тириклайин кўмиш одати расмий тус ола бошлади. Бошқа улкаларда яшаган инсонларнинг аҳволи ҳам Арабистондагидан айтарли фарқ қилмас-ди. Умуман, дунё кўп қоришиқ ва зулмат ичида эди. Инсониятни бу аҳволдан қутқариш учун бир Пайғамбарнинг дунёга келиши кутилмоқда эди. Яхудий ва христианларнинг китобларида бундай бир Пайғамбарнинг дунёга келиш ҳақида хушхабар бор эди. Хуллас, Макка шаҳрида дунёга келган Мухаммад алайҳиссалом ҳақида кутаётган энг сўнгги Пайғамбар эди.

б) Макка ва Каъба

Арабистон ярим оролининг қадимдан энг аҳамиятли ва муқаддас шаҳри Маккадир. Макка Қизил денгиздан 80 км. ичкарида

жойлашган бўлиб, тоғ ва йўлларни боғловчи бир шаҳардир. Ҳз. Иброҳим билан ўғли Исмоил Каъбани ҳозирги жойлашган ерига бино этган бўлиб, ундан ибодатхона сифатида фойдаланишар эди. Фаҳат сўнгги замонларда араблар у ерни ўзлари сигинадиган бутлар билан тўлдирдилар. Теварак атрофдан келган зиёратчилар уларга қурбонлик бажо келтирардилар. Макка, айни замонда, секин-аста тижорат марказига айланди. Каъбани зиёрат қилиш учун келганлар тижорат билан ҳам шуғулланардилар. Маккадан Яман ва Сурияга тижорат қарвонлари бориб келарди.

в) Каъбадаги вазифалар

Араблар Каъбани муқаддас бир жой деб билганликлари туфайли, у ердаги вазифаларни ҳам ўта аҳамиятли ҳисоблардилар. Каъбага қараб туриш вазифасини Ҳз. Исмоил сулоласи бажарар эди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат эди.

1. Ҳижобат — яъни Каъбанинг қалитларини доимо қўлда тутиш.

2. Сиқойа — Каъбага зиёратга келган ҳожиларнинг сувларини тадорик қилиш (тайёрлаш). Заимзам сувига қараб туриш.

3. Рифода — келган ҳожиларни ҳурмат билан кутиб олиш ва уларни жойлаштириш.

4. Надва — йиғин (мажлис)ларга раҳбарлик қилиш.

Қилобнинг ўғли Қусай Дорун — Надва ноили бир уюшма тузди. Қурайшийлар бу ерда тўпланишиб, муҳим ишларни муҳокама этишар, сулҳ ва урушни масалалари юзасидан тегисли ҳарорларни қабул қилишар эди. Ҳатто, бу ерда никоҳ ўқилиб, тўй ҳам ўтказиларди. Олис сафарга чиқадиган тижорат қарвонлари шу ердан ҳаракатни бошларди. У замонлар одатига кўра, Каъбада балоғатга етган қизга қўйлак кийдириш маросими ҳам ўтказилган. Удумга биноан, қизнинг эски қўйлаги эгидан ечилимасдан йиртиб ташланиб, янгиси кийдирилар эди.

5. Ливо (туғ) — байроқдорлик вазифаси. Уруш даврида байроқни ким олиб юриши вазифаси белгиланар эди.

6. Қиёда — қўмондонлик.

Бу санаб ўтилган вазифаларнинг барчаси шарафли ҳисобланарди ва булар Ҳз. Муҳаммад алайҳиссалоту васалоининг наслида мужассамланган эди.

г) Заимзам қудуғининг тозаланиши

Ҳожиларни сув билан таъминлаш ва уларни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиш ишларига Мутталиб қарар эди. Унинг вафотидан сўнгра бу иш Абдулмутталибга қолди. Сув билан таъминлаш иши у қадар енгил эмас эди. Чунки Заимзам қудуғи тўлиб қолганидан, ундан ҳар доим ҳам сув олиб бўлимасди. Шу сабабли Макка атрофидаги қудуқлардан сув ташиб келтириш керак эди. Бу ишни қулайлаштириш учун Абдулмутталибнинг Заимзам қудуғи ўрнини топиб, уни тозалаш талаб этиларди. Бир вақтлар Маккага душман ҳужум қилганда қимматли ашёларни Заимзам қудуғига ташлаб, устини тош ва тупроқ билан тўлдириб, ўрнини билинмайдиган қилиб

ташлашган эди. Бир неча йил кудук шу аҳволда қолди. Абдулмутталиб ўғли Ҳорис билан кудукни тозалади. Кудук ичидан қилич, совут, олтиндан ишланган кийик ҳайкали каби нарсалар чиқди. Кудук тозалангандан сўнг илгаригидек мул-мул сув чиқа бошлади. Абдулмутталибнинг бу иши жуда мақбул бўлди.

Абдулмутталибнинг 13 ўғли бўлиб, улардан бештаси тарихда машҳурдир. Улар: Абу Толиб, Абдуллоҳ, Ҳамза, Аббос ва Абу Лаҳаб.

д) Абраҳанинг Каъбага ҳужуми

Каъбанинг араблар орасида муҳим ўрни бор эди. Макка диний муқаддас бир ергина бўлиб қолмасдан, балки Арабистоннинг тижорат маркази ҳам эди. Ҳар тарафдан инсонлар бу ерга оқиб келар ва савдо-сотиқ расталарини қурар эдилар. Халқни бу ерга қорлаган нарса Каъбани Муаззама эди. Яманга ҳоким бўлган Ҳабаш ҳокими Абраҳа Санъода бир сигғиниш (муқаддас) ери барпо қилиш мақсадида, арабларни бу ерга даъват этди, аммо бунга муваффақ бўла олмади. Ниҳоят, Каъбани йўқ қилмоққа қарор берди. Ҳабашлардан иборат бир қўшин тўплаб, Маккага йўл олди. Қўшиннинг олд қисмида ҳайбатли бир фил бор эди. Эски одатларга қўра урушда фил қўлланиларди. Абраҳанинг Каъбани йўқ қилиш учун келаётганлиги ҳақидаги хабар арабларга етиб борди ва ҳар жойлардан Абраҳага қарши қурашишни истовчилар чиқди. Аммо улар Абраҳа йўлини тўса олмадилар. Уларнинг кўпчилиги Абраҳа қўшинлари томонидан асир олинди. Абраҳа Маккага яқинлашганда, сувориларидан бир гуруҳни арабларнинг аҳволини ўрганиш учун у ёққа юборди. Улар қурайшийларнинг молларидан қўлга кирганча талаб, Абраҳага келтирдилар. Талаб келтирилган моллар орасида Абдулмутталибнинг 100 туяси ҳам бор эди.

Маккаликлардан бир ҳайъат тортиб олинган молларининг қайтариб берилишини сураш учун Абраҳа ҳузурига келди. Уларнинг бошида Абдулмутталиб бор эди. Абраҳа улардан нима учун келганликларини суради. Абдулмутталиб тортиб олинган молларни қайтариб беришларини ва шунинг учун келганликларини сўзлади. Уларга жавобан Абраҳа:

— Мен сизларни мендан Каъбани пайҳон қилимаслигини илтимос қилиб келдингиз деб уйлаган эдим. Сиз эса, туяларингизнинг дардида келибсиз!..

Абдулмутталиб Абраҳага шундай жавоб берибди:

— Мен туяларнинг соҳибиман ва уларни истайман. Каъбанинг уз соҳиб бор, уни у қўриқлайди.

Абраҳа молларни қайтариб берди. Сўнгра қўшинига олға юриш ҳақида амр берди. Ҳайбатли фил яна қўшин бошида бўлди. Бу орада қутилмаган ҳодиса содир бўлди. Ҳавони Абобил қушлари қоплади. Улар тумшук ва оёқларида келтирган тошларини аскарлар устига ёғдирдилар. Таналарининг тош теккан ерлари кўкариб, ярага айланди. Аскарлар бу ҳолатдан талмоқсираб қочдилар. Абраҳа ўз жонини зўра қутқариб, Яманга қайтди ва у ерда ўлди. Куръони Каримнинг Фил сурасида бу ҳодиса англатилади.

II Қисм

Ҳз. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Пайғамбарликка қадар ҳаёти. Ҳз. Пайғамбарнинг болалик даври.

Мавзулар:

- Ҳз. Пайғамбарнинг туғилиши
- Ҳз. Пайғамбарнинг насаби
- Ҳз. Пайғамбар эмизган энагаси ёнида
- Мадина энёрати

а) Ҳз. Пайғамбарнинг туғилиши

Абраха воқеаси милодий 571 йилда бўлган эди. Бундан 50 йил кейин (апрел ойида) Рабиулаввал (Қамария йил ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи.— И. Й.) ойининг ун иккинчи кечаси Ҳз. Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келди. У туғилган кун тонггида олаи бошқа бир олаи бўлди. Жаҳон нурга тўлди. Отаси Абдуллоҳ бир оз аввал вафот этганлиги туфайли ягона ўғлини кўра олмади. Онаси Оминанинг нур тўла бир ўғли дунёга келтирганидан беҳад мамнун бўлган бобоси Абдулмутталиб буюк зиёфат берди. Зиёфатга Қурайш улуғларини даъват этди. Севиқли набирасига қандай исми қўйганлигини сўраганларга:

— Муҳаммад исминини бердим,— деди.

Улар:

— Оталаринг орасида бу исмини қўйган йўқдир. Бундай от қўйишдан мақсаднинг нима? — деб сўрадилар.

— Умид қиламанки, уни кўкда Ҳақ Таоло, ерда эса, халқ мадҳ этиб, ҳамду мақтовлар ўқийди,— деб жавоб берди.

Пайғамбар Ҳазратлари туғилган кеча бир қанча ғайритабиий ҳолатлар содир бўлди. Тарихчилар бу ҳақда қуйидагиларни қайд этдилар: «У кеча Эронда Кисро (хукмдор) саройидаги устунлар йиқилди. Мажус (оташпараст. —И. Й.) ларнинг топиниш учун ёнаётган оташ ўчоқлари сўнди, Сава қули ботди...» Ҳақиқатан ҳам кейинчалик Эрон салтанати йиқилади ҳамда Византия императорлиги тугайди, бутпарастлик сўнади.

6) Ҳз. Пайғамбарнинг насаби

Ҳз. Муҳаммад Курайшнинг тағдор оиласидандир. Насаби Ҳз. Иброҳимга боғланади. Отаси Абдуллоҳ Ҳошим наслларидан бўлиб, Абдулмутталибнинг эиг севмили ўғли эди. Онаси Омина Зухра наслидандир. Ҳар иккаласи ҳам маккалик бўлиб, бир неча авлоддан сўнгра насллари бирлашади.

в) Ҳз. Пайғамбар эмизган энагаси ёнида

Макка улуғларининг бир одати бор эди. Бу одатга кўра улар ўз болаларини атрофларидаги қабилалардан бўлган эмизикли энагаларга бериб боқтирардилар. Чунки Макканинг об-ҳавоси жуда иссиқ булганлигидан, гўдакларга ёмон таъсир этар эди. Макка атрофида яшайдиган қабилалардан эмизикли аёллар вақт-вақти билан Маккага келиб, эмизмоқ учун гўдаклардан олардилар. Саъд қабиласидан бўлган Ҳалима исили бир аёл эмизиш учун Муҳаммадни олишни истади. Аммо унинг отасиз етимлигини эшитиб, бир оз ўйланиб қолди. Чунки бир етим гўдакни эмизишдан у қадар кўп фойда қозона олмаслиги мумкинлиги ҳақида ўйлади. Лекин кейинчалик бу етим болани олганлигидан жуда севинди. Чунки бу етим бола унга кўп бахт келтирди. Ҳалима уни ўз фарзандидан ҳам яхши кўрди. Унинг Шайма исили қизига ҳам Муҳаммад жуда маъқул бўлди ва у билан опа-укадек ҳаёт кечирди. Улар доимо бирга ўйнашарди. Бутун оила аъзолари Муҳаммадни севардилар. Ҳалима-нинг эри Ҳорис бир марта шундай деди:

— Ҳалима, бу боланинг ҳадами бизга жуда қутлуғ келди. Уйимизга қадам қўйганидан бери ҳайвонларимизнинг (қўй, эчки.— И. Й.) сутни, сутнинг ёғи кўпайди. Уйимизга қут-барака келди. Қўлимиз узайди. Мен бу болада бошқача бир хусусиятни сезяпман.

Пайғамбаримиз чўлдаги бу оилада беш йил яшади.

Ҳз. Пайғамбар энагасига жуда меҳр қўйган эди. Агар Ҳалима унинг зиёратига келганда, уни «Онажоним» деб кутиб олар ва катта ҳурият кўрсатар эди. Пайғамбаримиз бу оиллага ҳар доим ёрдам бериб турарди. Ҳз. Пайғамбар Ҳадичага уйлангандан кейин Макка атрофида очарчилик бошланган эди. Бундан қийналган Ҳалима Макка шаҳрига келиб, Ҳз. Пайғамбарга учрашади. Ҳалима ёнида бир туя ва қирқ бош қўй билан ўз қабиласига қайтади. Буларни унга Пайғамбаримиз бағишлаган эди.

Ҳз. Муҳаммад алайҳиссалом энагасини қолдириб, Маккага — ўз оиласи бағрига келди. Онаси Омина билан содиқ хизматчиси Умму Айман унинг атрофида парвона эдилар. Уни, ҳатто, эсан шамолдан ҳам асрар эдилар.

г) Мадинага зиёрат

Пайғамбаримиз оналарининг Мадинада қариндошлари бор эди. Уларни куриб келиш ҳамда етим қолган кўзининг оқу қорасига

юзини кўриш насиб бўлмаган отасининг қабрини зиёрат қилдирмоқ
мақсадида, яккаю ёлғизини ёнига олиб, Мадинага йўл олди.
Пайғамбаримиз у вақтда олти ёшда эди. Тоғалари олдида бир ойча
мусофир бўдилар. Отасининг қабрини зиёрат этаркан, ўксиз
боланинг кўнгли бир оз юмшади.

Мусофирлик тугагандан кейин она-бола ёнларида содиқ хизмат-
корлари Умиу Айман ҳамроҳлигида Маккага қайтиш учун йўлга
чиқдилар. Жазирама чулларни ошиб, ота юртига қайтар эдилар. Бир
оқшом куёш уфқда бош қўяр экан, Мадинанинг 23 мил жанубида
жойлашган Абво қишлоғига келдилар. Кечани у ерда ўтказдилар. Бу
ерда Пайғамбаримизнинг оналари хасталанди. У ҳаётининг сўнгги
дақиқаларини кечираётганлигини англади ва яккаю ягона фарзанди-
га меҳр тула кўзлари билан тўйиб-тўйиб боқди, кўнгли тўйиб ўпди,
ҳасрат тула бағрига босиб, оналикнинг бутун туйғулари билан уни
эркалади. Ўзида бор бўлган бутун туйғуларини ўғлига беришни
истади. Она қорнидалигидаёқ отасидан айрилган бу жажжи етим
бола энди онасидан ҳам ажралаётган эди. Бу қайғуни бутун борлиги
билан тўлиқ ҳис этаётган она ўғлининг маъсум юзига терийлган
қолда шу англамда бир шеър сўзлади:

«Ҳар бир янги нарса эскиради ва ҳар нарса йўқ бўлиб кетади.

Мен ҳам ўламан, аммо бунинг учун ғам емайман. Чунки солиҳ
бир бола туғиб, дунёга бир буюк хайрли борлиқ қолдиряпман».

Бу сўзлардан сунгра онаси дунёдан кўз юмди. Умиу Айман
болани олиб Маккага қайтди.

III Қисм

ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ ЁШЛИГИ

Маззулар:

- Ҳз. Муҳаммад Абу Толиб ҳимоясида
- Савдо қарвони билан Сурияга саёҳат
- Фижор ҳарби
- Тиждорат ишига ўтиши
- Ҳз. Муҳаммаднинг Ҳадичага уйланиши
- Ҳз. Пайғамбарнинг фарзандлари
- Каъба таъмиридаги ҳакамлиги
- Бутпарастлик хотимаси йулида

а) Ҳз. Муҳаммад Абу Толиб ҳимоясида

Онасининг вафотидан сўнгра Ҳз. Муҳаммаднинг бобоси Абдулмутталиб ўз ёнига олди ва уни боқди. Пайғамбаримиз икки йил бобоси тарбиясида бўлди. 8 ёшга тулганида бобоси Абдулмутталибнинг сўнгги кунлари яқинлашиб қолган эди. Абдулмутталиб болани ўз ўғилларидан бирининг тарбиясига бериш мақсадида, уларни хаста тушагининг атрофига тўплади. Абу Лаҳабга қарата шундай деди:

— Сен бадавлатсан, амио қалбингда марҳамат йўқ. Боланинг етми қалби зотан яралидир. Сен уни хуш тутма олмайсан. Сенинг қўпол муомалангдан бола хафа бўлиши ва ундан қайғуланиши муимкин. Уни сенга ишона олмайман.

Нуроний ота гапида ҳақиқат бор эди. Пайғамбаримиз ўз ҳаёти мобайнида бу тошбағир одамдан нелар чекиади. Абу Лаҳаб билан Абу Жаҳл унинг энг ашаддий душманлари бўлдилар.

Нуроний ота сўнгра ўғли Аббосга ўғрилди:

— Сен бу ишга лойиқсан, амио овланг катта...

Абу Толиб сузга аралашди:

— Отажон, менинг бойлигим оз, лекин шафкатим бор. Биродари Абдуллоҳнинг ўғлини боқмоқни мен шараф деб биламан, — деди. Шу тариқа Ҳз. Муҳаммад амакиси Абу Толибнинг ҳимоясига ўтди.

Абу Толиб унга етимлигини билдириаслик учун қулидан келганини қилди. Уни ўз фарзанди каби севди.

Пайғамбаримиз 12 ёшларда экан, бир муддат Абу Толибнинг подасини боқди. У қир-адирларнинг мусавффо ҳавосида амакисига ёрдам беришни шараф деб билди. Бу ҳаёт унинг пок феъл-атворининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Бир марта подани ўртоқларига қолдириб, Маккага түшди. Тенгқурлари қатори ўйнамоқчи бўлди ва йўлда бир тўйга кирди. Тўйни томоша қилмасдан уйқуси келди ва у ерда ухлаб қолди. Ухлаб қолганлиги сабабли тўйни томоша қила олмади. Зотан у жоҳилият одатларидан хушланиасди. У хушланган нарсаларидан катта завқ олар эди. Қўйларни ўтлатиб юрган пайтлари бўриларнинг подага ҳужум қилиб, қўйларни тишлаб олиб қочганини кўрди. Бу ҳолатдан ўзига яраша хулоса чиқарди.

6) Савдо қарвони билан Сурияга саёҳат

Амакиси Абу Толиб асосан тижорат иши билан машғул эди. Бир сафар ўзи билан Ҳз. Муҳаммадни ҳам олиб кетди. Улар Шом яқинидаги Бусро шаҳрида бир муддатга тўхтадилар. Бу ерда Бухайро исми бир руҳоний (роҳиб) билан учрашдилар. Бухайро ёш болани кўриши билан унинг сўнгги Пайғамбар бўлажagini сездн ва унга:

— Сендан бир нарсалар сўрамоқчиман. Лот ва Уззо ҳаққи гўғри сузла, — деди.

Ҳз. Муҳаммад эса:

— Лот ва Уззо ҳаққига онт ичтирма, зеро менинг дунёда энг нафрат этган нарсам бутлардир, — деди.

Бухайро ундан сўраши керак бўлган нарсаларни сўради. Олган жавобларидан қаноат ҳосил қилди. Абу Толибга қарата:

— Бу бола сўнгги Пайғамбар бўлажақдир. Шом яҳудийлари орасида унинг белги ва аломатларини танийдиганлар бордир. Унга хиёнат қилишлари мумкин. Сен уни Шомга олиб борма, — деди.

Шу сабабдан Абу Толиб олди-сотди ишларини бу ернинг ўзида бажариб, Шомга боришдан воз кечди.

Бу воқеа Сияр китобларида турли шаклларда англатилмоқдадир. Ғарб ёзувчилари бундан қуйидагича хулосани чиқармоқчи бўладилар: гўё Пайғамбаримиз диний маълумотни бу қисқа муддатли учрашув давомида Бухайродан олган эмиш! Албатта, бу кулгали бир нарсадир. Чунки Исломият каби энг мукаммал бир динни бир неча дақиқалик бир учрашув давомида бир роҳибдан олинишига сира ақл бовар қилмайди. Колаверса, агар ўша роҳибда дин ҳақидаги бу каби билимлар бўлса, нега бу ҳақда ўзи изохлаб, бир дин яратибади-да, уларни бошқа бировга ўтказди?

Ғарб ёзувчиларининг бундай қарашлари ҳар тарафдан асоссиздир.

в) Фиждор ҳарби

Араблар орасида узаро қон даъвоси кучли эди. Энг оддий нарсалар юзасидан ҳам ғавғо чиқарар эдилар. Узаро урушлар ҳеч ниҳоясига етимасди, аимо бу урушларнинг умуиан кераги йўқ эди. Бу урушларнинг энг оғир кечгани Фиждор ҳарби эди. Ҳаром қилинган Муҳарраи, Ражаб, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойларида уруш тақиқланганлиги учун бунга Фиждор ҳарби дейилди. Бу урушлардан бирида Ҳз. Муҳаммад ҳам қатнашди. Чунки Қурайш ҳақли эди. Тўрт йил давом этган бу урушда Қурайш ғалаба қозонди ва бир сулҳ имзоланди.

г) Тижорат ишига ўтиши

Қурайшнинг энг эътиборли аёлларидан бўлган Ҳадича баъзи кимсаларга сармоя бериб, улар билан шерикчилик қиларди. Абу Толибнинг таклифи билан Ҳадича Ҳз. Муҳаммадга сармоя бериб, кули Майсара ҳайроқлигида Сурияга катта бир қарвон билан тижоратга юборди. 13 ёшли Ҳз. Муҳаммад Сурияга қарвон билан келди. Бу сафар Бусро шаҳарчасига қўнганларида, Бухайро йўқ эди. Унинг ўрнида Настуро исми бошқа бир роҳиб бор эди.

Бу тижоратдан кузда тугилганидан ҳам кўп фойда қозонилди. Уч ой давом этган сафардан қайтиб, Макка шаҳрига яқинлашиб қолганларида Ҳз. Муҳаммад қарвоннинг олдида келар эди. Ҳадича уни кутиб олди ва тижорат натижаларидан жуда мамнун бўлди. У даврларда тижоратдан бу қадар фойда қозонган киши бўлмаган эди. Ҳадичада Ҳз. Муҳаммаднинг тижорат ишини бошқаришига ишончи ортди. Маълум муддатдан сўнгра қариндошлар воситаси билан Ҳз. Муҳаммаднинг Ҳадичага ўйланиши қарорлаштирилди.

д) Ҳз. Муҳаммаднинг Ҳадичага ўйланиши

Ҳз. Муҳаммад у замон 25 ёшда эди. Ҳадичанинг ёши қирққа яқин эди. Никоҳ одатга кўра Ҳадичанинг уйида қилинди. Вақил бўлиб Ҳадича томондан Варақа б. Навфал, Ҳз. Муҳаммад томондан эса, амакиси Абу Толиб қатнашдилар. Абу Толиб ўрнидан туриб шундай сўз бошлади: «Оллоҳга шукурлар бўлсинки, бизни Иброҳим ва Исмоил наслидан яратди. Бизни Каъбанинг қуриқчиси, халқнинг улуғи қилди. Биродаримнинг ўғли Муҳаммад билан Қурайшнинг қайси бир ёши тенг бўла олади? Бутун фазилат ва шараф унда муҳассамлангандир. Айни замонда шараф ва шон соҳиб бўлган Ҳадичага толиб ҳамдир».

Бундан сўнгра Ҳадича тарафдан Варақа сўз олди ва Ҳадичанинг Ҳз. Муҳаммад билан бўлган никоҳини қайд этди. Туялар сўйилиб, тўйга даъват этилганларга муҳаммал бир зиёфат берилди.

Янги қурилган овлада масъуд бир ҳаёт бошлаган Ҳз. Муҳаммаднинг қавми орасидаги эътибори янада юксалди. Маккаликлар унга Муҳаммадул-Амин номини беришди. Ўз оиласида, қолаверса, хамият ҳаётида унинг обрў-эътибори кундан-кунга орта борди.

е) Ҳз. Пайғамбарнинг фарзандлари

Ҳз. Пайғамбарнинг оила саодати туғилган болалари билан бир неча баробар ортиди. Уч ўғил, тўрт қиздан иборат етти фарзанд кўрди. Иброҳимдан бошқа ҳамма фарзандларини Ҳадичадан кўрди. Ўғиллари Қосим, Абдуллоҳ ва Иброҳимдир. Қизлари Зайнаб, Руқия, Умму Гулсум ва Фотиматуз-Заҳродир. Қосим бош фарзандидир. Уни жуда севарди. Шу сабабли Пайғамбаримизнинг оилавий исми Абдулқосим эди. Қосим ва Абдуллоҳ кичик ёшда вафот этдилар. Қизларининг ҳаммаси вояга етди ва уларни ўз қўллари билан туришга узатди. Энг катта қизи Зайнабни Абу Осма берди. Ҳижратдан сўнгра Зайнабга эри рухсат бермаганлиги сабабли Маккада қолди. Кейинроқ у ҳам Мадинага келтирилди. Руқияга Ҳз. Усмон уйланди. Руқиянинг вафотидан сўнгра Ҳз. Усмон Умму Гулсумга уйланди. Шу сабабли Зиннурайн дейилади. Кичик қизи Ҳз. Фотима ҳижратдан сўнгра Мадинада Ҳз. Алига туришга чиқади. Ҳз. Пайғамбаримизнинг сулоласи — Аҳлибайт (Ҳз. Муҳаммаднинг қизи, куёви ва набираларини ўз ичига олган оиласига берилган ном. -И. Й.) унинг наслидан келгандир. Ҳз. Фотимадан бошқа бутун авлодлари Ҳз. Пайғамбардан олдин вафот этдилар. Оллоҳ улардан рози бўлсин.

ё) Каъба таъмиридаги ҳакамлиги

Каъбани Ҳз. Иброҳим билан ўғли Исмоил бино этган эдилар. Устида томи бўлмаганидан, ёмғирли кунларда сел сувлари бинони босарди. Бинони сақлаш учун бир тўсиқ қурилган эди, ammo у ҳам селларнинг кучига чидай олмади ва емирилди. Пайғамбаримизнинг боболаридан Қусай Каъбанинг томини ёпган бўлса-да, вақт ўтиши билан у ҳам йиқилди. Қуйидаги бир ҳодиса Каъбанинг таъмирланишига сабаб бўлди: Каъбанинг қиёматли ашёси унинг ичиди муҳофаза қилинарди. Сел таъсирида Каъбанинг йиқилган ерларидан ичкарига кирган бир ўғри баъзи ашёларни ўғирлаган эди. Шу сабабли Каъбани янгидан қуришга қарор қилдилар. Бу вақтда Жидда соҳилида бир Рум кemasи ҳалокатга учраган эди. Унинг ёғочларини сотиб олиб, Каъба ишшоотига ишлатдилар. Ҳажари Асвадни жойлаштиришга навбат келганда, узаро келишга олмадилар. Ҳар бир қабила бу шарафли ишни бажариоқни истар эди. Келишмовчилик натижасида ораларида ғавго чиқди. Қурайшнинг энг нурунийси бўлган Абу Умайя қуйидагича таклиф киритди: «Агарда субҳидамда Сафо эшигидан ким биринчи бўлиб келса, у бу ишга ҳакам бўлади.» Бу ҳамага маъқул бўлди ва у сабоҳ Ҳз. Муҳаммаднинг биринчи бўлиб келганини кўрганларидан кейин, улар қувондилар. Чунки унинг тўғрилигига, дурустлигига ҳеч шубҳалари йўқ эди. Шунинг учун уни Ал-Амин деб атардилар. Унга шаронтни англатдилар. У ҳам қуйидагича бир йўл билан масалани тинч-тотув ҳал этди: ўртага бир гилам ёйиб, унга Ҳажари Асвадни қўйди, ҳар бир қабила улуғларидан бир вакил гиламининг учларидан тутушини сўзлади. Бу йўл билан тош юқорига кўтарилгач, муборак қўллари

билан олиб, уни ўз жойига қўйди. Натижада ҳар бир қабила бу шарафли ишга ўз улушини қўшди ва ҳама бундан мамнун қолди. Ишнинг бундай муросаю мадора билан ҳал этилиши бошқа бир кимсанинг ақлига келимаган эди.

Ҳз. Пайғамбарнинг Каъба таъмири давомида Курайшийлар билан биргаликда ишлагани, тош ташигани, унинг натижасида елкаларининг яра бўлганлиги тарихий ривоятлардан ҳам жой олгандир. Амакиси Аббос унга уст-бошини елкасига қўйиб олишини уқтирди. Ҳз. Пайғамбар амакисининг гапига қулоқ солиб, уст-бошини тўплаб елкасига қўйиши билан, вужуди очилганидан, ерга йиқилди ва ўзидан кетди. Сўнгра бу ҳолни Абу Толибга англатар экан у замон «Ё Муҳаммад, сен Пайғамбарсан, сенга ярашмас» деган овозни эшитганлигини сўзлади. У вақтда Ҳз. Пайғамбар 35 ёшда эди.

ж) Бутпарастлик хотимаси йўлида

Жоҳилият чоғида араблар бутларга сиғина бошладилар. Ҳз. Иброҳимнинг динидан айрилишлар. Каъбани бутлар билан тўлдириб, бу ерда тўпланишар ва ичкилик ичиб, кайф-сафо қилардилар. Кечалари тўпланишиб, шеър ўқишар ва масал тўқишар эдилар. Арабларда қон даъволари тўхтамас, талончилик авжига чиққан эди. Фақат Муҳаррам, Ражаб, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойларида қон тўкмасдилар ва ғавго қилмасдилар. Бу ойларни Ашхурул-Хурум дер эдилар. Булар тинч-тотувлик ойлари ҳисобланарди. Бу ойларда қуроллар ташланиб, ҳама ўз соғлиғига, роҳатига боқар эди. Бу даврда уйин-кулги янада кучаярди. Фақат уларнинг ичларидан баъзи одамлар бу кайф-сафо олами ботқоғидан ўзларини сақлар эдилар. Варақа б. Навфал, Қусс б. Соида, Убайдуллоҳ Ибни Жаҳш, Усион Ибнил Ҳувайриш бутга топинишдан воз кечган эдилар. Варақа б. Навфал таврот ва инжил ўқир эди. Қусс Ибни Соида сўнгги Пайғамбарнинг келиш вақти яқинлашганлиги ҳақида хабар берганлардан эди. Арабларнинг машҳур бозори Суҳи Укозда бир қизил туя устида сўзлаган хутбасини Ҳз. Муҳаммад алайҳиссалом ёшлигида тинглаган эди. Бу хутбани аслидек гузал таржима қилган Жавдат Пошшодан тинглайлик:

Хутба

«Эй инсонлар, келингиз, тинглангиз, доимо хотирлангиз, ибрат олингиз. Яшаганлар ўлур, ўлган фано бўлур. Бўладиган иш бўлур. Ёмғир ёғар, ўтлар унар. Болалар туғиладилар. Ота-оналарининг ўрини оладилар. Сўнгра ҳаммаси йўқ бўлиб кетади. Бундай ҳолатнинг ораси узилмас, ҳамон бирин-кетин давом этади. Қулоқ тутингиз Диққат этингиз. Кўкдан хабар бор. Ерда ибрат бўладиган нарсалар бор. Ер юзи бир кенг айвон. Кўк юзи бир юксак шип. Юлдузлар юради. Денгизлар туради. Келган қолмас. Кетган келмас. Ажабо, борган ерларида хушнуд бўлиб қоладиларми? Йўқса, у ерда

уйқуга кетадиларми? Онт ичаман. Оллоҳнинг ҳузурида бир дин борки, ҳозирги динингиздан янада севгилидир, ва яна, Оллоҳнинг бир келажак Пайғамбари бордирки, келишига жуда ҳам оз қолди. Сояси бошингизнинг устига келди. Унга иймон келтириб, ҳамда у доҳийга эргашиб нақадар бахт. Унга исён ва муҳолафат айлаган бадбахтларнинг ҳолларига вой. Умрлари гафлат ичида кечган умматларга афсуслар бўлсин.

Эй жамоат! Қани аждодларимиз? Қани музайян қошоналар ва тошдан хоналар қурган Од ва Самуд? Қани борлигини мағрур бўлиб қавмига «Мен сизнинг энг буюк Раббингизман» деган Фиръавн ва Намруд? Улар сизга нисбатан жуда бадавлат ва куч-қувват эгаси эмасмидилар? Бу ер уларни ўз тегирмонида толқон қилди, чанг-тузон қилди, йўқ қилди. Суяклари билан чириб, йўқ бўлди. Уйлари ёқилиб, изсиз қолди. Ерларини, юртларини ҳозир кўппаклар босган. Эҳтиёт бўлинг, улар каби гафлатда қолманг. Уларнинг йўлига кирманг. Ҳар нарсa фонийдир. Боқий фақат Жаноби Ҳақдирки, у ягонадир, шерик ва назири йўқдир. Сигиниш фақат унгадир. Тугилмади, тугмади. Аввал келиб кетганларда бизга ибрат буладиган нарсалар кўпдир. Улим ирмоғининг кирадиган ерлари бор, аммо чиқадиган ерлари йўқдир. Катта-кичик ҳаммаси кўчиб кетади. Кетган қайтиб келмайди. Жазм этдимки, ҳаммага бўлган менга ҳам булади.» (Жавдат Пошшо, Қиссаси Анбийа. 1- ж., 72- б.).

Қусс Биъсатдан аввал вафот этди. Қабиласи мусулмон бўлди. У замон қабилa бошлиғидан Ҳз. Муҳаммад сўради:

— Ичингизда Қуссни танийдиган борми?

— Ҳаммамиз таниймиз, ё Расулуллоҳ,— дедилар.

Расули Акрам:

— Қусснинг Укоз бозорида туянинг устида сўзлаган гапида: «Яшаган улур, улган фано бўлур, буладиган иш бўлур» дегани ҳеч ёддан чиқмас, дея буюрди.

У ерда ҳозир бўлганлардан Ҳз. Абу Бакр ҳам:

— Ё Расулуллоҳ, у кун мен ҳам Укоз бозорида бор эдим. Қусснинг сўзлаган ҳамма гаплари хотирамдадир,— деб юқоридаги хутбани бошидан охиригача ўқиди.

IV Қисм

ПАЙҒАМБАРЛИК ДАВРИДА ҲЗ. МУ- ҲАММАД (ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ)

Мавзулар:

- Ҳиродаги узлат
- Илк ваҳийнинг келиши
- Варақанинг айтганлари

а) Ҳиродаги узлат

Ҳз. Муҳаммад алайҳиссалом 40 ёшга тулганида ўзини бошқача сеза бошлади. Асосан таркидунёчиликни ҳумсайдиган бўлди. Макканинг уч мил юқорисидаги Ҳиро тоғида жойлашган ғорга кетар ва Рамазон ойини у ерда кечириб, ибодат қиларди. Ёнида озиги тугаши билан Маккага — Ҳз. Ҳадичанинг ёнига қайтар, бу ерда бир оз қолиб, яна ўша ғорга кетар эди. У ерда ўзини рух сукунатига бериб, уйга толарди. Жаноби Ҳақ уни буюк бир вазифага тайёрларди. Кулоғига ғойибдан: «Сен Оллоҳ элчисисан», — деган товушлар келарди. Туш — ҳаёллари тўғри чиҳаётгандек эди. У Оллоҳ Таолонинг пайғамбарлари воситаси билан муждалаган сунгги Пайғамбар бўлаётган эди...

Милоднинг 610 йилида Рамазони Шариф ойида Ҳз. Пайғамбар, одатга қура, яна Ҳиродаги ғорга чиқди. Халқнинг севги ва ҳурматини қозонган, тўғрилиқ ва риоятлигидан қавийининг Муҳаммадул Амин номини олган бу олий шахсият бутун инсоният йўлиқдан залолат (тўғри йўлдан айрилиш) ва сафоҳатдан жуда узоқ эди. У олий ҳақиқатни қидирар эди. Дунёни қоплаган залолат тўғриси инсониятни эзаётганди. У бундан халос бўлиш йўлини уйлар эди. Араблар қиз болаларини тириклайин тупроқда кумар, мажусийлар, ҳатто, ўз онаси ва синглиси билан никоҳланишни одатий ҳол деб билар, жоҳиллар ўлкаларини таққиб атар ва инсонларни исканжага солиб, изоблар эдиларки, бу қолнинг охири қаерга боради, ҳеч ким билмас эди. Ҳозир унинг вужудини булар машғул қилган эди.

Атрофида бепоён чуллар, туташган тоғлар, чузилган воҳа ва водийлар бор. Кук юзида сон-саноксиз юлдузлар ва ой порлайди. Эрта тонг бўлиши билан яна қуёш чиқиб, кoinнотга нур таратади. Буларнинг ҳаммаси тотли ва гўзал нарсалар. Аммо инсониятнинг бахт-саодат қуёши не замон чиқажак?

Ҳиро тоғида қайси дин бўйича ибодат қилинар эди? Ҳз. Иброҳим ёки Ҳз. Мусо ёки Исонинг дини бўйича ибодат қилинар эди, деганлар бор. Бундай бир чеккага чекиниб ибодат қилишга таҳаннус дейилади. Айний «Умдатул-ҳорий» номи Бухорий шарҳида бу сузга қуйидагича изоҳ беради: «Пайғамбаримизнинг қайси шаклда ибодат қилганлиги сўраладиган бўлса, бунинг тафаккур ва ибратдан иборат бўлганлигини айтамин».

6) Илк вақийнинг келиши

Пайғамбарлигининг бошланишида Ҳз. Пайғамбарга олий ҳақиқат туш оламида кашф бўла бошлади. Унинг тушида қурган ҳар бир нарсаси ойдин бир сабоҳ каби ўнгида бўлаётган эди. Қушларнинг бирида Ҳиро тоғидаги ғорда ваҳий келтирган малак Жаброил алайҳиссалом унга кўринди ва:

— Ўқи,— деди.

Ҳз. Пайғамбар:

— Мен ўқишни билмайман,— деди.

Малак айни аирини такрорлади. Ҳз. Пайғамбар яна:

— Мен ўқишни билмайман,— жавобини берди. Сўнгра малак уни бошдан оёққа қадар кучи қолмагунча сиқди.

Ҳз. Пайғамбар:

— Нимани ўқишим керак,— деб сўради.

У замон фаришта илоҳий оятларни энг ёқимли оҳанг билан ўқиди:

«Яратган Раббинг номи билан ўқи! У инсонни лахта қондан яратди. Ўқи! У қарами кенг бўлган Раббинг ҳаққи учунки, У қалам билан таълим берди, инсонга билмаганларини ўргатди.»

Алақ сурасининг бошида бўлган бу ояти карималар илк келган ваҳийдир. Ҳз. Пайғамбар буларни қалбига жойлади ва малакнинг овозига ҳамоҳанг ҳолатда айнан ўқиди. Ва дарҳол уйига қайтди. Илк ваҳий ҳолати берган андишанинг титроғи ичида хотини Ҳз. Ҳадичага:

— Мени ўранг, мени ўранг,— деди. Ва узоқ уйкуга толиб, уйгонганидан кейин қурган нарсаларини хотинига англатди. Содик хотини унга тасалли бериб: «Муждалар бўлсин, сабот қил. Ҳаётини сен билан боғлаган Оллоҳ номига онт ичаманки, сен бу умиатнинг пайғамбари бўласан. Буюк Оллоҳ сени асло унутмас. Зеро, сен қариндошлик ҳақларига риоя этасан, тўғри сўзсан, қучлиларга

таянасан, мусофирларга ҳурмат кўрсатасан, фалокатга учраганларга ёрдам қилини қўзасан. Бундай ҳислатларга эга қилини Оллоҳ Ёлғиз қолдирмайди...», — деди.

Бу сўзлар Ҳз. Ҳадичанинг нақадар юксак руҳли бир аёл бўлганлигини кўрсатади. Буюк Оллоҳ охири Пайғамбар сифатида таялаган Ҳз. Муҳаммадга уир йўлдош қилиб бундай юксак фазилат соҳиби бўлиш аёлини насиб этишидир. Бу ҳам Оллоҳнинг бир лутфидир.

■) Варақанинг айтганлари

Ҳз. Ҳадича бу фавқуллоҳда ҳол ҳақида маълумот олоқ учун қариндошларидан бўлган Варақа б. Навфалга югурди. Чунки Варақа динлар ҳақидаги билмилар соҳиби эди. Ҳадичага: «Қуддус, Қуддус», — деди. «Агар ҳолат англатганингдек бўлса, унга келган Ҳз. Мусога келган Номусу Акбардир, яъни буюк малақдир», — деди.

Ҳз. Муҳаммад Каъбани тавоф қилимоқ учун уйдан чиққанида Варақага учрашди ва Ҳадича англатгани каби бошидан кечирганларини такрор англатди. Варақа:

— «Сен бу умматнинг Пайғамбари буласан. Сенга кўринган Мусога келган буюк малақдир. Сени ёлғончига чиқарадилар, азият чектирадилар, юртингдан чиқарадилар, сен билан уруш қиладилар. Шояд у кунларга эришсам, сенга Оллоҳ учун ёрдам қиламан» — деди.

Варақадан бу сўзларни эшитгандан кейин:

— Улар мени ўз туғилиб ўсган юртидан чиқарадиларин? — деб сўради.

Варақа:

— «Ҳа, — деди, — сен каби ҳеч бир Пайғамбар йўқдирки, қавинга юборилсин-да, унга ёлғончи демасинлар, азият этмасинлар, уни юртидан чиқармасинлар».

Варақа бу сўзлаганларини утган пайғамбарлар ҳаётидан урганган эди. Ҳз. Муҳаммадга улар ҳақида хабар берар эди. У замон жуда кекса бўлган, ҳатто, кўрмас бир ҳолга келган бу нуронийнинг деганлари тўғри эди.

V
Қисм

ИЛК МУСУЛМОНЛАР

Мавзулар:

- Илк мусулмон бўлганлар
- Ҳз. Алининг Исломи қабул қилиши
- Ҳз. Абу Бакрнинг мусулмон бўлиши
- Ошкора даъват
- Илк мусулмонлар кечирган азоб-ўқубатлар
- Мушрикларнинг саркардалари

а) Илк мусулмон бўлганлар

Ҳз. Пайғамбарга ваҳий келиши билан у инсонларни Ҳақ динга даъват этиш вазифасини бажара бошлади. Биринчи бўлиб содик йулдоши Ҳадича ниймон келтирди. Озод қули Зайд ҳам ниймон келтирганлардандир.

б) Ҳз. Алининг Исломи қабул қилиши

Абу Толибнинг оиласи катта бўлганлиги сабабли, угли Алини Ҳз. Муҳаммад ўз ёнига олди. У пайтлар Али беш ёшли бола эди. Ҳз. Муҳаммадга Пайғамбарлик берилиб, инсонларни Ҳақ динга даъват этишга мушарраф бўлган вақтда Али унинг уйида яшади. Ҳз. Ҳадича ҳам мусулмон бўлган эди. Ҳз. Муҳаммад билан Ҳз. Ҳадичанинг ибодат қилиб, Қуръон ўқишларини Али доими қўлар эди. Болаликка хос ғуборсизлик билан буларни сўрарди. Ҳз. Муҳаммад ҳам унга эринамасдан Исломиятни англатди. У ҳам Исломиятни қабул қилди.

в) Ҳз. Абу Бакрнинг мусулмон бўлиши

Ҳз. Абу Бакр (Оллоҳ ундан рози бўлсин) Ҳз. Муҳаммаднинг энг жонажон дўсти бўлиб, унинг Маккада эътибори ва шарафи буюк эди.

Бадавлат тижоратчи эди. Ҳз. Муҳаммадни кўриок истаганлар уни Абу Бакр дўконидан топар эди. Урталарида бундай ичдан яқинлик бўлганлиги сабабли Ҳз. Муҳаммад оиласи ташқарисидаги кишилардан биринчи бўлиб Абу Бакрни Исломига даъват этди. Ўзига ишончи катта бўлган Абу Бакр ҳам Ҳз. Муҳаммаднинг даъватини ўйлаб утириасдан қабул этди. Абу Бакрнинг Исломиятни қабул этишидан Ҳз. Муҳаммад ўзига катта бир дастак олди. Унинг ҳиммати билан баъзи эътиборли кишилар ҳам мусулмон бўлдилар. Чунки улар Абу Бакрнинг бирон-бир янглиш йўлга бошламаслигига амин эдилар. Аффон ўғли Ҳз. Усмон, Авф ўғли Абдурраҳмон, Талҳа, Абу Ваққос ўғли Саъд, Аввом ўғли Зубайр қабилар унинг далолати билан Ҳақ динни қабул этдилар. Оллоҳ улардан рози бўлсин.

г) Ошкора даъват

Илк мусулмонлар қурайшийларнинг Исломиятга душман эканликларини билганликлари учун дийларини сир тутдилар. Бу ҳолат уч йил давом этди. Энди эса, Исломига очиқ даъват этиш навбати келган эди. Қуйидаги мазиундаги ояти қарималар ваҳий бўлди:

«Яқин қариндошларингени уйғот, муминлардан сенга тобе булганларга раҳмат ва ҳимоя қанотларини тушир. Бас, агар сенга осий бўлиб қарши тураверсалар, уларга: Мен сизнинг амалларингиздан покдурман (тамомийла узоқман), де» (Шуаро сураси, 214—216- оят).

«Бас, сен ўзингга амр қилинган ишни (Ҳақ динга даъват қилишни) очиқдан очиқ юзага чиқар ва мушриклардан юз угир» (Ҳижр сураси, 94- оят).

Ҳз. Пайғамбар ваҳийнинг бу амрига биноан Абдулмутталиб оиласини, амакиси Абу Толиб, Аббос, Ҳамза, Абу Лаҳабларни уйига зиёфатга таклиф этди. Овқатланиб бўлишганидан кейин суҳбат бошланди. Ҳз. Пайғамбарга сўз навбати келганда, Оллоҳдан олган амрни қариндошларига билдириб, уларни Ҳақ дин — Исломиятга даъват этди. Қайсар бир одам булган амакиси Абу Лаҳаб уша захоти уртага отилиб, унинг сўзини кесди ва тупланганларни тарқатиб юборди. Шундай қилиб, Ҳз. Пайғамбарнинг илк даъватига амакиси Абу Лаҳаб қарши чиқди.

Бир муддат утгандан кейин Ҳз. Пайғамбар мусулмончилик борасидаги даъватини янада кучайтирди. Бир куни Сафо тепасига чиқиб: «Эй Қурайш халқи», — дея бақирди. Муҳаммаднинг овозини эшитганлар унинг атрофига тупландилар. Ҳз. Муҳаммад тупланганларга қарата:

— Сизга шу тепанинг орқасида бир душман қўшини борлиги хабарини айтсам, менга ишонасизми? — дея сўради.

— Ҳа, ишонамиз, чунки сенинг ёлғон сузлаганингни ҳеч эшитмадик, — дедилар.

Ҳз. Пайғамбар уларга:

— У ҳолда сизни огоҳ этаман. Агар сиз Оллоҳга ишонасангиз, буюк бир азобга дучор бўласиз,— деб қабила номларини алоҳида-алоҳида санаб ўтди. Сўнгра:

— Хабарингиз бўлсинки, Оллоҳ менга яқин қабиламини огоҳ этишни аир этди. Мен сиз учун на дунё манфаатини сақламоқда, на охирада топадиган насибамизни ҳозирлашга соҳиб эмасман. Булар сизнинг бир сўзингизга боғлиқдир. У ҳам бўлса, «Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир», дейишингиздир,— деди.

Тингловчилар орасида бўлган Абу Лаҳаб дарҳол ўрнидан туриб:

— Кунимизни заҳар қилдинг. Бизни бу ерга шунинг учун тувладингми? — деди.

Шу сабаб бўлиб, бу йўғин ҳам бир натижа берилади.

д) Илк мусулмонлар кечирган азоб-уқубатлар

Илк мусулмон бўлганларнинг ичидан ҳеч ким ва орқасида қувватли суянчиги бўлмаганлар мушрикларнинг таъқибига дучор бўлдилар. Мушриклар Абу Бакр, Усион каби буюк ва бадавлат зотларга бир нарса дея олимас эдилар. Аммо заиф бўлган факирларни оч ва сувсиз тутишар, урар эдилар, қайноқ қумга ётқизиб, исканжалар қўяр эдилар. Энг кўп азоб-уқубатга дучор бўлганлар қуйидагилар эди:

Билол Ҳабаший: ҳабашистонлик бир ҳабаш бўлиб, Умайя Ибни Ҳалафнинг қули эди. Умайя Исломининг энг катта душманларидан бири бўлганлиги сабабли Билолга беримаган азоблари қолмади. Қулини қайноқ қум устига ётқизиб, кўксига қиздирилган тошлар босар, соатлаб қўёш остида тутар эди. Билол эса, имон ҳисси берган қувват билан «Оллоҳ ягонадир» дея барча азоб-уқубатларга чидар эди. Ниҳоят, Абу Бакр уни сотиб олиб, озодлик берди. Билолнинг яйроқ овоз билан ўқиган азонини ҳама завқ билан тинглар эди.

Амиор Ибни Ёсир: у ҳам илк мусулмон бўлганлардан эди. Қурайш бу каби ҳомийси бўлмаган ожизларга инсон боласи қилмайдиган ҳар турли азобларни беришда ҳеч нарсадан қайтмас эди. Амиорни қумга ётқизиб, ҳолдан тойиб, ҳушидан кетгунига қадар урар эдилар. Амиорнинг отаси Ёсир, онаси Сумайя ҳам айни азобга дучор бўлдилар.

Суҳайб Румий: асли эронлик эди. Византияликларга асир тушиб, у ерда улғайганлигидан, Румий деб ном олганди. Арабистонга қул қилиб сотилган эди. Ҳз. Муҳаммаднинг Исломга даъватини эшитиши биланок мусулмонликни қабул этди. Мушриклар уни ҳам кўп исканжа остида тутдилар.

Ҳаббоб б. Арат: Таим қабиласидандир. Мусулмонликни еттинчи бўлиб қабул этди. У ҳам исканжа азобига дучор бўлди. Бир марта уни кўмир чўчи устига ётқиздилар, бутун бадани яра ичида қолди. Орадан кўнлар утгандан кейин у бу ҳодисани Ҳз. Умарга айтиб берди ва баданини кўрсатди. Баданида қўйган ерларининг изи сақланиб қолган эди. Ҳаббоб темирчилик қиларди.

Абу Факайха: Сафвон Ибни Умайянинг қули эди. Сафвон уни исканжага солиб, мусулмонликдан чиқишга зўрлар эди. Аммо у барча азобларга чидади ва ўз динида сабот қўрсатди.

Лубайна, Наҳдийя, Зиннира, Уйму Абис каби жориялар ҳам мусулмон бўлганликлари сабабли куп азоб-уқубатларга дучор бўлдилар. Ҳз. Абу Бакр уларнинг тўртталасини сотиб олиб, озод қилди.

е) Мушрикларнинг саркардалари

Мушриклар Ҳз. Усмон каби мусулмонларга қўлларидан келган азобларни беришдан чекинмаётган эдилар. Ҳатто, Исломининг буюк Пайғамбарига ҳам ҳаршилиқ қўрсатишга журъат этдилар. Ҳз. Пайғамбарга энг куп душманлик қилганлар қуйидагилар бўлди:

Абу Лаҳаб: Ҳз. Пайғамбарнинг амакиси бўлса-да, исломнинг энг ашаддий душмани эди. Хотини Уйму Жамил Абу Суфённинг сўнгилиси бўлиб, у ҳам эри каби Ҳз. Пайғамбарга қўли ва тили билан азият берганлардандир. Бу иккиси ҳақида Таббат сураси тушмишдир. Бадр жангида ҳалок бўлди.

Абу Жаҳл: Бу ҳам мусулмонларнинг энг ашаддий душманидир. Мусулмонлар унинг қули ва тилидан нелар чекидилар. Исломга душманлик қилганларнинг купи Умайя ўғиллари эди. Чунки Амавий ва Ҳошимий раҳобати эскидан бордир. Абу Жаҳл эса, Маҳзум қабиласидандир. Улар ҳам раисликка даъвогар эдилар.

Валид Ибни Муғира, Абу Суфён, Умайя Ибни Ҳалаф, Ос Ибни Воил қабилар исломга душманликда олдинда бўлганлардандир. Ҳз. Муҳаммаднинг ўғли Қосим вафот этган замон Ос: «Муҳаммаднинг насли кесилди», — деб, устидан кулди. Фарзанд доғидан юраги куйган отага тасалли бериш урнига, уни янада хафа қилиш инсонликка хос ҳислат эмасдир.

Курайш улуғлари Ҳз. Пайғамбарнинг Оллоҳ элчиси бўлганлигини билар эдилар. Аммо ҳасад юзасидан унга қарши чиқардилар. Бунга Аҳнас Абу Жаҳлдан исломиёт ҳақидаги фикрини сураганда у берган жавобдан билса бўлади: «Биз билан Ҳошимийлар ўртасида қадимдан бери раҳобат бордир. Шарафни ўртада бўлиша олаёмиз. Улар зиёфат берсалар, биз ҳам бераёмиз; улар хайр-саҳоват қўрсатсалар, биз ҳам қўрсатаёмиз; улардан орқада қолаёмиз. Шундай баробар кетаётган пайтимизда улардан бири узига кўкдан ваҳий келганидан хабар берипти. Биз бунга қандай қўшила олаёмиз? Валлоҳи, биз уларнинг Пайғамбарига ишонаёмиз!...».

Мавзулар:

- Яхши фазилатлар сари даъват
- Қурайшийларнинг Абу Толябга шикоятлари
- Илоҳий вазифа сари
- Ҳз. Умарининг мусулмон бўлиши
- Қазбада ошкора ибодат

а) Яхши фазилатлар сари даъват

Ҳз. Муҳаммад гузал ахлоқ соҳиби сифатида юборилган бир Пайғамбардир. Қуръони Карим унинг юксак ахлоқ соҳиби эканлигидан хабар беради.

Шарқшунослардан Виллям Муир «Муҳаммаднинг ҳаёти» номи асарида шундай дейди:

«Ҳз. Муҳаммад ҳақидаги бутун гапирганларимиз бир нукта устига туланади. У ҳам бўлса, унинг хулқ-атворининг юксаклиги, ахлоқининг тозалигидир. Булар шундай буюк фазилатлардирки, у замоннинг мақоликлари орасида жуда нодир эди».

Ҳақиқатан ҳам, Қурайшийлар у вақтда турли гуноҳларга ботган эди. Ахлоқсизлик ботқоғига тобора чуқиб борар эди. Сархуш ичимлик ичиш, қимор ўйнаш, зино, рибо, қон даъвоси каби ахлоқсизликлар ҳамон ҳукм сураар эди. Ижтимоий ҳасталиклар арабларнинг вужудини тобора кемириб бораётган эди. Муқаддас ҳисобланган Қазба атрофидаги ҳарамни завқ ва сафо, сархуш ичимлик ва қимор ўйнаш уйига айлантириб олган эдилар. Қурайшнинг олд кишилари юз қизартирувчи ҳаракатлардан ор қилишмас эди. Ҳошимийларнинг саркардаларидан ҳисобланган Абу Лаҳаб Қазбада қадимдан сақланиб келган ва олтиндан ясалган кийик ҳайкалини ўғирлаб, сотиб, еб юборган эди. Ҳз.

Пайғамбар буларга қарши фазилат мужодаласи байроғини кутарди. Исломиёт бу каби ёмонликларнинг барчасига қарши бормоқда эди. Шунинг учун Қурайшийлар бошданоқ Исломиётга қарши чиқдилар. Қуръони Карим оятлари қандай бўлмасин уларнинг бу ҳаракатларини ёмонлади, уларни аёвсиз танқид қилди. Улар ҳам душманликларини кучайтирдилар.

6) Қурайшийларнинг Абу Толибга шикоятлари

Қурайшнинг олд кишилари бу ҳолда шикоят қилиш учун Абу Толибга бордилар:

— Биродарингнинг ўғли бизнинг бутларни ёмонлаяпти, ота-боболарингиз ҳам туғри йўлдан озган эдилар,— деяпти. Ё уни бу ишдан воз кечтир, ё уни ҳимоя қилишдан воз кеч,— дедилар.

Абу Толиб уларни мулоийм сўзлар билан орқаларига ҳайтарди. Орадан бир муддат ўтгач, яна Абу Толиб ёнига келдилар:

— Биз ортиқ сабр қила олмаймиз. Нима бўлса бўлсин. Агар сен уни ҳимоя қилишдан воз кечмасанг, биз сендан воз кечамиз,— дедилар.

Абу Толиб вазиятнинг бу қадар таранг ҳолга келганини англагандан кейин, Ҳз. Муҳаммадга бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Очикдан очик «Мен сени ҳимоя қилишдан воз кечаман», демаган бўлса-да, гапнинг боришидан шу маънони англаш мумкин эди. Бу гаплар Ҳз. Муҳаммаднинг маҳзун ҳалбига оғир ботди:

— Мен Оллоҳ тарафидан ҳақ динни етказувчи хизматқорман, мен Оллоҳ элчисиман, ўз-ўзимдан бир нарса қилаётганим йўқ. Бир қўлига қуёшни, иккинчисига ойни тутсалар ҳам бу вазифадан айралаймаман,— деб жавоб берар экан кўзлари жиққа ёшга тўлди.

Абу Толиб уни фарзандидан ҳам ортиқ кўрар ва шу сабабдан унинг хафа бўлишини ҳеч истамас эди. Бу ҳолатдан қайғурди ва ўзини ҳулга олиб:

— Сен ўз ишингга боқ, ўғлим. Мен соғ-омон эканман, улар сенга тегишга ботина олмайдилар,— дея кафиллик берди. Машхур бир қасидасини сўзлаб берди.

а) Илоҳий вазифа сари

Ҳз. Пайғамбар илоҳий вазифасини давом эттирди. Мусулмон бўлганлар сони кундан-кун ортиб борди. Пайғамбарлигининг олтинчи йили эди. Ҳз. Пайғамбар бир кун Сафо тепасида ўтирганида, Абу Жаҳл у ердан ўтди. Ҳеч бир сабабсиз Расули Акрамни ёмон сўзлар билан ҳақорат этди. Одоб ва тарбиясизликнинг бундай қурунишларидан йироқда бўлган Пайғамбаримиз унинг гапларига жавоб бериади. Аммо ўртада бўлиб ўтган гапни бир хотин эшитди. Ҳз. Пайғамбарнинг амакиси бўлган Ҳамза у кун овга кетган эди. Ҳамзада жохилият одати бўйича ўқини ва ёйини елкасидан олмасдан, Къаба таовфига келди. Воқеадан хабардор бўлган аёл у кунги ҳолатни Ҳамзага англатди. Ҳамза ҳали мусулмон бўлмаган

бўлса-да, биродарининг ўғлини очикча ҳақорат қилгани учун жаҳли чиқди ва Қурайшнинг мажлисига йўл олди. У ерда Абу Жаҳлга қарата:

— Биродаримнинг ўғлини ҳақорат қилиб, ҳафа қилган сенми-сан? — дея ёйи билан Абу Жаҳлнинг бошига урди. У ерда тўпланганлар Абу Жаҳлга бундай муомалада бўлгани учун Ҳамзага ҳужум қилимоқчи бўлдилар. Аммо бу ишнинг натижаси қандай тугашини яхши билган айёр фикрли Абу Жаҳл:

Тегманг, Ҳамзанинг ҳақди бор. Зеро мен биродарининг ўғли ҳақида ёмон сўзлар сўзладим, — деди.

Ҳамза кетгандан кейин ўз одаиларига қараб:

— Илтимос, унга тегманглар, жаҳлн чиқиши натижасида бориб мусулмон бўлиши мумкин. Агар у мусулмон бўлса, мусулмонлар янада қувватли бўладилар, чунки Ҳамза ҳурматли бир одамдир, — деди.

Ҳз. Ҳамза бу воқеадан сўнгра мусулмонликни қабул этди ва биродарининг ўғли тарафига ўтди.

г) Ҳз. Умарнинг мусулмон бўлиши

Ҳз. Ҳамзанинг мусулмон бўлганидан бир кун кейин қурайшийлар «Дорун-Надва» деб аталган уюшмаларида бир йиғилиш ўтказиб, ўша даврдаги ҳолатни муҳокама қилдилар. Ҳз. Ҳамзанинг мусулмон бўлиши уларни таҳликага солган эди. Мусулмонлар кундан-кунга қувватланиб бораётган эдилар. Узоқ мунозаралардан сўнгра Абу Жаҳлнинг таклифи билан Ҳз. Муҳаммаднинг жонига суиқасд қилишга қарор бердилар. Бу даҳшатли қарорни ким бажара олади? Бу вазифани ичларида энг жасури бўлган Умарга юкладилар.

— Қани, Ҳаттоб ўғли, кўраминг сени, — дедилар.

Умар у замон 33 ёшда эди. Оиласи мусулмонлик ҳақида яхши фикрда бўлиб, куёви Саид, синглиси Фотима мусулмон бўлган эдилар. Умарнинг булардан хабари йўқ эди. Қиличини тақиб, Каъбани тавоф этди ва Сафо тепалигига қараб йўл олди. Мусулмонлар «Дорул-Арком»да йиғилган эдилар. У ерга бориб, Ҳз. Муҳаммадни ўлдириши керак эди. Аслида эса, Муҳаммадни ўлдириш учун эмас, балки мусулмонларга қўшилиш учун кетаётган эди.

Йўлда Абдуллоҳ ўғли Нуаймга дуч келди. Нуайм кўрдики, Умар қиличини тақиб, важоҳат билан келаяпти.

— Ҳа, Ҳаттоб ўғли важоҳат билан қаерга кетяпсан, — деди.

У эса:

— Араблар ўртасига нифоқ солаётган Муҳаммаднинг вужудини йўқ қилиш учун кетяпман, — деди.

Нуайм:

— Валлоҳ, қийин бир ишга бош урибсан. Муҳаммаднинг саҳобалари ҳар доим унинг атрофида парвона каби айланишади. Уни олдига йўл топиб кириш қийин. Эҳтиросга берилиб бу ишни бажардинг ҳам дейлик, аммо Абдуманнофнинг ўғиллари сени ер юзида бемалол юришингга йўл берадиларин? — деди.

Умарнинг бу сўзлардан жаҳли чиқиб:

— Сен ҳам Муҳаммаднинг ёнини оляпсан, шундайми? — деди.

Нуайм:

— Ё Умар, сен мени қўй, аввало ўз оилангга боқ. Куёвнинг ва амакинг ўғли бўлган Саид билан унинг рафикаси бўлиш синглинг Фотиما мусулмон бўлдилар.

Умарнинг бу гапларга унчалик ишонгиси келмади, амио юрагига бир шубҳа тушди. Синглисининг уйига бориб эшикни тақиллатди ва ичкари кирди. Ичкаридагилар шошиб қолдилар. Чунки улар Умарнинг ислом душмани эканлигини яхши билар эдилар.

Умар улардан:

— Ўқиётганларинг нима эди? — деб сўради.

Куёви:

— Ҳеч нарсаси, — деди.

Умарнинг важохати кучайди ва куёвини ёқасидан тутиб ерга урди. Ораларига синглиси кирди. Умар уни ҳам урди. Ёмон ҳолда қолган Фотима ақаси Умарга шундай хайқирди:

— Оллоҳдан қўрқ! Кучинг бир хотинга етдими? Мен билан эрим мусулмон бўлдик. Бошимизни олсанг ҳам бундан кечмаймиз.

Манзара жуда ачинарли эди. Умар қилган ишидан пушаймон бўлди. Қалби тубида қандайдир илқилик пайдо бўлди.

— Ўша ўқиган нарсаларингизни менга ҳам беринг, — деди.

Синглиси Куръондан парчаларни унга узатди. Умар ўқини бошлади.

«Кўкда ва ерда не бор бўлса, ҳаммаси Оллоҳнинг иродасига бўйсунди. Азиз ва Ҳаким бўлган Удир. Кўкнинг ва ернинг ҳоқими Удир. Ҳаёт ва ўлим берган Удир. У ҳар нарсага қодирдир» (Ҳадиид сураси, 1-2-оят).

Умар бу оятларни тинглади (°) ва чуқур уйга толди. Куръони Каримнинг юксак оҳанги, маъносининг теранлиги уни маҳлиё қилиб қўйган эди. Оллоҳ каломининг таъсири руҳини қамраб олди. Мушрик Умар урнига мўмин Умар чиқаётган эди. Синглисидан суради:

— Бутун еру кўкнинг ҳукмдори сиз сизингиз Оллоҳми?

Синглиси кеч уйланимасдан жавоб берди:

— Ҳа, унга ҳеч шубҳа йўқ.

Умар уялиброқ сўзлади:

— Биз топинадиган бутларнинг ҳеч нарсаси йўқ, афсус!

Бу «афсус» сўзи бутун булутлар оламига отилган бир тош эди.

Умарнинг қалби энди Исломиятга очилган эди.

Ҳз. Пайғамбар: «Ё Раб! Бу динни икки Умардан бири билан қувватлантир» — дея дуо этди. Икки Умар дейишдан кўзда тутилган мақсад, Ҳаттоб ўғли Умар ва Абу Жаҳл (Амир Ибни Ҳишом) эди. Бу

(°) Шайх ривоятларда Ҳз. Умар синглисининг уйига Тоҳа сурасининг бош қисмининг тинглатгани айтылади. Биз Ҳадиид сурасидан оятлар аниқ этдик. Ҳар иккиси ҳам нақл этилган.

дуоси Ҳз. Умарга насиб этди. Ҳз. Умар бундан жуда севинди ва: «Мени Ҳз. Пайғамбарнинг ёнига олиб бординг», — деди.

У вақтда мусулмонлар Сафо теңалиги этагида жойлашган Арқам уйига тўпланишган эди. Умарни у ерга олиб бордилар. Соқчи Умарни куролланган ҳолда келаётганини кўриши билан ичкарига хабар берди. Ичкаридагилар Умарнинг ноини эшитишлари билан таҳликага тушдилар. Ёлғиз Ҳз. Ҳамзагина ҳеч пинагини бузмади. У:

— Кўрқадиган ҳеч нарса йўқ. Агар яхшилик билан келган бўлса, ҳуш келибди; яхшилик билан бўлмаса, кўрадигани ҳам бор, — деди.

Умар ичкари кириш билан саҳобалардан бири унғ томонидан, иккинчиси чап томонидан тутиб, Ҳз. Муҳаммаднинг ҳузурига олиб кирдилар. Ҳз. Пайғамбар: «Уни қўйиб юборинглар», — деди. Чунки Умарнинг ҳоли Ҳз. Пайғамбарга маълум эди.

Умар Ҳз. Муҳаммаднинг олдида тиз чўқди. Қайсар ва қўпол бўлган Умар шу он қўйдек ювош турар эди. Расули Акрам муборақ қўллари билан Умарнинг елкасидан тутди ва «Иймонга кел, Умар», — деди. Умар ҳам чин дилдан калимаини шаҳодатни сўзлади ва исломини қабул этди. У ерда ҳозир бўлганларнинг барчаси бундан жуда севиндилар ва ҳаммаси баланд овоз билан такбир айтиб, Умарнинг мусулмон бўлганлигини эълон этдилар. Сафо теңалигидан янграган «... Аллоҳу Акбар» садоси Макка узра акс-садо билан ёйилди.

Умар:

— Ёронларимиз неча кишидир, — деб сўради.

— Сен билан қирқта бўлдик, — дедилар.

— Ундай бўлса, нега бу ерда турибмиз? Қани, кетдик Каъбага, — деди.

д) Каъбада ошкора ибодат

Ҳз. Муҳаммад бошда, унғ тарафида Умар, чап тарафида Ҳамза бўлган ҳолда барча мусулмонлар бирликда Каъбага йўл олдилар. «Дорун-Надва»да мушриклар тўпланишиб, Умарнинг қайтишини кутишар эди. Қаршидан келаётганларни кўргач:

— Умар уларнинг ҳаммасини тўплаб, бу ерга олиб келяпти, — дедилар.

Айёр фикрли Абу Жаҳл бўлса:

— Мен бу келишдан яхши нарса ҳис этмаяпман, — деди.

Бир оздан сўнғ Ҳз. Умарнинг мусулмон бўлганлиги ҳақидаги ҳақиқат ҳар тарафга ёйилди. Мушриклар орасида буюк бир саросима бошланди. Мусулмонлар Ҳарам Шарифда саф бўлишиб, ошкора намоз ўқидилар. Шундай қилиб, Исломият қувват қозонди ва ўзини ошкора танитди.

Ҳз. Ҳамзадан уч кун сўнғ Ҳз. Умарнинг мусулмон бўлиши мушрикларни саросимага солди. Улар мусулмонларни янада қўчатиш учун кескин ҳаракатни бошладилар. Мусулмонлар бу қўчли қарши ҳаракатдан қўтулиш учун ҳавфсиз бир ер топишга мажбур бўлдилар. Ҳз. Пайғамбар уларнинг Ҳабашистонга кетишларига изн берди.

VI ҚИСМ

ҲАБАШИСТОНГА ҲИЖРАТ

Маъзулар:

- Ҳабашистонга ҳижрат этганлар
- Наҷошийнинг мусулмонларга ҳушмуомаласи

а) Ҳабашистонга ҳижрат этганлар

Ҳабашистонга кетишни истаган 11 эркак ва 4 аёлдан иборат булган биринчи гуруҳ Макқадан яширин равишда чиқиб, Қизил денгиз йули орқали кетди. Уларнинг ичида Ҳз. Усмон ва хотини Рукъя (Ҳз. Пайғамбарнинг қизи), Абу Ҳузайфи ва хотини, Аввом ўғли Зубайр, Авф ўғли Абдурахмон, Маъсуд ўғли Абдуллоҳ бор эди. Гуруҳ бошлиғи Мазъун ўғли Усмон эди. 15 киши бир гуруҳ ҳолида биъсатнинг 5- йили Ҳабашистонга кетдилар. Уларни Ҳабашистонда жуда яхши кутиб олдилар. У ерда яхши сокин ҳаёт кечира бошладилар. Уларнинг бундай осойишта ҳаёт кечираётганликларини эшитган бошқалар ҳам бир йилдан сунг иккинчи бир гуруҳ ҳолида у ерга ҳижрат этдилар. Бу гуруҳнинг бошида Абу Толибнинг ўғли Жаъфар Тайёр бор эди (Ҳз. Алининг биродари). Улар 80 кишидан иборат эдилар.

б) Наҷошийнинг мусулмонларга ҳушмуомаласи

Мушриклар мусулмонларнинг Ҳабашистондаги осойишта ва яхши ҳаётларини кўра олидилар. Шу сабабдан, уларни орқага қайтариш ҳаракатига тушиб қолдилар. Бир қанча ҳадялар билан Ҳабашистон подшоҳига икки элчи юбордилар. Мақсад мусулмонларни асир эттириб, орқаларига қайтаришни сураш эди. Подшоҳга, монахларга, сарой одамларига ҳадялар бердилар.

Наҷоший мусулмонларни ҳушмуомаласи билан эди ва улардан яхши дин ҳақида маълумот олимоқчи бўлди. Мусулмонлар номидан Абу Толибнинг ўғли Жаъфар Тайёр гапирди:

«Эй ҳукмдор! Биз жоҳилият ичида яшаган бир қавм эдик. Булутларга сиғинардик. Ҳаром нарсалар ер эдик, ахлоқсизликлар қилар эдик, қариндошларга, қўшниларга оқибат кўрсатмас эдик. Қувватлилар заифларни эзар эди. Биз бундай ҳолатда яшаётган бир замонда Оллоҳ ичимиздан бирини Пайғамбар қилиб юборди. Тағи-зоти юксак, шарафда ва тўғрилиқда унга тенг келадигани йўқ. У бизни оталаримиз топинган бутларни ташлаб, Оллоҳга ибодат қилишимизга даъват этипти. У бизга тўғри сўзлашни, омонатга хизмат қилишликни, қариндошлик ҳақларини сақлашни, қўшнилар билан гўзал ҳаёт кечиришни, ҳаром ва қон тукишдан тўқ бўлишимиз кераклигини кўрсатапти. Фухушдан, ёлғондан, етим ҳақини ейишдан, номусли хотинларни ҳақоратлашдан сақлантирмоқда; Оллоҳга ибодат қилишга, намоз ўқиш, рўза тутиш ва инсонларга ёрдам беришга чақирмоқда (у замонлар Рамазон рўзаси фарз эмасди, муҳаррам рўзаси бор эди). Биз унга ишондик ва эргашдик. Биз унинг айтганларига қулоқ солиб, Оллоҳга ибодат этдик. Ҳаром деган нарсасини биз ҳам ҳаром деб билдик. Ҳалол деганини ҳалол ҳисобладик. Шу сабабдан қавимиз бизга душман бўлди. Бизни ҳар томондан сиқувга олдилар. Бизга зули этдилар. Динимиздан қайтаришга ҳаракат қилдилар. Биз эса, улардан сақланиш мақсадида қочиб, сизнинг ўлкангизга келдик. Сизни бошқалардан яхши билганимиз учун бу ерга кўнгил бердик. Бу ерда ҳақсизликларга учрамаслигимизга ишондик».

Жаъфарнинг бу сўзларини тинглаган Наҷоший Пайғамбарга келган оятларни эшитмоқ истади. Жаъфар бунга жавобан Марям сурасининг 29—33- оятларини ўқиди.

Ҳз. Марям Ийсога ишорат этди. Улар: «Бешиқда бўлган бир гўдак билан қандай гаплашамиз»,—дедилар. Ийсо дедик: Мен Оллоҳнинг қулиман. У менга Китоб берди, мени Пайғамбар қилди, қаерда бўлмайин, У мени муборак қилди. Соғ-саломат бўлган онларимда намоз ва закотни тавсия этди. Онамга ҳар доим хайрли муносабатда бўлишимни амр этди. Мени сабрсиз ва бадбахт қилмади. Менга туғилган, ўладиган ва такрор тириладиган кунларимда ҳам тинчлик-омонлик бўлур».

Бу ояти карималар уларнинг Инжилдан урганганларига уйғун эди. Шунинг учун Наҷоший:

— Булар Ийсога келган калом билан айни ердан жўшган ва айни нурдан чиққандир,— деди.

Элчиларга мусулмонларни орқаларига қайтариаслигини билдирди. Оқшом тушгандан кейин элчилардан бири бўлган Ос ўғли Амр ўртоқларига: «Мусулмонларни Наҷошийнинг назаридан шундай бошлаб қолдирайинки» — деб, бир ҳийла ишлатишни уйлаб қўйди. Бир оздан кейин Наҷошийга: «Мусулмонлар Ийсо ҳақида галати нарсаларни гапиришаяпти» — деб, мусулмонлар иғвосини қилди. Бу гапларни тинглаган Наҷоший мусулмонлардан ушбу хусусий масала ҳақида сўраганида, унга жавобан яна Жаъфар:

— Биз мусулмонлар: Ҳз. Ийсо Оллоҳнинг кули ва Пайғамбаридир. Рухуллоҳдир, Марямга берилган калимасидир, деб ишонамиз, — дея йўли билан жавоб берди.

Нажоший бир чупак билан ерга чизик чизди ва: «Биз билан сизнинг ўртамизда бу чизикдек бир фарқ бор», — деди ва мусулмонларни олдингидан ҳам кўпроқ ўз ҳимоясига олди. Мусулмонлар Ҳабашистонда маҳаллий халқ билан яхши ҳаёт кечирдилар. Бир муддатдан сўнг мушриклар билан мусулмонлар ўртасида келишувчилик шартномаси тузилганлиги ҳақидаги хабарни эшитганларидан кейин Маккага ҳайтдилар. Амио Маккага келгач, бу хабарнинг ёлгон эканлигини билдилар.

VIII Қисм

МУШРИКЛАРНИНГ МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ МУҲОСАРА ЭЪЛОН ҚИЛИШИ

Мавзулар:

- Мусулмонларнинг муҳосарага (қамалга) олиниши
- Машаққатли кунлар
- Мусулмонларга қарши эълон қилинган муҳосаранинг тух-
гатилиши
- Икки оғир қайғу: Ҳз. Ҳадича ва Абу Толибнинг вафотлари

а) Мусулмонларнинг муҳосарага олиниши

Курайшийларнинг кўрсатган сиҳув ва қаршиликларига қара-
масдан Исломият кундан-кунга ёйилиб, кучайиб борди. Ҳз. Ҳамза ва
Ҳз. Умар каби икки буюк қаҳрамоннинг мусулмон бўлиши Курай-
шийларни жуда ўйлантириб қўйди. Ниҳоят, Ҳошим ўғилларига
қарши кураш эълон қилиш йўли билан уларни исканжага олишга
қарор бердилар. Қарорга кўра Ҳошим ўғиллари билан бўладиган ҳар
қандай алоқаларни узадиган, улар билан қуда-андачилик олиб
бормайдиган, савдо-сотик қилмайдиган, умуuman, кўришиб гаплаш-
майдиган бўлишди. Бу ҳақидаги қарорни имзолаб, Каъба деворига
осиб қўйдилар. Бу йўл билан Ҳошим ўғилларига қарши олиб
бориладиган курашга шарафли тус беришчи бўлдилар. Бу қарорни
Мансур б. Икрийма ёзган эди.

б) Машаққатли кунлар

Курайшийларнинг бундай қарор қабул қилишдан кузда тутган
мақсадлари Ҳошим ўғилларини тамоман очликдан ўлдирish эди.
Ҳошим ўғиллари уч инл бундай исканжа остида ҳаст кечирдилар.
Улар бу давр мобайнида жуда катта қийинчиликлар кўрдилар.

Шундай пайтлар ҳам бўлдики, мусулмонлар ейишга бирон-бир нарса топа олмаганларидан, дарахт баргларини ейишга мажбур бўлдилар. Саъд б. Абу Ваққос бир кеча тери парчасини топиб олибди ва уни сувга бўктириб, қовуриб ебди. Очлик азобидан болаларнинг фарёдлари теварак-атрофни тутар эди. Юракни эзувчи бу ҳолатдан мушрикларнинг марҳаматсиз қалблари заррача бўлса-да, ачинас эди. Вақт шу зайлда ўтиб борар эди. Мушриклар мусулмонларга бераётган бу азобларидан бирон-бир натижага эриша олимасликларини аста-секин англай бошлайдилар. Уларнинг орасида инсонликка эътибор бўлмаган бундай кўринишлардан воз кечишга ўйлаганлар ҳам бўлди. Бир марта Ҳз. Хадичанинг жияни бўлган Ҳаким ўз қули орқали унга бир оз буғдой юборди. Қулни йўлда Абу Жаҳл кўриб қолди ва буғдойни қулни қўлидан олиб қўймоқчи бўлди. Мушриклардан бўлган Абул-Бухтарий уларнинг ўртасига тушиб: «Амисига бир оз буғдой юборган бир инсонга моне бўлиш тўғри эмас», — деди.

Абу Лаҳаб ўз биродарлари ва қариндош-уруғларининг очликдан ўлишлари учун қулидан келган даражада муҳосара сиртиғини сикди. Маккага озиқ-овқат келтираётган карвонларни олдиндан кутиб олиб, уларга Ҳошим ўғилларига бирон-бир нарса сотмасликларини, сотадиган тақдирларида ҳам, мусулмонлар сотиб олиши мумкин бўлмайдиган даражадаги нарх қўйишлари кераклигини уқтирар эди. Бундай қийин ҳолат битъсатнинг 7 йилидан 10 йилига қадар — 3 йил давом этди. Аммо мушриклар бу давр ичида ҳеч натижага эриша олмадилар. Исломият теварак-атрофга ёйилишда давом этди. Укоз, Мажанна, Зулижаз каби машҳур савдо расталарига келган халқ Исломият ҳақида маълумот олар ва мусулмон бўлар эди. Шу сабабдан Қурайшнинг таъсирли одамлари бу савдо расталарига келганларнинг мусулмонлар билан алоқада бўлишларига нисбатан бериасликка ҳаракат қилдилар. Уларнинг Қуръон эшитишларига тўқинлик кўрсатдилар. Бир марта Валид б. Муғира бошчилигида бир йиғилиш ўтказиб, келган қабила кишиларига Муҳаммад ҳақида сўзлайдиган гапларини келишиб олишди. Улар бу йиғилишда Муҳаммадни кўзбўямачига чиқаришлари керак эди. Чунки бу кунга қадар уни коҳин, ёлғончи, мажнун, сеҳргар деб атаганлари билан ҳеч қимми бунга ишонтира олмагандилар. Шу сабаб билан улар энди Муҳаммадни «сўз кўзбўямачиси» деб аташ билан омиани бунга ишонтиришга бўлдилар. Давс қабиласининг шоври бўлган Туфайл бир марта Маккага келди. Қурайшийлар унга Муҳаммад ҳақида янги гапларни сўзладилар. Туфайл айтган эдики: «Менга Муҳаммад ҳақида у қадар куп қўрқитувчи нарсаларни аңлатдиларки, уларга ишонишни ва Муҳаммадни тингламасликка қарор бердим. Бир кун Каъбада эдим. У ерда Пайғамбарни тасодифан учратдим. У Қуръон ўқиётган пайтда ўзинга ўзим дедимки: «Мен яхшини ёмондан ажрата олмайдиган одам эмасман. Сўзинг чиройлиси билан ёмонини фарқлашга кучи етмаганди, ақлу ҳисси жонда бўлган бир инсон нима учун Уни тинглашдан қочади? Бир марта тинглаб кўрай. Агар сўзлари рост ва

гузал бўлса, қабул этаман, агар ундай бўлмаса, қабул этимайман. Уни Куръон ўқиётган пайтида тингладим. Менга жуда маъқул бўлди. Мусулмон бўлдим».

Туфайл қабиласига қайтганидан кейин уларга ҳам тушунтириш. Қабиласининг бир қисми мусулмон бўлди. Шу тариқа қабилалар орасида Исломият тобора кенг ёйила бошлади.

в) Мусулмонларга қарши эълон қилинган муҳосаранинг тўхтатилиши

Хошим ўғиллари Макка четидagi Шибби Абу Толиб деб аталган водийда уч йил қуршовда қолдилар. Фақатгина арабларда муқаддас ҳисобланган Ашхуръул-Хурумда, яъни Муҳаррам, Ражаб, Зулқаъда ва Зулҳижжа ойларида мусулмонларга қарши муомалалар юмшади. Чунки бу ойларда ҳар қандай уруш, жанжал, тажовуз ман этилган эди. Баъзан кишилар бу қуршовнинг бекор қилиниши учун ҳаракат қила бошладилар. Негаки, бундай золимларча тутилган ҳолат инсонийлик туйғуларига салбий таъсир курсата бошлаганди. Бундай инсонлар бошида Амир ўғли Ҳишом келаётган эди. Бир кунги Ҳишом Абдулмутталиб кизи Отиканинг ўғли Зуҳайр ёнига келди.

— Зуҳайр, — деди, — сен ширин овқатларни емоқдасан, ажойиб кийинмоқдасан, аммо тоғаларинг ҳоли ҳақида ҳеч ўйлайсанми? Улар қандай азоб чекаётганликларини биласанми? Онт ичаманки. Абу Жаҳлнинг тоғалари ҳақида бундай бир нарсага қарор бериладиган бўлинса, бунга асло ён бермас эди, — деди ва бу билан қабилга ғайратига тегинди.

Зуҳайр:

— Бир ўзим нима қила олардим? — дейиши билан Ҳишом:

— Мен сенинг ёнингни оламан, иккинчи мен бўламан, — деди.

Зуҳайр бу фикрни бир неча кишига сўзлади. Улар ҳам биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Бунга аҳдлашганлардан беш киши Каъбага келдилар. Зуҳайр у ерда ҳозир бўлганларга шундай хитоб қилди.

— Эй, маккаликлар! Ҳаммамиз истаганимизча роҳат ичида яшаймиш. Аммо Хошим ўғиллари ҳар нарсадан маҳрум. Уларнинг бундай очликдан қирилишлари равомидир? Онт ичаманки, золимона қарор — шу қотил варақ йиртилимагунча мен тек тура олмаيمان!

Абу Жаҳл бу ишга қарши туришни истаса-да, аммо монелик қила олмади. Қарор йиртилди. Мусулмонларга қарши эълон қилинган кураш бекор қилинди. Хошим ўғиллари Маккага — уйларига қайтдилар ва халқ орасига кирдилар.

г) Икки оғир қайғу: Ҳз. Ҳадича ва Абу Толибнинг вафотлари

Мусулмонлар қуршовдан қутулдилар. Бир оз роҳат нафас олдилар. Озодликка чиқилганидан бир неча ой ўтгач Ҳз. Пайғамбар икки оғир қайғу билан қаршилашди: бир неча кунлик оралик билан ҳомийси бўлган саксон ёшли амакиси Абу Толиб ва ўзига энг буюк

тасалли манбаси ҳисобланган севиқли рафиқаси Ҳз. Ҳадича вафот этдилар. Бу икки ўлим Ҳз. Пайғамбарга кўп ҳузун ва алам берди. Шу сабабдан бу йил «Ҳузун йили — санатул Ҳузун» деб аталди.

Ҳз. Ҳадича ўз севиқси, нозик қалби, фидокорлиги билан Ҳз. Пайғамбарнинг энг буюк дастаги ва ҳомийси эди. Ҳз. Пайғамбарни илк тасдиқ этган, энг оғир кунларида унга тасалли берган Ҳз. Ҳадича эди. Ҳз. Пайғамбар бу илк рафиқасини жондан севар эди. Ҳз. Ойша деган эдики:

— Ҳз. Ҳадичани кўрмаган ҳолда Пайғамбарнинг бошқа завжаларидан кўра уни қизганар эдим. Ҳз. Пайғамбар уни доимо хотирларди. Ҳатто бир кун ундан сўз кетган пайтда хафа қилувчи сўзлар гаширибди. У эса: «Жаноби Ҳақ менинг қалбимга Унинг севиқсини қўйгандир», — жавобини берибди.

Бир кун Ҳадичанинг синглиси Ҳола зиёратга келибди. Ҳузурига кириш учун изн истади. Овози опаси Ҳадичанинг овозига жуда ўхшаш бўлганлигидан Ҳз. Пайғамбар Ҳадичани хотирлаб, у ҳақда эслади. Ойша:

— Ўлган бир хотинни бу қадар хотирламоқда не маъно бор? Жаноби Ҳақ сенга янада яхши завжалар берди, — дебди.

Ҳз. Пайғамбар Ойшага шу жавобни берибди:

— Йўқ, сен айтганингдек эмас. Ҳар ким менга ишонмаган замон менга ишонган у эди. Ҳар ким мушрик экан, у мусулмонликни қабул этди. Менинг ҳеч бир ёрдамчи йўқ экан, у менга ёрдам қилди.

Абу Толиб ва Ҳадичанинг ўлиmidан сўнгра Курайшнинг азоб ва жафолари янада ортди. Бир кун Ҳз. Пайғамбар кучадан ўтиб борар экан, ўзлигини билимайдиганлардан бири устига тупроқ сочди. Пайғамбаримиз бу ҳолатда уйига келди. Уни кўрган Фотима ичдан ачиниб ҳам тозаларди, ҳам йиғларди. Ҳаётда болаларимизнинг қайғули йиғлашидан оғир ва юракни яраловчи нарса йўқдир. Ҳозирда ҳам болаларимизнинг йиғлашини кўриш нақадар аччиқдир. Маъсум гудакларнинг кўзларидан оққан ёшлар ичимизда бир олов каби юрагимизни ёндиради. Уларнинг қичқириб йиғлашлари жигаримизни парчалайди. Бир оз аввал онасини йўқотган Фотима отасининг бу ҳолатига ачиниб йиғлар эди.

Ҳз. Пайғамбарнинг бутун оталик ҳислари жўшди. Аммо қўлидан нима келади? Ҳар доимигидек бутун қалби билан Оллоҳига сиғинди. унинг ёрдамига таянди. Йиғлаётган қизининг иссиқ кўз ёшларини муборак қўллари билан артар экан:

— Йиғлама болам, марҳаматли Оллоҳ отангни сақлайди, — деди ва уша онда ҳомийси бўлган амакиси Абу Толибни хотирлади.

— Абу Толиб вафотига қадар Курайш менга у қадар тегина олимасди, — деди.

IX ҚИСМ

ТОИФ САФАРИ

Мавзулар:

- Ҳз. Пайғамбарнинг Тоифда кутиб олиниши
- Маккага қайтиши
- Қабилаларнинг Исломга даъват этилиши

а) Ҳз. Пайғамбарнинг Тоифда кутиб олиниши

Ислои тарихининг энг қайғули ҳодисаларидан бири Тоиф сафаридир. Ҳз. Пайғамбар амакиси Абу Толиб вафотидан сўнгра қурайшийларнинг кучли қаршиликларига учради. Тоиф халқини Ҳақ динга даъват этиш учун илк мусулмон бўлганлардан содиқ қули Зайдни ёнига олиб, Тоифга кетди. Тоифда бир талай обрўли ранслар, эътиборли оилалар бор эди. Агар булар мусулмон бўлсалар, Ислоиниятнинг ёйилиши янада қулайлашарди. Бу умид билан Ҳз. Пайғамбар у ерга кетди. Аммо тоифликлар Исломга даъватни қабул этмадилар. Улар ёлғиз бу билан чегараланибгина қолмасдан, балки у ерга келган Оллоҳнинг бир мусофирига инсонийликка тўғри келмайдиган даражада ҳақорат айладилар, оломон бақирган остида Ҳз. Пайғамбарга тажовуз қилдилар. Улар Ҳз. Пайғамбар утадиган йўлнинг икки тарафига тизилиб, тош отдилар. Отилган тошлар зарбидан оёқлари яраланди ва қонга беланди. Беҳолликдан бирон ерга утирса ҳам тошбўронни давом эттирдилар. Бир имкон топиб, Утба ва Шайба исми ака-укаларнинг боғига кириб паноҳ топди. Дайдисифат оломон Пайғамбаримизнинг бу ачинарли ҳолидан кулиб, боғ атрофида айланар эди. Содиқ қули Зайд эса, вужудини отилган тошларга қалқон қилишга ва бу билан Ҳз. Пайғамбарни сақлашга ҳаракат қилар эди. Ҳз. Пайғамбар боғда бир оз дам олди ва дўлларини кўкка очиб, Жаноби Ҳақда шундай илтижо қилди:

«Илоҳи! Қувватимизнинг заифлигини, қорасизлигини, халқ назарида хор бўлишимни фақат Сенга арз қиламан! Инъезим фақат Сенгадир. Эй марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси! Ҳаима хўрланган ва эзилган бечораларнинг Раббиси Сенсан. Оллоҳим! Тарбиясиз ва юзсиз душман қўлига тушиб қолишимдан сақловчисан, ҳаётим тизгинларини қўлига бериб қўйганинг қариндошдан ва унга ташлаб қўймайдиган даражада мени қуриқлайсан. Ё Раб! Ҳазабингга учрамасдан чеккан барча бу меҳнатларга, балоларга эътибор бермайман. Аймо Сенинг афв ва ҳимоянг менга буларни парво қилмайдиган даражада кенгдир. Ё Раб! Ҳазабингга учрамаслик, ризонгдан махрум қолимаслик учун Сенинг қоронғиликларни порлатган дунё ва охираг ишларининг мувозанати булган зотингга сизинаман! Сенинг афв этишингни тилайман! Ҳар қандай қувват ва қудрат Сен биландир».

Робия ўғиллари сўзлаганларни тинглашар ва бўлаётган ҳодисаларни кузатишар эди. Уларнинг ичларида бир марҳамат туйғуси уйғонди. Христиан бир қул булган Аббос орқали унга бир оз узум юбордилар. Ҳз. Пайғамбар: «Бисмиллоҳ» — деб, узумини ея бошлади. Аббос шошганича:

— Бу сўзни улка халқлари сўзламайдилар. Улар Оллоҳ номини тилга олмайдилар,— деди.

Ҳз. Пайғамбар Аббосдан қаерлик бўлишини сўрайди. Аббос иннувалик бир христиан эканлигини англатганидан сунг Ҳз. Пайғамбар:

— Демак сен яхши бир инсон булган Юнус Пайғамбарнинг диёридансан! — деди.

Аббос:

— Сен Юнус Пайғамбарни қаердан биласан? — деб сўради.

Ҳз. Пайғамбар:

— У менинг қардошим демакдир. У Пайғамбар эди, мен ҳам Пайғамбарман. Пайғамбарлар қардошдирлар,— деди.

Бундан сунг Аббос Ҳз. Пайғамбарнинг қўлини упди.

6) Маккага қайтиш

Ҳз. Пайғамбар Тоифдан қайтишда Маккага яқин келганида Мутъим б. Адийга хабар бериб, унинг ҳимоясини истади. Мутъим мушрик бўлса-да, Ҳз. Муҳаммадни ўз ҳимоясига олди. Бунинг натижасида Ҳз. Муҳаммад Маккага киришга муваффақ бўлди. Каъбани тавоф қилиб, Ҳарамин Шарифда намоз ўқиётган пайтида Абу Жаҳл уни кўрди ва Мутъимдан сўради:

— Ҳимоянгдами ёки тасодифан орқангга тушдим?

Мутъим уни ўз ҳимоясига олганини айтгандан кейин Абу Жаҳл овозини чиқармади.

Мутъимнинг қилган бу яхшилигини мусулмонлар ҳеч қачон унутмадилар. Мутъим Бадр ҳарбида мушриклар билан баробар у ерда бўлиб, У аямонлар Пайғамбарнинг шоири Ҳассон у ҳақда гўзал бир марсия ёзди ва унда Мутъимнинг қилган яхшиликларини мадҳ

этди. Бу мусулмонларнинг гузал ахлоқини кўрсатадиган эътиборга лойиқ хислатдир. Мусулмонлар яхшиликни ким қилишидан қатъи назар уни ҳеч қачон унутмаслар. Хусусан, Ҳз. Пайғамбар Мутъимнинг қилган бу яхшиликларини унутмаганлигини зафар қозонган кунларида кўрсатди. Бадир асирлари ҳақида гаплашмоқ учун Мутъимнинг ўғли Жубайр Мадинага келди. Ҳз. Пайғамбар уни қабул этди ва орзусини эшитгандан кейин шундай деди:

— Агар отанг Мутъим соғ бўлиб, у келсайди, шу исқирт бўлиб ётган асир йиғитларни унга бағишлар эдим!...

в) Қабилаларнинг Исломига даъват этилиши

Тонф сафаридан қайтишда Ҳз. Пайғамбар келган қабилалар билан учрашиб, уларни Исломига даъват этар эди. Укоз, Мажанна, Зулмажоз бозорларига бориб, у ерда учраган қишсаларга Қуръон ўқиб ва Исломини ёйишга уринар эди. Ёлғиз бу билан чегараланиб қолмасдан, қўлларга кетар ва қабилаларни айланар эди. Кинда, Қалб, Ҳанифа ўғиллари, Амир ўғиллари қабилаларига борди, уларни динга даъват этди. Булар турли сабабларга кўра бу ҳақ даъватга эргашмадилар. Масалан, Тонф гузал бир боғ-роғлардан иборат ва ҳавоси ажойиб бўлган жой бўлиб, маккаликларнинг дам оладиган ери эди. Агар улар мусулмон бўлсалар, маккаликлар у ерга келмай қўядилар. Яна Лот бутти ҳам у ерда эди. Мусулмон бўлсалар, бут у ердан олиб кетилади ва натижада, унинг зиёратига ҳеч ким келмайдиган бўлади. Бу эса, моддий зарар келтирар эди.

Мавзулар:

- Ҳз. Пайғамбарнинг меърожи
- Меърожда қилинган ҳукмлар

а) Ҳз. Пайғамбарнинг меърожи

Ҳз. Пайғамбар Маккадалигида Меърожга чиқди. Меърож юксакка чиқмоқ, юксалимоқ демакдир. Бунга Исро ҳам дейиладики, у тунда йўл олимоқ маъносини англатади. Ҳз. Муҳаммаднинг тунда Маккадан Қуддусдаги Масжиди Ақсога келиш ҳодисасига «Исро» дейилади.

Қуръони Каримда шундай буюрилгандир:

«Қулини тунда Масжид-ал-Ҳаромдан олиб, оятларимизни кўрсатмоқ учун атрофини муборақ қилганимиз Масжид-ал-Ақсога келтирган Оллоҳ нақадар пок зотдир. Ҳар нарсани ҳаққи билан эшитгувчи ва кўргувчи Удир» (Ал-Исро сураси, 1-оят).

Меърож баъзи маълумотларга кўра, ҳижратдан уч йил, айрим ривоятларга кўра эса, бир ярим йил олдин содир бўлгандир. Ҳз. Пайғамбар Маккада Ҳарам Шарифдан Жаброил Алайҳиссалом раҳбарлигида тунда Қуддусга — Масжиди Ақсога келган ва ердан кўкка юксалиб, малакут оламини сайр этган экан.

Ҳз. Муҳаммад Меърож кечаси биринчи кўкда Ҳазрат Одамини кўрди. Иккинчи кўкда Ҳз. Яҳё ва Ийсо, учинчи кўкда Ҳз. Юсуфни, туртинчи кўкда Ҳз. Идрисни, бешинчи кўкда Ҳз. Ҳорунни учратди. Бу Пайғамбарларнинг ҳаммаси Уни севинч билан қаршиладилар ва:

— Мархабо, эй солиҳ Пайғамбар ва солиҳ қардош,— деб саломлашдилар.

Олтинчи кукда Ҳз. Мусони, еттинчи кукда Ҳз. Иброҳимни кўриди. У ердан Сидратул-Мунтаҳога ўтди. Бу ер илоҳий нурлар билан безатилган эди. Бу ерда Жаноби Ҳақ кули Муҳаммадга асрор пардаси кўтарилди.

Бу мақомда Ҳз. Пайғамбарга уч нарсa берилди:

1. Бақара сурасининг охири (Оманаррасулу).

2. Умийатидан Оллоҳга ширк келтирмаганларнинг жаннатга кириши мумкин.

3. Меърож ҳадяси сифатида беш вақт намоз.

Меърож инсон ақли етишмайдиган илоҳий бир ҳодисадир. Бунинг қалами англаб олинмайди. Бунда замон, макон чегараси, масофа ўртада йўқ бўлгандир. Бу Муҳаммад Алайҳиссаломнинг илоҳий инъомига эришишидир.

Макка мушриклари Меърождаги юксак маъноларни тушунадиган савияда эмасдилар. Шу сабабли Ҳз. Пайғамбар Меърож ҳодисаларини уларга англагандан бунга иноъмадилар. Карвонлар бир ойда бориб, бир ойда қайтадиган масофани Муҳаммад бир кечада қандай босиб ўта олади, — дедилар. Улар Оллоҳ қудратининг чексиз ва кенглигини англашдан ожиз эдилар. Муминлар Меърожнинг ҳеч иккиланмасдан тасдиқ этдилар.

Ҳз. Абу Бакрга Меърож ҳақида гапирилганда:

— Бунинг Муҳаммад гапирган бўлса, тўғридир, — деди ва қўшимча қилди. — Мен уни бундан мураккаб ҳолларда ҳам тасдиқ этаман. Ҳар доим ўзига кукдан ваҳий келганини хабар қиларди, мен ҳам унга ишонардим. Бунинг ҳам тасдиқ этаман, — деди. Шундан кейин ўрнидан туриб, Масжиди Шарифга кетди. У ерда Пайғамбарнинг тинглаганидан кейин: «Англагандларнинг тўғридир», — деб дарҳол тасдиқ этди ва бундан кейин унга тасдиқ этувчи маъносидан «Сиддик» унвони берилди.

Баъзи Исломи олимлари Меърожнинг руҳан бўлгани ҳақида гапирсалар-да, ақли суннат бунинг ҳам вужуд, ҳам руҳ билан бўлганини исбот этадилар. Меърожнинг вужуд билан содир бўлганлигини инкор этишга йўл йўқдир. Бугун илим-фан қанчадан-қанча ҳайратомуз ҳодисаларни қабул этимоқдадир. Эфир тўлқинлари орқали олисларга овоз ва тасвирнинг узатилишини ҳар кунини кўраемиз. Ўтишда орзу ва ҳаёл қилинган бир қанча нарсалар бугун рўёбга чиқмоқда. Табиатдаги мавжуд қувватлар кашф қилинмоқда, қанчадан-қанча ҳақиқатлар майдонга чиқмоқда. Илим ҳар нарсани қамаган буюк Оллоҳнинг қудрати билан севиқли қули Ҳз. Муҳаммаднинг Маккадан Қуддусга келиши, у ердан кўчларга чиқиши, кук оламни сайр қилиши нега мумкин бўлмасин?

Ал-Исро сурасида Меърож ҳақида баҳс кетади. Бу сўрага «Исро» (тунги сайр — И. Й.) номи шунинг учун берилгандир. Меърож Ҳз. Пайғамбарнинг кукларга кўтарилиши ҳақидаги воқеадир. Мушриклар бунинг англамадилар ва ушарликда давом этдилар. Қуръонни Каримнинг фазилат даражасида берилган калл уйғун бўлган у оятнинг маъноси қўйилганчадир.

«Муҳаққақки, бу Куръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур. Яхши ишлар қиладиган мўминларга катта мукофот борлиги хушxabарини берур. Шунингдек, охиратга инонмайдиганлар учун аламли бир азоб тайёрладик. Инсон яхшилик сўраб дуои хайр қилгани каби ёмонлик тилаб дуоибад ҳам қилур. Инсон доимо шошилувчидир.

Биз кеча ва кундузни икки белги — нишон қилиб қўйдик. Кеча нишонини сукунат учун нурсиз — қоронғи қилдик, кундуз аломатини эса, Раббингизнинг фазлу марҳаматларидан берилганларни қидириб топишларингиз, ҳамда йиллар саногини ва ҳисобини билишингиз учун ёруғлик қилиб қўйдик... Ҳар кишининг амалини бўйнига ўраб қўйдик. Қиёмат куни унга очик ҳолда рубару бўладиган китобини (амал дафтарини) чиқариб кўрсатамиз. «Ўз китобингни ўқи! Бугун ўз нафсинг ўзингга қарши етарли ҳисобчидир», — деймиз. Ким тўғри йўлдан юрса, ўз нафси учун ҳидоятга кетади. Ким тўғри йўлдан озса, ўз зарарига озади. Ҳеч бир гуноҳкор бошқасининг гуноҳини устига олмас. Биз пайғамбар юбормагунча, ҳеч кимни азобга дучор қилмаймиз. Биз бирон бир шаҳарни ҳалок қилишни истасак, уернинг фароғат ва неъмат ичигаги боёнларига амримизни юборамиз, улар унга итоат этмасалар, азобга учрайдилар. Биз уларни остин-устун қиламиз. Нуҳдан сўнгга қанчадан-қанча наслларни ҳалок этдик. Раббинг қулларининг гуноҳларидан ҳар доим огоҳдир, уларни доимо кузатиб туради. Ҳар ким бу ҳозирги ҳаётни истаса, узимиз истаганимизга хоҳлаган нарсамизни у қадар тез берамиз. Сўнгга жирканчли ва нафратли ҳолда жаҳаннамга киради. Ким мўмин бўлган ҳолда охиратни истаса ва унга қандай лозим бўлса шундай саъй-ҳаракат қилса, ундайларнинг саъйлари мақбул бўлур. Биз ҳар иккисига ҳам Раббининг неъматидан ато этурмиз. Раббининг неъмати ман қилинмаган. Қара, уларнинг ичидан бировларидан бировларини қандай устун қилдик. Муҳаққақки, охират даражалар эътибори билан неча барабар буюк, фазилат эътибори билан қанчалик юксакдир» (Ал-Исро сураси, 9-21- оят).

УҚИШ:

МЕЪРОЖДА ҚИЛИНГАН ҲУКМЛАР

Меърождаги ҳукмлар жуда юксакдир. У мақомдаги илоҳий хабарлар Ислоҳ динининг асосини ташкил этади. Ал-Исро сурасидаги ушбу оятларнинг маъноси қуйидагичадир:

«Раббинг амр этдики, Ундан бошқасига асло ибодат қилмангиз, ота-онангизга яхшилик қилингиз. Агар улардан бири ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф, жонимга тегди» дема, уларга озор берма, доимо яхши гапир.

Уларга марҳаматингдан тавозе қилганларини ерга қадар тушириб: «Раббим, улар менни гўдаклигимда қандай шифқит билан катта қилган бўлсалар, сен ҳам уларга марҳамат қилгин.

Раббингиз ичингиздаги сирларингизни жуда яхши билувчидир, агар сиз яхши инсон бўлсангиз, Оллоҳ ҳам гуноҳкор қилишдан қайтиб, тавба қилганларни кечирувчидир.

Қариндош-уруғларга, мискин ва йўловчига ҳақларини бер, аммо молингни исроф билан сочиб совурма. Зеро, исроф қилганлар шайтонларнинг дўстларидир. Шайтон эса, Раббингга қарши бўлган рақибдир.

Раббингдан бўладиган марҳаматдан умидвор ҳолингда улардан юз ўғирмоқчи бўлсанг, у ҳолда уларга ширин сўзлар айтиб, рақибларини ол.

Қўлингни бўйнингга боғлаб олгандек, қисиб сиқма, бутунлай ҳам очма. Акс ҳолда, ҳасис дея сени қоралайдилар ёки қўлингда ҳеч нарса қолмасдан пушаймон бўлурсан.

Раббинг истаган кишисини ризқисини ҳам кенг қилади, ҳам тор қилади. Чунки у қўлларининг ҳар ҳолидан хабардордир, уларни курувчидир.

Авлодларингизни фақирлик қўрқуви билан ўлдирмангиз, биз уларга ҳам, сизга ҳам ўз ризқларингизни берамиз. Уларни ўлдирмоқ, ҳақиқатан ҳам, катта гуноҳдир.

Зинога қатъиян яқинлашмангиз. Зеро, у фоҳишликдир ва жуда ёмон бир йўлдир.

Оллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирмангиз, магар ҳаққи шаръий билангина ўлдиришингиз мумкин. Кимки ноҳақ ўлдирилса, унинг эгаси — ворисига қасос учун ҳуқуқ бердик. У ҳам ўлдиришда ҳаддан ошмасин. Чунки у бир карра ёрдамга эришишидир.

Етимнинг молига у балоғатга етгунча қўл тегизмангиз. Берган сўзингиз устидан чиқинг. Зеро, берилган аҳд-паймондан масъулсиз.

Ўлчиган вақтингизда тўғри ва тўла-тўқис ўлчанг ва тўғри тарози билан тортинг. Бу жуда ҳам хайрли ва оқибати жуда ҳам яхшидир.

Ўзингиз яхши билмаган бир нарсанинг орқасига тушманг. Чунки қулоқ, кўз, қалб — буларнинг барчасидан савол қилинур.

Ер юзида кибр-ҳаво билан юрма. Чунки сен ерни ёра олмайсан, қўзилган юксак тоғлар узра юриб чиқолмайсан. Бутун буларнинг ёмон жиҳати (ёмони) Раббинг наздида ёқимсиз бир нарсалардир.

Бу оятлар Раббинг сенга ваҳий қилган ҳукмларидандир. Оллоҳ билан бирга бошқа бир илоҳ бор деб қабул этма, йўқса, маломатланган ва қувилган ҳолда жаҳаннамга отиласан» (Ал-Исро сураси, 23—39- оят).

XI Қисм

МАДИНАГА ЙЎЛ: АҚАБА БАЙЪАТИ (ҚАСАМЁДИ)

Мавзулар:

- Мадиналиклардан или мусулмон бўлганлар
- Биринчи Ақаба байъати
- Иккинчи Ақаба байъати

Ҳз. Пайғамбар Маккада 13 йил Исломига даъват этди. Фақат мушрикларнинг куфр ва ўжарликлари Иломини қабул қилишларига тўсиқлик қилаётган эди. Ҳз. Пайғамбарнинг ҳақ динни ёйиши учун Жаноби Ҳақ янги бир муҳит ҳозирлади. У ҳам бўлса, Мадинадир (эски номи Ясрибдир).

Ҳз. Пайғамбар Мадинани билар эди. Отасининг мозори у ерда эди. Бобоси Абдулмутталибнинг тоғаси бўлган Нажжор ўғиллари унга ҳам қариндош эди. Олти ёшлиғида онаси билан Мадинага келганларида уларникида бир муддат қолишган эди.

Мадинада араблар ва яҳудийлар яшар эди. Араблар Авс ва Ҳазраж қабилаларидан иборат бўлиб, икки катта қавиға бўлинганди. Булар бутпараст эди. Яҳудийлар билан яхши яшай олмас эдилар. Яҳудийлар иқтисодий жиҳатдан ҳоким ҳолатда эдилар. Араблар бутпараст бўлганликлари учун уларга паст назар билан қарардилар. Уларини Оллоҳ динида эканликларини сўзлардилар. Модомики, ҳозир араблардан бир Пайғамбар келган эди. Шу сабабдан, Мадина араблари бу Ҳақ Пайғамбарга эргашишни шараф деб билишлари керак эди. Айни замонда Мадина Исломиятни қабул этишга ҳозирлик кўраётган эди.

а) Мадиналиклардан илк мусулмон бўлганлар

Мадиналиклардан илк мусулмон бўлганлардан Соит ўғли Сувайддир. У бир шовр эди. Ҳаж мавсумида Маккага келганида

Курыонни тинглади ва мусулмон булди: Курайшдан ёрдам сураш учун Маккага келган Ҳазраж қабиласидан бўлган Муоз ўғли Иёсдан Курыон тинглагач, Исломини қабул этди. Бу орада Мадинада Ҳазраж билан Авс ўртасида кураш бошланди. Тарихда бу кураш Биос уруши номини олди. Бу урушдан ҳар икки тараф ҳам жуда катта зарар кўрди. Бу сабабли ҳар икки тараф ҳам урушдан чарчаганликларидан ўзларини муросага келтирадиган ва бирлаштирадиган бир қўлни кутишар эди. Бу қўл Маккадан узатилган Ислои қўли эди. Ҳаж мавсумида Маккага кетган Ҳазражийлардан бир гуруҳи Ҳз. Пайғамбар билан қуришдилар. Ҳз. Пайғамбар уларни Исломиётга даъват этди. Мадиналиклар яҳудийлардан сўнгги Пайғамбарнинг келишини эшитишарди. Улар аини замонда кутилаётган Пайғамбарнинг Ҳз. Муҳаммад эканлигини эътироф этиб, мусулмон булдилар.

Мусулмон бўлганлар қуйидагилар эди: Асъад б. Зурора, Рафиъ б. Молик, Авф б. Ҳорис, Қутба б. Амир, Уқба б. Амир, Ҳорис б. Абдуллоҳ.

Улар Мадинага қайтганларидан сўнг халқ орасида Исломиёт ҳақидаги хабар ёйилди.

6) Биринчи Ақаба байъати

Келаси йилги Ҳаж вақтида Авс ва Ҳазраж қабилаларидан Маккага кетганлар куп булди. Ораларида йлгари мусулмон бўлганлардан беш киши бор эди. Раислари Асъад б. Зурора эди. Булардан 12 кишилик бир гуруҳ Макка яқинидаги Ақаба деган ерда Ҳз. Пайғамбар билан пинҳона қуришдилар ва унга содиқлик ҳақида байъат қилдилар. Шу туфайли бунга Ақаба байъати дейилади. Байъат асослари қуйидагилардан иборат эди: Оллоҳга шерик қўшмаслик, ўғрилик, зино қилмаслик, болаларни улдиримаслик, ёлғон ва тухматдан сақланиш, Пайғамбарга қарши бориаслик. Бу байъат Ислои асосларига итоат этишлари учун ичилган онт эди. Мадиналиклар ўзларига динни ўргатадиган бир муршид истадилар. Ҳз. Пайғамбар уларнинг истакларини қондириб, Мусъабни у ерга юборди. Мусъаб илк мусулмон бўлганлардан эди. У ғоят гўзал ва покиза кийинадиган нозик бир инсон эди. Ҳар қандай киши билан хушмуомалада булар эди. У мадиналикларнинг уйларига бориб, уларга мусулмонликни ўргатарди. Қабила раисларидан булган Усайд б. Худоёр бир марта Мусъабни учратганида: «Мақсадингиз нима? Инсонларни ота-боболар йулидан оздираёсиз»,— деди. Мусъаб унга ғоят мулоҳишлик билан: «Бир оз утиринг, сўзини эшитинг, мақсадимизни аңларсиз»,— деди. Унга Исломиётни аңлатди, сўнг Қурыондан озгина ўқиб берди. Усайд Қурыони Қарини тинглагандан кейин унинг таъсири остида қолди ва: «Бу қандай ажойиб нарсая»,— деди. Сўнгра Исломиётни қабул қилди. Кетаётганида: «Сизга биринчи юбораман, агар у ҳам мусулмонликни қабул қилса, бу дийрда иймон этимаган кимса қомайди»,— деди ва Саъд б. Муозни юборди. Саъд ғазаб билан келди. Мусъаб унга ҳам ғоят назокат

билан: «Тўхтанг азизим, газабланадиган нима бор? Ўтирсангиз, сиз билан бир оз суҳбатлашсак бўлмайдими? Аввало мени эшитинг, сўнгра унга кўра ҳуки беринг. Маъқул кўрсангиз қабул қиларсиз, маъқул бўлмаса, ўзингиз биласиз. Қисгани мажбурлаш йўқ»,— деди. Мусъаб унга ҳам Исломиятни англади ва бир оз Куръондан ўқиди. Бундан сўнг Саъд шу ернинг ўзидаёқ мусулмонликни қабул этди. Қавми ёнига қайтганидан кейин: «Мени қандай биласиз? — деб суради. Улар ҳам: «Сен бизнинг улуғимизсан»,— дедилар. «Ундай бўлса, сиз ҳам мен каби Оллоҳ ва Пайғамбарига иймон этишингиз керак. Иймон этимагинингизча, ҳеч бирингиз билан қуришмайман»,— деди. Улар ҳам мусулмонликни қабул қилдилар. Мусъабнинг гўзал ва ширин муомаласи соясида Мадинада мусулмонлик тез ёйилди.

в) Иккинчи Ақаба байъати

Байъатнинг ўн учинчи йилида Мадинадан Маккага зиёратга кетганлар кўп бўлди. Уларнинг орасида 75 мусулмон бор эди. Уларнинг иккитаси аёл эди. Ҳз. Пайғамбар улар билан қуришиб гаплашди. Мусулмонларнинг қўлни қўлга бериб аҳдлашмалари қарорлаштирилди. Ақаба деган жойда тулландилар. Ҳз. Пайғамбар амакиси Аббос билан келди. Биринчи бўлиб Аббос сўз бошлади:

— Эй, Ҳазражийлар! Муҳаммад (с.а.с.) нинг орамингда мавқеи юксакдир. Биз Уни душманларидан ҳурidik. Сиз билан бир аҳднома тузмоқни истайди. Унга берадиган сўзингизнинг устидан чиқшингиз. Унга муҳолиф бўлганларга қарши туришингиз хусусида кучингиз қувватли бўлса, бош устига. Аммо Унга қўлни бериб, ёнингизга келганда, ёлғиз ташлаб қўядиган бўлсангиз бунинг ҳозирдан айтингиз,— деди. Муҳаммад (с.а.с.) ҳам уларни даъват қилдилар.

Бунга мадиналиклар:

— Сўзингизни тингладик, ё Расулulloҳ! Сиз буюринг. Ўз номингизга, Оллоҳ номига истаган онтни олинг. Биз тайёرمىз,— дедилар. Бундан сўнгра онт ичдилар. Пайғамбарга қасамёд қилдилар. Қасамёд тугаганидан кейин Ҳз. Муҳаммад (с.а.с.) ораларидан 12 кишини вакил қилиб сайлашлари кераклигини сўзлади. Улар Ҳазраждан 9, Авсдан 3 кишидан иборат 12 кишилик вакилларни сайладилар. Ҳаммаси Ҳз. Пайғамбарга торлик ва кенглик замонида, ҳар қор-қолда итоат этишга, сўзнинг доимо туғрилигини гапиришга ва Оллоҳ йўлида ҳар қандай нарсадан қўрқмасликка сўз бердилар.

Ақаба қасамёди билан мусулмонлар олдйда ял-янги бир уфқ очилди. Мадина Исломга қучоқ очгандай бўлди. Мусулмонлар у ерга кетиб урнашадилар, динларини тусиқларсиз ёя бошлайдилар.

XII Қисм

МАДИНАГА ХИЖРАТ

Мавзулар:

- **Мусулмонларнинг Мадинага хижрати**
- **Дорун-Надждадаги таҳликали қарор**
- **Ҳз. Пайғамбарнинг торда қолиши**
- **Ҳз. Пайғамбарнинг мушриклар томонидан таъқиб қилиниши, Суроқа отининг қумга ботиб, тисарилиши**
- **Қубодаги илк жума намози ва хутба**

а) Мусулмонларнинг Мадинага хижрати

Ҳз. Пайғамбар асҳобиға Мадинага хижрат этишлари имкинлигини билдирди.

Улар икки кишидан бўлиб Мадина томон йўл олдилар. Қурайшийларнинг диққатини тортмаслик учун бир гуруҳ ҳолида хижрат қилишдан воз кечдилар. Фурсат бўлиши билан маккаликлар мусулмонлар хижратига тўқтинлик қилар эдилар. Келишув Зулҳижжа ойида бўлиб ўтди. Муҳаррам ва Сафар ойларида Маккадаги мусулмонларнинг кўпчилиги бир йўлини топиб, Мадинага кўчдилар. Ҳз. Усмон, орқасидан Ҳз. Умар ҳам хижрат этди. Ҳз. Умар хижрат қиладиган вақтида қиличини тақди. Каъбани тавоф қилди ва у ерда бўлган қурайшийларга қарата:

— Шундай қилиб, мен ҳам Оллоҳ йўлида хижрат қиялман. Хотинини тул, болаларини етим қолдиришни истовчилар бўлса, шу майдонда олдимга чиқсин,— деди ва ҳеч кимдан кўрқмасдан хижрат йўлига чиқди.

Маккада хижрат қилиш иконидаан маҳрум бўлган йўқсиллар билан фақат Ҳз. Пайғамбарнинг ўзи ва яна Ҳз. Абу Бакр қолган эди. Абу Бакр Ҳз. Пайғамбарга хижрат этиш орзусида эканлигини айтди. Ҳз. Пайғамбар унга:

— Шошилима, курамиз, Оллоҳ ҳам балки сенга бир ҳайроҳ — дўст берад, — деди.

Курайшийлар Ҳз. Пайғамбарнинг ниятини билмас эдилар. Мусулмонлар Ҳабашистонга хижрат қилган вақтларида ҳам у кетмаган эди. Ажабо, яна шундай қиладики? Мақсади нима экан? Буларни аниқ билимаганликлари сабабли хавотирланишлари янада ортди. Ҳамон Мадинада мусулмонлар сонининг ортиб бориши уларни ташвишга сола бошлади.

6) Дорун-Надвадаги таҳликали қарор

Мақкаликлар Исломи ҳаракат илдизини қуритмоққа қарор бердилар. Ислом Пайғамбари ҳануз Маккада ўз қўлларидагидек эди. Шу сабабли Уни йўқотиш билан бу иш ҳал бўлар эди. Бундай ҳоинона фикр билан улар Дорун-Надвага тутилдилар. Тутилганларнинг бир қисми: «Уни занжирбанд қилиб зиндонга ташлайлик», — деди. Араблар бундай ишларни олдинлари ҳам қилишган эди. Масалан, Зуҳайр ва Нобиға каби шоирларнинг бошига бундай савдоларни солишган эди. Янги ва бўлажак ишларнинг олдини олиш учун араблар бундай қорани қўллар эдилар. Баъзилари эса: «Узоқ бир ерга сургун қилайлик», — дедилар. Ниҳоят, энг айёр фикрли ҳисобланган Абу Жаҳл ўртага бир таклиф киритди: «Унинг вужудини йўқ қилайлик», — деди. Аммо бундай мудҳиш ишни ким бажаради? Арабларда қон даъвоси (қасос олиш) одати бор эди. Абдуманноф ўғиллари Унинг қон даъвосидан воз кечмас эдилар. Ниҳоят, ҳар қабиладан иштирок этадиган бир гуруҳнинг қўли қонга бўялиши қабул этилди. Қотиллар ҳар қабиладан бўлса, Абдуманноф ўғиллари қон даъвоси қила олмайдилар, деган фикр билан бу ишга қелишилди. Бу қарорни бажариш учун кечқурун Ҳз. Пайғамбарнинг уйини ураб олишди.

Ҳз. Пайғамбарни Жаброил хабардор қилди. Илоҳий ваҳий келиб, Ҳз. Пайғамбарнинг хижрат этишига изн берилди. Ҳз. Пайғамбар Ҳз. Абу Бакрнинг уйига келиб, хижрат қилишларини айтди. Дарҳол сафарга ҳозирлик қўрилди. Уйни ураб олган мушриклар Ҳз. Пайғамбарнинг уйдан чиқишини кутиб турдилар. Чунки араб одатларига кўра, бир одамни уйнинг ичида ўлдириб қўрқоқликнинг энг чиркин қўриниши ҳисобланар эди. Шу сабабли, уйдан чиқиши билан ўлдириб режалаштирдилар. Ҳз. Пайғамбар буни билгани сабабли ўз жойига Ҳз. Алини ётқизиб, эрталабга қадар мушрикларни қалғитди. Ҳз. Пайғамбар Мақканинг энг тўғри кишиси бўлганлигидан ўзига берилган омонатлар бор эди. Уларни ўз эгаларига қайтариб бериш учун уларни Ҳз. Алига берди. Оллоҳ ҳимоясида ғофил душманлари қуршовидан уларга қўринмасдан чиқди. Ҳз. Абу Бакр анча олдин хабардор қилинганлиги сабабли. У билан бирга

қижрат йўлига равона бўлди. Тун қоронғисида Макканинг жануб тарафидаги ярим соатлик йўл бўлган Савр тоғига кетдилар ва у ердаги бир ғорга яшириндилар.

в) Ҳз. Пайғамбарнинг ғорда қолиши

Улар ғорда уч кундуз яшадилар. Бу давр мобайнида Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ уларга озиқ-овқат келтириб турди.

Мушриклар қўллари остидаги одамни қочириб юборганларидан кейин ҳар томонни қидира бошладилар. Агар қимми Муҳаммадни топса, унга 100 туя беришни ваъда қилдилар. Қурайшнинг қўлида таёғи, белида ханжари бор ёшлари Ҳз. Муҳаммадни қидиришга сафарбар бўлдилар. Уларнинг қидиришлари бекор кетди. Айрим вақтлар қидирувчилар улар яширинган ғорга қадар келдилар. Аимо Оллоҳ иродаси билан улар ғор ичкарисига кирмасдан орқаларига қайтардилар. Чунки ғор оғзидаги дарахтга кабутарлар уя солган. ўргимчаклар тўр ўраган эди. Қидирувчиларнинг ташқаридаги гаплашишларини ичкаридагилар эшитиб туришар эди. Ҳз. Абу Бакр бир оз ташвишлана бошлади. Шу вақтда Ҳз. Пайғамбар унга: «Хафа бўлманг, Оллоҳ биз билан биргадир. У бизни ҳар нарсадан қўриқлайди»,—деди. Мушриклар ғорга кирмасдан орқаларига қайтдилар.

Мушрикларнинг қидиришлари бир оз сусайгач, Абу Бакрнинг ўғли икки туя келтирди. Иккаловлари туяга миниб, Мадинага равона бўлдилар.

Ҳз. Абу Бакрнинг қизи Асмо уларга йўл емакларини ҳозирлаб берган эди. Бу емакларни туяга осиб учун бирон нарса топа олмадилар. Шундан сўнгра белидаги камарини ечиб, уни ўртасидан бўлди. Камарнинг бир булагини билан емакларнинг бир қисmini туяга осди, қолганларини белига боғлади. Шу сабабли бу ҳодисага «Зотун Нитокайн — жуфт камарли» дейилади. Ҳз. Муҳаммад ўзига жаннатда бунинг мукофоти учун жуфт камар берилиши хабарини олдиндан билган эди.

г) Ҳз. Пайғамбарнинг мушриклар томонидан таъқиб қилиниши, Суроқа отининг қумга ботиб, тисарилиши

Маккаликлар Ҳз. Пайғамбарни топган кишига 100 туя беришни ваъда қилганларидан сўнг ўзига ишонганлар унинг изидан тушишган эди. Суроқа исили паҳлавон ҳам отига миниб, уларни қидирарди. Ниҳоят, Суроқа уларнинг изини топди ва уларга яқинлашиб қолди. Аимо унинг оти қумга ботиб, юра олмай қолди. Бир неча марта олдинга юришга ҳаракат қилса ҳам, қандайдир ғойибона куч отни кетига қайтарар эди. Суроқа бу ҳолатдан қўрқиб, қилган ишидан пушаймон бўлди. Ҳз. Пайғамбардан узор тилаб, орқасига қайтди. Сўнгра мусулмон бўлди. Бу воқеадан хабардор бўлган Абу Жаҳл Суроқа билан можаролашмоқчи бўлди. Суроқа унга: «Агар отининг ўз ўрнида айланиб, қумга ботиб қолганлигини ўз кўзинг билан

кўрсанг эди, сен ҳам дарҳол Муҳаммаднинг пайғамбарлигини тасдиқлардинг», — деб жавоб берди.

Ҳз. Муҳаммаднинг ҳижрат йўлига чиққанлиги ҳақидаги хабар Мадинага ҳам етиб келди. Мадиналиклар қимматли мусофирни кута бошладилар. Ҳар кун эрталаб шаҳар четига чиқиб, тушга қадар кутишарди. Бир кун қалъа устида турган бир яҳудий қизи олисдаги йуловчиларни кўрди. «Кутаётган кишингиз келяпти» деган хушхабарни берди.

Мадинага бир соатлик йўл узоқлигида Кубо деган бир ер бор эди. Мадинанинг илғор кишилари бу ерда яшар эди. Ҳз. Пайғамбар бу ерга келганда бу оилалар Уни такбирлар билан кутиб олдилар. Ёзнинг жазирама иссиғидан ва бир ҳафталик қўлдаги йўлчиликдан чарчаганликлари туфайли бу ерда дам олимоқчи бўлдилар. Саҳобалардан баъзилари бу ерда қолган эдилар. Ҳз. Пайғамбардан уч кун кейин Ҳз. Али ҳам Маккадан йўлга чиққан эди. Бу арслон йигит танҳо қолда қўлларни ошиб, бу ерда Ҳз. Пайғамбарга қушилди.

Пайғамбаримиз Кубода бир масжид қурдирдилар. Қуръони Каримда Исломият тарихида илк бор қурилган бир масжид ҳақида шундай баҳс юритилади: «Илк кундан тақво асосига қурилган бу масжидда намозга турмоқ жуда тўғридир. У ерда покликни севадиган инсонлар бор. Оллоҳ ҳам зотан пок инсонларни севади» (Тавба сураси, 108-оят).

Бу ерда 10 кундан ортиқроқ қолганларидан сўнгра, улуғ Пайғамбаримиз жума кuni Мадинага ҳаракат қилдилар. Йўлда Бани Салим юртидан ўтиш вақтларида пешин вақти бўлиб қолган эди. Ҳз. Пайғамбар жума намозининг фарз қилинганлигини асҳобига буюрдилар ва бу ерда илк жума намозини ўқидилар. У ерда ушбу гўзал хутбани ўқидилар:

ХУТБАШ:

КУБОДА ИЛК ХУТБА

Оллоҳга ҳамд ва санодан сўнгра шундай буюрдилар:

«Эй мўминлар! Улмасдан аввал Оллоҳга қайтингиз ва орага бир тўсиқ кирмасдан яхши ишлар қилингиз. Оллоҳга яқинлашингиз. Билингизки, Оллоҳ шу кунда бу ерда жума намозини зиммангизга фарз қилди.

Эй аҳли! Соғлик пайтингизда охиратингиз учун тадорик қурингиз. Муҳаққақ билингки, қиёмат куннда ҳар бир кишидан ва ҷўпонсиз уз ҳолига ташланган қўйидан сўралажак. Сўнгра Жаноби Ҳақ унга айтади, аммо нима айтади. Таржимони йўқ, нардадори йўқ. Жаноби Ҳақ айтадики, сенга менинг пайғамбарим келиб хабар бермадими? Мен сенга мол бердим. Сенга лутф ва эҳсон этдим. Сен ўзинг учун нима тадорик этдинг? Дунёдалигингда охират учун қандай хайр ва ҳасанотни, қандай фазилатни қилдинг? У кимса ўнг ва сўлига қарайди, аммо ҳеч нарса кўрмайди. Ундай бўлса, ҳар кимки, ўзини

ҳеч бўлмаса ярим хурмо билан бўлсин отандан қутқармоқчи бўлса, ҳали ҳам хайрли ишлар қилсин. Ҳатто уни ҳам топа олмаса, калимайи таййиба (гузал сўзлар) билан ўзини қутқарсин. Ҳақиқий мусулмон тилидан ва қўлидан бошқалар зарар кўрмаган кимсадир. Зеро унга бир хайрга ўн мислидан етти юз мислигга қадар савоб берилади».

Биринчи хутбани шундай таомлаганидан сўнг иккинчи хутбани куйидагича давом эттирди:

«Оллоҳга ҳамд бўлсин, Унга лойиқ ҳамд этаман ва Ундан ёрдам истайман. Нафсларимизнинг ёмонликларидан ва ёмон амалларимиздан Оллоҳга сиғинамиз. Оллоҳнинг ҳидоят этганини ҳеч кимса залолатга тушира олмайди. Оллоҳнинг залолатига туширганига ҳеч кимса ҳидоят бера олмас. Оллоҳдан бошқа илоҳнинг йўқлигига мен шаҳодат этаман. У ягонадир, шериги йўқдир. Каломнинг энг гузали Оллоҳ китобидир. Кимнинг қалбини Оллоҳ Қуръон билан безаса, кофир бўлса Исломига кириб, Қуръонни қимматли сўзларини тасдиқ этса у кимса нажот топур. Тўғриси, Оллоҳ китоби сўзларнинг энг гузали ва энг равшанидир. Оллоҳ севганини сиз ҳам севингиз. Оллоҳни жон-дилдан севинг. Оллоҳ каломидан ва зикридан асло узоқлашманг. Оллоҳ каломидан қалбингиз сиқилмасин. Зеро Оллоҳ каломи ҳар нарсанинг оласини ажратиб беради. Амалларнинг хайрлисини ва қулларнинг сараси бўлган Пайғамбарларнинг ва қиссаларнинг яхшисини зикр этади. Ҳалол ва ҳаромни баён этади. Оллоҳга ибодат қилинг. Унга ҳеч нарсани шерик қўшмангиз. Яхши ишлар қилинг: сўзингиз, ўзингиз Оллоҳга тўғри бўлсин. Оллоҳ каломи билан севишингиз. Муҳаққақ билингки, Оллоҳ аҳдини бузганларга, сўзидан қайтганларга ғазаб этади. Оллоҳнинг саломи сизларга бўлсин».

ИККИНЧИ БЎЛИМ
МАДИНА ДАВРИ

I Қисм	МАДИНАДАГИ ИЛК КУНЛАР
-----------	-----------------------

Мавзулар:

- Ҳз. Пайғамбарнинг Мадинада кутиб олиниши
- Масжид иншоси, азон, Асҳоби Суффа
- Хонаи Саодатнинг иншоси ва Ҳз. Муҳаммаднинг Ойшага уйланиши
- Муҳожирлар билан ансорийлар орасидаги қардошлик
- Ишлаб топганлар
- Яҳудийлар билан аҳдлашмалар

а) Ҳз. Пайғамбарнинг Мадинада кутиб олиниши.

Ҳз. Пайғамбар Кубода жума намозини адо қилганидан сўнг, Мадинага ҳаракат этди. Йўлнинг икки тарафи севиқли Пайғамбарларни кутиб олиш учун чиққан халқ билан тула эди. Мадиналиклар гўёки ажойиб бир байрам тантанаси ичида эдилар. Бу улўғ мусофирни шон-шарафига мос равишда кутиб олишгаётгандилар. Ҳз. Пайғамбаримиз йўлдан ўтиб бораётганларида ҳар тарафдан: «Марҳабо, ё Расулуллоҳ!» — деган овозлар янграб турди. Жажжи маъсум болалар Ҳз. Пайғамбарни шарафловчи шеърлар ўқир эдилар. Ҳар ким бу улўғвор мусофирни ўз уйида меҳмон қилишни истар, туясининг юганидан тутиб: «Бизникига марҳабо», — дер эдилар. Ҳз. Пайғамбар бирор кимсанинг кўнгли қолмасин ва маҳзун бўлмасин деб, у ердагиларни тенг кўрган ҳолда кулимсираб: «Туяни ўз ҳолига қўйинглар», — деди.

Туя дастлаб Нажжор ўғилларидан икки етимга оид бир арсага (уй қуришга ажратилган ер — И.Й.) чўқди ва дарҳол турди. Иккинчи сафар Ҳз. Холид Абу Айюб Ансорийнинг уйи сўига чўқди. Шундан сўнгра Ҳз. Пайғамбар унинг мусофири бўлди (Холид Ҳазратлари

Истанбул қуршовида шахид бўлди. Фотиҳда Оқшомсаддин тарафидан қабри топилди. Истанбулдаги Айюб Султон турбаси удир). Мадиналиклар унинг зиёратига оқиб келдилар.

6) Масжид иншоси

Ҳз. Пайғамбар туя чўккан ерни сотиб олди. Ернинг бадалини Ҳз. Холид берди. Бу ерда Масжиди Шариф ва Ҳз. Пайғамбар истикоматиға хос хоналар иншо қилинди. Масжиди Шариф қурилишида муҳожирлар ва Ансорий бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдилар. Шунингдек, Ҳз. Пайғамбаримиз ҳам тош ташиб, масжид қурилишида иштирок этди. Масжид ортиқча ҳашамисиз тарзда қурилди. Устиға хурмо дарахтидан том ёпилди. У замонлар қибла Қуддусдаги Байти Макдис бўлганлиги сабабли, эшиги жануб томондан қурилди. Қибла Каъбаға кўчгандан кейин, масжидга узгартириш киритилиб, унинг шимол тарафидан эшик очилди. Меҳроб қибла девори бўлди.

Азон

Мадинада масжид қуриб битказилди. Ҳз. Пайғамбар ва саҳобалар мусулмонларни намоз вақти жамоатга даъват этиш учун бир чора топишни уйлар эдилар. Ҳз. Пайғамбар асҳоби билан бу хусусда маслақатлашди. Баъзилар бўру (у замонлардаги сурнайси-фат чолғу асбоби) чалишни, баъзилар қанг (занг) чалинишни таклиф қилдилар. Бу таклифлар уйғун кўрилмади. Асҳоби Киромдан Зайд уғли Абдуллоҳ азон шаклини тушида кўрганлигини сўзлади. Ҳз. Умар ҳам бунга ухшаш бир туш кўрган эди. Бунга биноан Ҳз. Пайғамбар азон шаклини Билол Ҳабашийга ўргатиб, унга азон ўқитди. Шу тариқа, азон намоз вақти кирганлигининг эълони ва айни замонда, дин эркинлигининг аломати бўлди.

Билолнинг овози ғоят гузал эди. У масжид ёнгинасидаги баланд уйнинг томига чиқар, ёқими овози билан азон ўқир ва Оллоҳнинг танҳолигини эълон этарди.

Билол Ҳз. Пайғамбарнинг иртиҳолидан (вафотидан) сунг Шоида қолди. Бир бора Мадина зиёратига кетди. Ҳз. Имом Ҳусайннинг илтимосига кўра, у оташин овози билан бир бомдод намози азонини ўқимиш. Унинг овозини эшитган мадиналиклар ўзларини гўё Ҳз. Пайғамбарни ораларига такрор қайтгандек ҳис қилишлар ва эски кунларни қўсаб, кўз ёшларини тута олишмаган эканлар.

Асҳоби Суффа

Масжиди Шарифнинг бир томониға уйсиз фақирларға бошпана бўлиш учун бир қапа қурилди. Капанинг усти ёпилган бўлса-да, теварак атрофи очиқ эди. Кимсасиз ғариблар бу ерда ётиб-туришар эди. Иш топган вақтларида ишлар, Ҳз. Пайғамбарнинг ёнида

булганларида Куръон ва Хадис тинглашар ва урганар эдилар. Бу ер тинч бир или макони эди. Узига туқ булган саҳобалар уларни кузатиб боришар ва уларга ёрдам бериб турардилар.

в) Хонаи Саодатнинг иншои ва Ҳз. Муҳаммаднинг Ойшага уйланиши

Масжид қурилиши тугаганидан сўнг, ёнхоналар ҳам битказилди. Хонаи Саодат шу ёнхоналардир. Улар қуриб битказилгандан кейин, Ҳз. Пайғамбар Айюб Ансорий уйдан бу ерга кучиб утди. Ҳз. Пайғамбар қули Зайдни Маккага юбориб, у ерда қолган аёли Савдо билан кичик кизи Ҳз. Фотимани Мадинага кучириб келтирди. Кизи Руқия Ҳз. Усмон билан бирга ҳижрат қилган эди. Кизи Зайнабнинг эри мушрик булганлигидан у кела олмади. Абу Бакрнинг ояласини ҳам угли Абдуллоҳ кучириб келтирди. Шунингдек, Маккада унашилиб қўйилган Ҳз. Ойша ҳам Мадинага кучириб келинди. Масжид ёнхоналари қурилиб битказилгандан кейин улардан бири Ҳз. Ойша истиқоматига берилди. Ҳижратдан 7—8 ой ўтгач Ҳз. Пайғамбар унга уйланди. Ҳз. Ойша у замон келинлик чоғига кирган ёшгина бир қиз эди. У жуда закий эди. Мукаимал бир оила тарбиясини олганди. Узининг тарбияси ва ақли-заковати билан Ҳз. Абу Бакрнинг қизи булганлигини ҳар онда исботларди. Пайғамбаримиз билан бирга кечирган 9 йиллик ҳаётида ундан жуда кўп диний масалалар олди. Фикҳда (Ислом ҳуқуқшунослик илмида) жуда билагон эди.

г) Муҳожирлар билан ансорийлар орасидаги қардошлик

Маккадан кучиб келиб Мадинага урнашган мусулмонлар «муҳожир» деб аталиб, Мадинанинг ерли халқи уларга қулидан келган ҳар турли ёрдамни берганлигидан, уларга «ёрдам этувчилар» маъносида «ансорий» дейилди. Тарихда муҳожирлар билан ансорийлар ўртасидаги каби қувватли бирлик алоқалари қурилганидек ҳодиса ҳеч қўйилмаган эмиш. Мадиналиклар ерларини, юртларини ташлаб келган муҳожирларга қардошлик қўлини чўзиб, топган туттанларини ўртада баҳам кўрарлар. Уларга ўз уйларидан паноҳ бердилар, нонларини ўртада едилар, уларга иш топишда ёрдам бердилар. Бу ишлари билан муҳожирларга юртдан ажралиш аччиғини торттирмадилар. Муҳожирлар ва ансорийлар Ислом тарихида ҳурмат билан тилга олинган икки гуруҳдир. Оллоҳ улардан рози булсин. Бу динга улар кўп хизмат қилдилар.

Ҳз. Пайғамбар муҳожирлардан ҳар бирини ансорийлардан бирига қардош сифатида тайин этди. Бу қардошлик қон ва насаб қардошлигидан ҳам кучли бўлди. Тарих бу қадар бир-бирига жондан бириккан инсонларни қўрган эмас (Анфол сураси, 72-оят бу ҳолатни изоҳлайди).

д) Ишлаб топганлар

Тайин этилган қардошликда Саъд б. Рабиага Абдуррахмон Ибн Авф тушибди. Саъд молининг ярмисини унга таклиф қилибди. У эса: «Биродарим, Оллоҳ молингга барака берсин. Сен менга чорсу бозори йўлини кўрсат»,— дебди.

Абдурахмон ёғ, пишлоқ савдосини бошлади ва ундан бадавлат бўлди. Шу қадар бойиб кетдики, 700 туялик қарвон жўната оладиган бўлди. Ҳз. Абу Бакр уст-бош, Ҳз. Усмон хурио тижорати билан машғул бўлдилар.

е) Яҳудийлар билан аҳдлашмалар

Мадинада яҳудийлардан Кайнуҳо, Надр ва Курайза уғиллари яшарди. Улар мусулмонларнинг қувватланишини истамадилар. Ҳз. Пайғамбар илк бошида улар билан аҳдлашмалар тузиб, яхши алоқалар ўрнатди. Аммо яҳудийлар қулай фурсат келиши билан аҳдноmani буздилар.

Ҳижратнинг биринчи йилидаги муҳим воқеалар:

Жума намози фарз қилинди. Масжиди Набавий қурилди. Азон машру (жорий) қилинди.

Муҳожирлар билан ансорийлар ўртасида қардошлик қурилди, аҳдлашилди.

Яҳудийлар билан аҳднома имзоланди.

Ҳз. Ойшанинг тўйи бўлди.

II Қисм

ИЛК ҲАРБИЙ ГУРУҲЛАР ВА БАДР ЖАНГИ

Мавзулар:

- Илк ҳарбий гуруҳлар
- Абдуллоҳ Ибн Жаҳш бошчилигидаги ҳарбий гуруҳ
- Жангга рухсат
- Бадр жанги
- Маккаликларнинг битмаган яралари
- Асирларга муомала
- Қайнуқо яҳудийларининг Мадинадан чиқарилиши
- Савиқ ғазоти

а) Илк ҳарбий гуруҳлар

Макка мушриклари мусулмонларнинг Мадинада қувватланишини ҳеч хоҳламаётган эдилар. Мусулмонларни у ерда ҳам тинч қўймадилар. Ора-сира уларнинг Мадинага хужум қилажаклари ҳақидаги хабар эшитилиб турарди. Мушриклар Исроилга душманликдан ҳали воз кечмаган эдилар. Мусулмонлар бунга қарши қурайшийларнинг тижорат йулини кесиб, уларни иқтисодий жиҳатдан сиқувга олмоқчи бўлдилар. Шу мақсадда атрофга ҳарбий гуруҳлар қўйдилар. Улар асло қон тўкмадилар, шунингдек, қуролини тўқнашувга ҳам кирмадилар. Булардан мақсад қурайшийларга: «Бизнинг ҳам қўлимиз қурол туттишни билади»,— дейиш билан уларни қўқитиб қўйиш эди.

б) Абдуллоҳ Ибн Жаҳш бошчилигидаги ҳарбий гуруҳ

Хижратиинг иккинчи йилида Абдуллоҳ 10 нафарлик ҳарбий қўшим билан Макка ва Тоиф орасидаги Наҳлага кетди. Бу ердан

Маккагача 24 соатлик йўл эди. Абдуллоҳ қурайшийларнинг ҳаракатини кузатар эди. Суриядан қайтаётган бир карвонни тутдилар. Карвонбоши бўлган Ибн Надрамийни ўлдирдилар ва икки асир олдилар. Бу Ражаб ойида бўлган эди. Ҳз. Пайғамбар Абдуллоҳга:

— «Сенга шундай бир иш қил демаган эдим-ку»,— дея танбеҳ берган бўлса-да, булар иш бўлиб ўтган эди. Бундан сўнгра ҳужумга ҳам рухсат этилди. Мусулмонлар энди ўзларини ҳимоя қила оладиган қувватга эга эдилар.

в) Жангга рухсат

Ҳз. Пайғамбар динни иршод (туғри йўл кўрсатиш — И.Й.) йўли билан ёйишга амал қилган ҳолда, зўрлаш йўлини тутмади. Мусулмонлар мушрикларга қарши зарба бериш учун бир неча бор иш сурадилар. Ҳз. Пайғамбар: «Биз бу билан амрлангилмадик»,— дея рухсат бериади. Пайғамбарлигининг 15 йили шундай ўтди. Гузал сўз ва панд-насихат билан динга даъват этди. Амио тажовузларнинг олдини олиш учун жангга рухсат этилди. Мудофаа ҳам машру бир ҳақдир.

70 га қадар оят билан жанг тақиқланиб, сўнгра унга рухсат берилди (Ҳаж сураси, 39-40; Анфол сураси ва бошқа оятлар).

г) Бадр жанги (Ҳижратининг иккинчи йили, рамазон ойи)

Бадр Мадинага 80 мил масофадаги бир қишлоқдир. Сурияга бориладиган карвон йўлининг устида жойлашган. Мушриклар билан мусулмонлар ўртасидаги илк жанг шу ерда бўлди. Қурайшийлар Мадина яқинига қадар бўлган ерларни талон-тарож қила бошладилар. Абдуллоҳ Ибн Убайга хабар юбориб, Ҳз. Муҳаммаднинг ўлдирилишини билдирди. Демак, қурайшийларнинг Исломга душманлиги янада ортиган эди. Бу даъфа Абу Суфён Сурияга катта бир тижорат карвони билан йўлга чиққан эди. Ундаги сарват (бойлик) билан ҳарбий ҳозирлик кўрилиши кўзда тутилган эди. Абу Суфён карвонида бутун маккаликларнинг моллари бор эди. Абу Суфён мусулмонларнинг карвонни таъқиб остига олганликлари ҳақидаги хабарни олди. Ўша заҳоти бир кишини тақдирлаш шарти билан фарёдчи (жарчи) сифатида Маккага йўллади. Бу одам Маккада жазава билан бақира бошлади: «Эй Қурайш халқи, тез бўлинг! Мусулмонлар карвонни талашяпти! Имдод! Имдод!»

Қурайшийлар ҳаракатга тушдилар. Абу Жаҳл ишни яна қизитди. Абу Лаҳаб касаллиги туфайли ўрнига бадал юборди. Маккаликлар 100 отли, 700 туяли, қолгани пиёда аскарлардан иборат жами 1000 кишилик лашкар билан Бадр қишлоғига етиб келдилар ва сув бошини эгалладилар.

Мусулмонлар 8-рамазонда Мадинадан чиқдилар. Улар ҳаммаси бўлиб 300 нафар эдилар. Улардан 83 таси муҳожир, 61 таси Авсдан, қолгани Ҳазраждан эди. Ёнларида 3 от ва 70 туя бор эди. Қурайшийларнинг ҳозирликларидан уларнинг хабари йўқ эди.

Сафро яқинига етиб келганларида, Маккадан катта қушин чиққанлигини эшитдилар. Ҳз. Пайғамбар асҳоби билан маслаҳатлашиб, орқага қайтиш мушриклар ва яҳудийларга жасорат бериши мумкинлиги туфайли душманга қарши курашишга қарор бердилар. Душман анча олдин келиб, сув бошини эгаллаб олганлиги сабабли улар қумлик соҳада тўхтадилар. Сув йўқ эди. У кеча Оллоҳ тарафидан мўл ёмғир ёғди. Мусулмонлар сув йиғиб олган бўлдилар ва асҳобдан Ҳаббобнинг таклифи билан анча ишонарли ерга жойлашдилар.

Эртаси эрталаб икки қушин бир-бири билан тўқнашди. Абу Жаҳл муттасил урушга ташвиқ олиб борди. Мусулмонларни тириклайин ёқишларини сўзларди. У сон жиҳатидан устунликларига ишонаётган эди. Маънавий қувватни ҳисобга олмаётганди.

Жанг яккама-якка олишув билан бошланди. Ҳз. Ҳамза билан Ҳз. Али бир ҳамлада ўз рақибларини ерга йиқитдилар. Сўнгра умумий жанг бошланди. Мусулмонлар шер каби олдинга отилдилар. Қурайш саркардалари бирин-кетин ерга йиқила бошлади. Абу Жаҳл ҳам улар орасида эди. Қурайшийлардан 70 киши ўлди. Мусулмонлардан 14 киши шаҳид бўлди. Қурайшийлар 70 кишини асирга ташлаб, тумтарақай қочдилар. Пайғамбаримиз бу ерда ҳам инсоний вазифасини бажарди: душман жасадларини тўплаб дафн қилдирди.

д) Маккаликларнинг битмаган яралари

Қурайшийлар қутилмаган бир мағлубиятга учради. Чунки улар бу ишда ҳақсиз эдилар. Улар карвонни қутқармоқ учун ҳаракатга келган эдилар. Карвон қутқарилган эди. Абу Суфён уларга хабар юборган эди: «Мен чет йўллар билан юриб, карвонни қутқардим, орқага қайтинглар»,— деган эди. Афсуски, Абу Жаҳл бундай бир жангдан воз кечмаган эди. Мусулмонлар эса, Ҳақ даъвоси йўлида эдилар. Зафар доимо Ҳақ йўлида жанг қилганлар томонидир.

е) Асирларга муомала

Мусулмонлар Мадинага зафар билан қайтдилар. Олинган асирларнинг асирликдан қутулиш бадалини тўлаганларига эркинлик берилди. Бу пулни топа олмаганларни мусулмонлардан ўн кишига бириктириб, ёзиш ва ўқишни ўргатиши шарти билан озодлик берилди. Улуғ Пайғамбар асирларга яхши муомала қилиниши ҳақида асҳобини огоҳлантирди. Асирлар орасида Абу Изза исми бир шоир бор эди. У: «Беш қизим бор, уларнинг мендан бошқа қиссалари йўқ. Мени уларга бағишла»,— деди. Ҳз. Муҳаммад ундан қутулиш бадалини олмасдан озод қилди.

Маккаликлар олдинига мағлубият ҳақидаги қора хабарга ишонадилар. Бир ҳовуч мусулмоннинг кўп сонли лашкарни енгиши уларнинг ақлига сиғмади. Аммо бу ҳақиқат эди. Абу Лаҳаб бу аламга чидай олмасдан жон берди. Хотинлар қора кийиб, мотам тута

бошладилар. Абу Суфённинг хотини Хинд мотам тутсам, Мадина хотинлари хурсанд бўлади, деган андиша билан кўз ёши тўкмади. Аммо бу қолати узоққа чўзилмади. Абу Суфён ҳам айни шаклда ҳаракат қилди. Уч олиш режасини тузиб, Уҳуд жангига тайёргарлик кўра бошлади.

ё) Қайнуқо яҳудийларининг Мадинадан чиқарилиши

Бадр зафари Мадинадаги яҳудийларни ҳам чўчитди. Мусулмонларни кучи уларга хуш келмади. Мусулмонларга қарши қулай фурсатни кута бошладилар. Яҳудийлар анча олдин мусулмонлар билан аҳднома тузишган эдилар. Аммо шу онда ўз аҳдларидан қайтишаётгандилар. Биринчи бўлиб Қайнуқо яҳудийлари ўз аҳдларидан қайтдилар. Улар урушқоқ бўлиб, ўзларига ўта ишонишар эди. Мусулмонларга: «Муҳораба (уруш — И.Й.) нима эканлигини билмаган маккаликлар билан қаршилашмага алданманг. Агар биз билан жанг қилсангиз жангнинг тотини биласиз», — дер эдилар.

Шу сабабдан мусулмонлар яҳудийлар устига юриш қилдилар. Улар қалъаларига чекиндилар. Ниҳоят, таслим бўлдилар. Улар Мадинадан чиқарилиб, Шом тарафга сургун қилинди. Бу билан Мадинадан бир бало даф этилгандек бўлди.

ж) Савиқ ғазоти

Бу орада Абу Суфён 200 кишилиқ суворий аскарлар билан Мадина яқинига келган бўлса-да, тарафдор топа олмаганидан мусулмон кучлари билан урушишдан қўрқиб қочди. Қочаркан оғирлик бўлмасин дея ун солинган қолипларини ерга отиб кетди. Шунинг учун бунга «Савиқ» (қовурилган ун) ғазоти дейилади.

Ҳижратнинг иккинчи йилидаги муҳим воқеалар:

Қибланинг ўзгариши: мусулмонлар Мадинада намозни Қуддусдаги Байти Муқаддасга қараб ўқирдилар. Ҳз. Пайғамбар Каъбанинг қибла бўлишини ичдан тиларди. Ҳижратнинг иккинчи йили қибла Масжиди Ақсодан Масжид-ал-Ҳаромга ўзгартирилди. Бу хусусда Бақара сурасининг 144-оятда билдирилган.

Шунингдек, бу йилда:

Ғазотга рухсат берилди.

Рўза тутиш фарз қилинди.

Закот фарз қилинди, Садақан фитр жорий этилди.

Байрам (ҳайит) намозлари вожиб қилинди.

Ҳз. Фотима билан Ҳз. Али онла қуришди. Ҳз. Али 21, Фотима 18 ёшда эдилар. Шу замонга қадар Ҳз. Пайғамбар ёнида яшаб келган Ҳз. Али уйланганидан кейин, рафиқаси билан бошқа уйга кўчиб ўтди.

Мавзулар:

- Қурайшийларнинг ғазаби
- Аббоснинг мактуби
- Ҳз. Ҳамзанинг шаҳид бўлиши
- Мол-дунё кетиға тушилагандан кейин
- Уликларға ҳужум
- Мағлубиятдан зафарға

а) Қурайшийларнинг ғазаби

Қурайшийлар Бадр жангида олган оғир зарба учини олиш савдосидан бир дақиқа бўлса-да, воз кечмадилар. Абу Суфён қурайшийларнинг саркори бўлди. Чўлдаги қабилалардан 2000 аскар тўпладилар. Бунга маккаликлар ҳам қўшилишди. Шу тариқа 3000 кишилик қўшин тузилди. Қўшинда 700 зирҳли сувори, 200 от, 3000 туя бор эди. Ҳинд бошчилигидаги аёллар гуруҳи ҳам қўшинга қўшилди. Қўшин йўлда кетар экан, Абво қишлоғига етиб келди. Қўшиндаги баъзи кишилар бу ерда дафн этилган. Ҳз. Пайғамбарнинг онаси қабрини очиб титмоқчи бўлишди, лекин уларнинг айримлари бунинг ёмон одат эканлигини айтиб, қаршилиқ курсатишди.

б) Аббоснинг мактуби

Ҳз. Пайғамбарнинг амакиси Аббос ҳануз мусулмон бўлимаган бўлса-да, жиянини жуда яхши кўрарди. Қурайшийларнинг Мадинага юриш-қилишлари ҳақидаги хабарни Ҳз. Пайғамбарға етказди. Ҳз. Пайғамбар мактубни ўқигач, дарҳол кенгаш тўплади. Ҳақиқатан

ҳам, душман Мадинага яқинлашиб қолган эди. Баъзи асқоблар шаҳарни ичкаридан туриб мудофаа қилишни таклиф қилдилар. Ёшлар эса, душман билан шаҳар ташқарисида жанг қилишни истадилар. Натижада, бу таклиф қабул этилди.

Жума намозидан сўнгра Мадинадан чиқдилар. Курайшилар Уҳуд тоғига қароргоҳ қургандилар. Мусулмонлар ҳам уша тарафга ҳаракат қилдилар. Уларнинг қўшини 1000 кишидан иборат эди. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ 300 одами билан орқага қайтгач, мусулмонлар 700 кишилик лашкар билан қолдилар.

Мусулмонлар Уҳуд тоғига етиб борганларида мушриклар билан тўқнаш келдилар. Мушриклар яхшигина жойлашиб олган эдилар. Бунинг устига мусулмонлар орқаларини Уҳуд тоғига бериб, Мадинага қарши томонга саф тортдилар. Душманнинг жабҳа орқасидан ҳужум қилишига қарши Ҳз. Пайғамбар чап томондаги тоғ бўғозини қўриқлаш учун 50 нафар аскарни ташлади ва уларга: «Душман ё ёлиб, ё мағлуб бўлсин, мендан амр олимагунча асло бу ердан айрилманг. Агар душман сувориси келса, отларига ўқ отинг, чунки от ўқ едим, илгарила олмайд», — деб қаттиқ тайинлади.

Душман қўшинининг ўнг қанотида Холид, чап қанотида Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима, сувориларнинг бошида Сафвон турар эди. Хотинлар даф қалиб, аскарларни кизиштирар эдилар. Жанг яккама-якка олишув билан бошланди. Ҳз. Али ва Ҳз. Ҳамза ўз рақибларини ерга йиқитдилар. Абу Дужана ҳам беқисс қаҳрамонликлар кўрсатди. Курайшилар Бадр учини олиш учун бор кучларини ташладилар.

в) Ҳз. Ҳамзанинг шаҳид бўлиши

Абу Суфённинг хотини Ҳинд Бадр жангида улган отасининг интиқомини олиш учун Ваҳший исми билан бир занжига катта миқдордаги пул беришни ваъда қилиб, Ҳз. Ҳамзани ўлдиршни тайинлади. Ваҳший Ҳз. Ҳамза билан эраккача курашишдан қўриқиб, бир пистирмага яширинди. Ҳабаш пистирмадан пинҳона равишда найза отиш билан Ҳз. Ҳамзани қорнидан яралаб, шаҳид этди.

Жуда шиддат олган жанг мусулмонлар фойдасига қал бўла бошлади. Душман сафлари бузилиб, хотинлар тоғ томонга қоча бошлади. Ҳз. Пайғамбар қўшинини шундай тартиб билан қўйган эдики, натижада душман асло ёриб кира олмади. Душман суворисига қарши тура оладиган сувориси йўқ бўлса-да, сувори ҳужум қиладиган ёлғиз бир ер қолган эди, у ерни ҳам найзадорлар билан тўсиб қўйди ва уларни бу ердан асло айрилмасликларини қаттиқ тайинлади. Шу тариқа илк онларда зафар қозонилди.

г) Мол-дунё кетига тушилгандан кейин

Аммо бу ерда баъзилар гафлатга тушдилар. Улар айни душман тўқнаш этиладиган замонда ғанимат (ўлжа — И. Й.) тўплашга тушдилар. Найзадорлар ҳам душман сафлари бузилди деб, ўз жойларини ташлаб кетдилар. Бунинг айни фурсат деб билган Холид сувориларни

билан ҳужум бошлади ва мусулмонлар ичига ёриб кирди. Бундан руҳланган мушриклар такрор ҳужумга ўтдилар. Икки тарафдан қилинган ҳужум орасида қолган мусулмонлар нима бўлаётганлигини англамасдан, саросимага тушдилар. Шу орада Ҳз. Пайғамбарнинг шаҳид бўлганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Бундан мусулмонлар эсанкираб қолдилар ва умидсизликка тушдилар. Бир гурӯҳ мусулмонлар Ҳз. Пайғамбар атрофини ҳалқа шаклида ўраб олиб, уни қўриқлай бошладилар. Қилинган ҳужум даврида Ҳз. Пайғамбарнинг зирҳи ёноғига ботиб, муборақ тиши синган эди. Улуғ Пайғамбар душманнинг ўқ ёмири остида қолган бўлса-да, ўз матонатини йўқотмади: «Ё Раб, қавмимни афв эт, чунки улар нима қилаётганларини билмаяптилар»,— деб, дуо қилаётган эди.

Мусулмонлар жуда қийин ҳолатга тушиб қолдилар. Умиу Амара деган насиба хотин мусулмонларга сув ташиётган эди. Бундай қийин ҳолатни кўргач, у ҳўлидаги сув қопини ташлади ва бир қилич олиб, Ҳз. Пайғамбарни ҳимоя қила бошлади. Ҳужум қилганлардан бирини отидан йиқитиб, тупроқда белади.

Ҳз. Пайғамбар ёнидагилар билан бирга бир тепаликка чиқди. Абу Суфён: «Муҳаммад орангиздами? Абу Бакр ва Умар у ердами?»,— деб сўради. Тайинли жавоб олмаганидан кейин: «Демак, буларнинг ҳаммаси улибди»,— деб сўзлади. Унга жавобан Умар:

— Уларнинг ҳаммаси соғ ва бу ердадир,— деб хайқирди.

Абу Суфён:

— Муҳораба навбати биландир, бугун Бадрнинг тескарасидир.— деди.

д) Уликларга ҳужум

Курайший хотинлар бу жангда инсонийликка хос бўлмаган ҳаракатлар қилдилар. Улар шаҳид бўлган мусулмонларнинг бурун ва қўлоқларини кесиб, гарданлик каби бўйинларига осиб олдилар. Хатто, Абу Суфённинг хотини Ҳинд Ҳз. Ҳамзанинг кўксини тешиб, унинг юрагини тишлади. Тарихда унга «Инсон юрагини еган хотин» дейилади.

Ухуд жангида мусулмонларнинг хотинлари ҳам иштирок этдилар. Аммо улар аскарларга сув ташиш, яраларни боғлаш каби ишларни бажардилар.

Ухуд жангида мусулмонлардан 70 киши шаҳид бўлди. Катта бир дўлснёҳлик билан Мадинага қайтдилар. Бунга фақат узлари сабабчи бўлдилар. Ҳз. Пайғамбарнинг айрларини тингламадилар. Мадинадаги яҳудий ва мунофиқлар бу мағлубиятдан севиндилар. Бу Ҳз. Пайғамбарга оғир ботди. Ярадор ва ҳорғин бўлгани ҳолда душманни таъкиб этишга қарор берди. Мусулмонларнинг заиф эмаслигини ҳам яҳудийларга, ҳам мушрикларга кўрсатиш нўхтан назаридан бу қарор қабул эди. 16 Шаввол, яъни жангнинг эртаси — якшанба кун мусулмонлар жангга чақирди.

е) Мағлубиятдан зафарга

Маккаликлар Ухуддан чекиниб, Равҳога келган эдилар. Ҳз. Пайғамбар уларнинг орқасидан бир кузатувчи юборган эди. Унга: «Бориб кузат. Агар туяларга миниб олишган бўлса, Маккага кетаётган бўладилар. Агар отда бўлсалар, у ҳолда Мадинага ҳужум қилади, демакдир», — деди. Хабарчи улар туяларда эканлигини билдирди. Амио маккаликларда ҳам тараддуд бор эди. Киилардир орқага қайтишни истар эди. Ҳз. Пайғамбар бу хабарни олганидан кейин байроқни Ҳз. Алига бериб, душманни таъқиб этишга йўллади ва Ҳамро ал-Асадга қадар келди. У ерда уч кеча сўндириасдан гулхан ёқиб, тараддуд қўраётган душманга қарши қувватли ва кўп сонли эканликларини намоён қилдилар. Абу Суфён такрор жангга киришдан қочди. Мусулимонлар Ухудда мағлуб бўлган бўлсалар, шу тариқа ғолибга айландилар.

Ҳижратининг учинчи йилидаги муҳим воқеалар:

Ҳз. Алининг угли Ҳз. Ҳасан дунёга келди.

Ҳз. Пайғамбар Умарнинг қизи Ҳафса билан турмуш қурди.

Ҳз. Усион биринчи хотини Руқия вафот этганидан сўнг, Пайғамбарнинг қизи Умму Гулсумга уйланди.

Ҳз. Пайғамбар хотинларининг исмлари қуйидагичадир: Ҳадича, Савдо, Ойша, Ҳафса, Ҳузайма қизи Зайнаб, Умму Салама, Жаҳш қизи Зайнаб, Умму Ҳабиба (Абу Суфён қизи), Жувайрия, Сафийя (Яхудий аслидан), Маймуна.

IV Қисм

УХУДДАН ХАНДАҚ ЖАНГИГА ҚАДАР

Мавзулар:

- Ражий ҳодисалари
- Биъри Мауна фожiasi
- Бани Надр ғазоти
- Бани Мусталақ ғазоти
- Ифк ҳодисаси

а) Ражий ҳодисалари

Ҳижратнинг тўртинчи йилида Лихён қабиласидан бир неча киши Ҳз. Пайғамбар олдига келиб, ўзларига дин ўргатадиган муршидлар юборилишини илтимос қилдилар. Ҳз. Пайғамбар уларга 6 кишини юборди. Улар Ражий қишлоғига етиб борганларида хиёнат қурбони бўлганликларини англадилар. Уларга ҳамроҳлик қилаётганлар уларни лихёнлик мушрикларга топширдилар. Мушриклар уларнинг тўрттасини шаҳид қилдилар, иккисини эса, Маккага олиб бориб, мушрикларга сотдилар. Мушриклар ҳам уларни Бадр жангида ўлганларга бадал сифатида ўлдирдилар.

Мусулимонлар бу олти зотнинг разил бир хиёнат қурбони бўлганлигидан авзойилари бузилди. Ҳз. Пайғамбарнинг шоири Ҳассон б. Собит алам тўла ёзилган марсиялари билан бу қайғуга ҳамдард бўлди.

б) Биъри Мауна фожiasi

Яна Ҳижратнинг тўртинчи йили эди. Қилоб қабиласидан Абу Баро Ҳз. Пайғамбариниз олдига келиб, қабиласи учун бир неча

муршид сўради. Ҳз. Пайғамбаримиз: «Мен Наҳдийларга ишонимай-ман», — деди. Амио Баро унга кафолат берди. Шундан сўнг Ҳз. Пайғамбаримиз Асҳоби Суффадан 40 нафар киши юборди. Улар Мауна қудуги деган ерга етганларида ичларидан бирини Туфайл ўғли Амирга юбориб, Ҳз. Пайғамбарнинг мактубини тақдим қилдилар. Амир мактубни ўқимасдан атрофидаги қабилалардан одам тўплаб, Абу Баро сўзининг акси ўлароқ, бу муршидларни ўлдиртирди. Ичларидан бир киши соғ қолди ва Мадинага етиб келди. Шу тарзда баъзи қабилалар берган сўзларининг устидан чиқмасдан, бу каби хиёнатлар қилишарди. Чунки мушрик ва яҳудийлар уларни гиж-гижлар эдилар.

в) Бани Надр газоти

Яҳудийлар Ухуд жангидан сўнг мусулмонларни писанд қилимай қўйдилар. Мусулмонлар билан тузган шартномаларга ҳам риоя этмасдилар. Кубо яқинида яҳудий Надр ўғиллари яшарди. Ҳз. Пайғамбар уларнинг олдига бориб, тўланиши керак бўлган икки кишининг хун бадалини шартномага мувофиқ тўлашларини талаб қилди. Ораларида бир оз гап қочди. Ҳз. Пайғамбарга қарши бир сунқасд тайёрланаётган эди. Ҳз. Пайғамбар бундан хабардор бўлганидан кейин Мадинага қайтди. Яҳудийлар ҳар турли баҳоналар билан мусулмонлар роҳатини буза бошладилар. Шу сабабдан Ҳз. Пайғамбар Муҳаммад б. Масламини яҳудийлар олдига юборди ва 10 кун ичида мамлакатни тарк этиб, бошқа ерга кўчиб кетишларини амр этди. Улар бунга рози бўлдилар. Чунки айблари бор эди. Амио мунофиқларнинг бошлиғи бўлган Ибни Убай уларга хабар юбориб, ёрдам беришини билдирди. Шундан кейин яҳудийлар ҳеч қаёққа кетмасликка қарор қилдилар. Мусулмонлар уларнинг қалъаларини қуршаб олганларидан кейин таслим бўлдилар. Сипоҳларидан ташқари молларини туяларга юклаб кетишларига рухсат берилди. Надр ўғилларидан қолган ерларни Ҳз. Пайғамбар мусулмонларга бўлиб берди. Ансорий икки фақир кишига ҳам ер берди. Кўпчилиكنинг муҳтожлиги бўлмаганидан ер олмадилар.

Бу йилда Ҳз. Алининг ўғли Ҳз. Хусайн туғилди.

Ҳз. Пайғамбар Зайд б. Собитга Иброний тилини ўрганишини амр этди. Чунки яҳудийларга ишончи қолмаганидан улардан таржимон сифатида фойдаланишдан воз кечди.

г) Бани Мусталақ газоти

Мадинадан тўққиз кўноқ масофада яшаган Мусталақ ўғиллари Мадинага хужум қилиш ниятида эдилар. Ҳз. Пайғамбар бу ҳаракатни ўз ерида бостириш учун у ерга йўл олди. Уларнинг бир қисми урушга қатнашмади, бир қисми эса, жангга кирди. Улардан 600 асир олинди. Бундан ташқари, 2000 туя, 5000 қўй ўлжа олинди.

д) Ифк (шубҳа) ҳодисаси

Бу жангдан қайтишда Ҳз. Ойша волидаминиз қуруқ бир тухматга қолди. Омонат сифатида тақиб юрган бир болдоғини йўлда тушириб қўйди ва уни қидириб, қарвондан орқада қолиб кетди. Уни учратганлар туяга миндириб қарвонга етказиб келдилар. Шундай фурсатни кутаётган мунофиқлар бу воқеани бутунлай чигаллаштириб, Ҳз. Пайғамбар, Ҳз. Ойша ва мусулмонлар ҳусусида уларни хафа қилувчи уйдирмалар тарқатдилар. Ниҳоят, Ҳз. Ойшанинг бу тухматдан соқит бўлганлигига оид оятлар тушивиш ва бундан мусулмонлар жуда севинибдилар. Қуръони Карим бунга очиқ бир бўҳтон сифатида изоҳлайди.

Мавзулар:

- Мушриклар ва яҳудийлар бирлашуви
- Узоқ қуршовдан сўнг
- Душманни ер билан яқсон қилган куч
- Қурайза ўғиллари хиёнатига берилган жазо

а) Мушриклар ва яҳудийлар бирлашуви

Мусулмонлар энди эркин нафас ола бошладилар. Маккаликларнинг ва айрим қабилаларнинг хавфи бостирилган, яҳудийлардан тозаланган эди. Осуда ва ширин бир ҳаёт кечираётган эдилар. Аymo араблар қон даъвосидан ҳаууз воз кечмадилар. Яҳудийларнинг ҳам мусулмонларга қасдлари бор эди. Уларнинг иккаласи тил бириктирган ҳолда чўлда яшайдиган баъзи қабилаларни ўзларига оғдиришга эришдилар. Масалан, Ғатафан арабларига Ҳайбардан келадиган фойданинг ярмисини беришга ваъда қилиш билан уларни ўз тарафларига олдилар. Қурайш умумий қўшин учун 4.000 аскар, 300 сувори, 1.000 туя берди. Фазори ўғиллари бир қанча пиёда ва 1.000 туяли аскар юборди. Бошқа қабилалар ҳам қўлларидан келган даражада ёрдам қилдилар. Шу тариқа, уларнинг қўшинлари 10.000 кишига етди ва улар Абу Суфён қўмондонлигида Мадинага юриш бошладилар.

Мусулмонлар бу ҳаракатдан хабар топдилар. Ҳз. Пайғамбар ҳар доимгидек саҳобаларни тўплаб, ҳолатни муҳокама этдилар. Мадина-ни ичкаридан мудофаа қилишга қарор бердилар. Аymo бу билан чегараланиб қолиш мумкин эмас эди. Салмон Форсийнинг таклифига биноан шаҳар атрофига хандақ қазиланди ва бу билан душман ўтишига қаршилик курсатиладиган бўлинди. Ҳз. Пайғамбар бошчилигидаги мусулмонлар жонни жабборга бериб меҳнат қилдилар ва 6 кунда хандақни қазиб битказдилар.

Хандак қазилаётганда катта бир тош чиқди. Бу тошни ҳеч ким парчалай олмади. Шунда Ҳз. Пайгамбар тошни бир урган эди, катта булак ажралиб тушди. «Оллоҳу Акбар, Шомнинг кўшқларини кўрапман», — деди. Яна бир марта урди. «Эроннинг оқ саройларини кўрапман», — деди. Учинчи марта урганида: «Санъо эшиқларини кўрапман», — деди. Булар келажакни ойдинлаштирган хабарлар эди ва шундай тарзда ҳақиқатга айланди.

Қурайш қўшини Мадина яқинига етиб келганда хандакда дуч келди ва бундан саросимага тушдилар. Чунки бу улар кўрмаган бир мудофаа тарзи эди. Қурайшийлар қароргоҳ қуриб, кута бошладилар. Мусулмонлар 3.000 мужоҳидлар билан мудофаага кирдилар. Куршов муддати қўзилиб борди. Араблар бундай ҳолатга одатланимаганларидан сабрсиалана бошладилар. Улар ҳар доим ҳужум қилиб, нимаикн қўлга кирса, уни талаб кетишга урганишган эди. Шу сабабли душман яқинда норозиликлар бошланди. Бу орада Надр яҳудийларининг раиси ва бу ҳарбнинг ташкилотчиларидан бўлган Ҳўай бир йўлни топиб, Қурайза яҳудийларини ўз томонига оғдирди ва: «Денгиз каби қўшинимиз бор. Мусулмонларни бу дафъа яқсон қиламиз», — деб хитоб қилди. Ҳақиқатан ҳам шароит кескинлашиб бораётган эди. Мадинага ҳар тарафдан ҳужум қилишга тайёрланилди.

Қуръони Карим бу ҳолатни қуйидагича ифодалайди: «Ушанда душманлар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, қуйи тарафингиздан ҳам бостириб келган эдилар. Ушанда кўзлар тўниб, юраклар бўғизларга тиқилиб қолган эди. Турли гўмонлар қила бошладиларинг. Ушанда мўминлар (яна бир қарра) имтиҳон қилиндилар ва (бу даҳшатдан) шиддатли ларзага тушдилар» (Ахзоб сураси, 10—11-оятлар).

6) Узоқ қуршовдан сўнг

Қуршов 20 кундирки, ҳануз давом этар, аммо бирон-бир натижа чиқмаётган эди. Қурайза яҳудийларининг душман томонига ўтиб кетиши ҳам ҳеч қандай натижа бермади. Ҳаво совиб, егулик нарсалари ҳам қолмади. Қандай қилиб бўлмасин хандакни кечиб ўтиш учун ҳужумга ўтдилар. Бир қанча киши оти билан хандакдан сакраб ўтишга муяссар бўлди. Амир ибн Вуд исми паҳлавонга қарши Ҳз. Али чиқди ва унга лочин каби ташланиб, ерга қулатди. Шундан сўнгра душман чекина бошлади. Абу Жаҳлнинг ўғли Икритма найзасини ҳам ташлаб қочди.

Эртаси кун ҳам шиддатли ҳужум қилинган бўлса-да, натижасиз бўлди.

7) Душманин ер билан яқсон қилган кўч

Жангда ҳар бир қорани қўллаб кўрдилар. Душман қуршовини ёриб ўтиш учун уларнинг Қурайза билан бўлган бирлигини бир-биридан айириш кифоя эди. Ҳар икки тараф бир-биридан шубҳалана

бошлади. Нуайи Сақафий исмли эътиборли бир зот, ўзи ҳали мусулмонликни қабул қилмаган бўлса-да, яхшилик қилиш мақсадида Қурайза билан мушриклар орасига шубҳа туширди. Шундан сунгра уларнинг ўртасида ишончсизлик пайдо бўлиб, ораларига совуқлик тушди. Абу Суфёнда ҳам қўрқув ҳисси пайдо бўла бошлади. Айниқса, ўша тунда бўлиб ўтган даҳшатли туфон душман қалбига кучли қўрқинч солди. Кучли туфон дарахтларни илдизи билан қўпориб, душман қиз-кузини туз-тупроқ билан тўлдирди ва қодирларни ёиртиб ташлади. Даҳшат устига даҳшат бўлиб, челақлаб қуйгандек сел ёғди ва ҳар нарсани оқизиб кетди. Душман қалбига шундай қўрқинч тушдики, уларнинг назарида ҳар нарса уларга қарши ҳужум қилаётгандек бўлиб туюлди. Оллоҳ томонидан юборилган бу офат душманни бузиб ташлади. Оллоҳнинг беҳисоб қушини бордир.

Қуръони Карим буни қуйидагича изоҳлайди: *«Имон келтирганлар (мўминлар), сизларга қарши қушинлар келган пайтида биз уларнинг устига шамол ва сизлар кўрмаган қушинларни (яъни фаришта-ларни) юборганимизни — Оллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланглар»* (Азҳоб сураси, 9-оят).

Бу даҳшатли ҳодисага ортиқ бардош бера олмаган душман шу кечанинг ўзидаёқ, ваҳима билан қочиб кетди. Ҳатто, бош қўмондон бўлган Абу Суфён туясининг тизгинини боғлашга ҳам вақт топа олмай қолибди.

Тонгда шамол тинибди, душмандан асар ҳам қолибди. Мусулмонлар ўзларини бу фалокатдан асраб қолган Оллоҳга чексиз ҳамду санолар айтишибди. Ҳз. Пайғамбар мўминларга ушбу хушхабарни берди: *«Энди навбат бизникидир. Бундан сунгра қурайшийлар бизга ҳеч қачон ҳужум қила олмайдир»*.

г) Қурайза уғиллари хиёнатига берилган жазо

Қурайза уғиллари энг нозик замонда аҳдларини бузиб, душман билан иттифоқ тузган эди. Агар Оллоҳнинг ёрдами бўлмаганда, мушриклар Мадинани қиличдан утказар эди. Энди улар билан ҳисоблашиш навбати келган эди. Ҳз. Пайғамбар Ҳз. Алига байроқни бериб, Қурайза яҳудийлари устига юриш бошлади. Яҳудийлар ўз қалъаларига чекиндилар ва 25 кун қўршовда қолдилар. Ниҳоят, таслим бўдилар. Ҳакам сифатида Саъд Ибн Муозни курсатдилар. У ҳам: *«Жангда қатнашганларнинг қатл қилиниши, аёл ва болаларнинг асирга оlinиши, молларининг харбий ўлжа қилиниши»* ҳақида ҳукм чиқарди. Яҳудийлар бу ҳукмининг Тавротга ҳам уйғун келиши туфайли уни қабул қилдилар.

Мавзулар:

- Мусулмонларнинг Каъбани зиёрат қилиш орзуси
- Ҳудайбийя сулҳи музокаралари
- Шартноманинг тузилиши
- Ён бериш деб ҳисобланган ҳукмларнинг тўғри бўлиши
- Исломга даъват қилиш учун элчиларнинг юборилиши
- Нажрон христианлари ҳайъати

а) Мусулмонларнинг Каъбани зиёрат қилиш орзуси

Мусулмонларнинг Маккадан айрилганларига 6 йил бўлди. Ота-оналари юртини жуда соғинишди. Нимаки нарсалари бўлса, у ерда қолганди. Бундан ташқари, муқаддас ҳисобланган Каъбаи Муаззама ҳам Маккада эди. Мусулмонлар қалбида Каъбани зиёрат қилишдек буюк бир орзу ётар эди. Аммо шу кунга қадар зиёрат қилишга имконлари бўлмади. Ҳз. Пайғамбар хижратнинг олтинчи йилида саҳобаларига Каъбани зиёрат қилишларини айтди. Мусулмонлар бу хабардан жуда хурсанд бўлдилар. 1.400 га яқин мусулмон Каъба зиёратига тайёргарлик кўра бошлади. Ниҳоят, ихромларини кийдилар ва қурбонлик учун туяларни олиб, ҳажга йўл олдилар. Ҳз. Пайғамбар Касво лақабли туяси билан олдинда кетди. Ҳажга кетаётганларнинг қурол олиши таъқиқланди.

б) Ҳудайбийя сулҳи музокаралари

Ҳудайбийяда мусулмонларнинг ҳажга келаятганликлари эшитганларидан сўнг, ташвишга тушдилар. Улар мусулмонларни Маккага киритмасликка қарор қилдилар ва Макка яқинига тўсиқ

қурдилар. Ҳа. Пайғамбар бу воқеалардан хабардор бўлганида шундай деди: «Бу қурайшийларга нима бўлди, уруш жонларига тегиадими?»

Мусулмонлар Ҳудайбия деган жойга келиб тўхтадилар. Бу орада элчилар Қазбани зиёрат қилиш учун рухсат сўраб, қурайшийларга бир неча бор мурожаат қилдилар, лекин улар ҳеч ён бериадилар. Ниҳоят Ҳз. Усмонни элчи қилиб юбордилар. Ҳз. Усмон қурайшийларга мусулмонларнинг зиёрат учун келганлигини аниқлади. Қурайшийлар унга: «Агар истасанг, ўзинг зиёрат қилишинг мумкин», — дедилар. У эса: «Пайғамбар тавоф қилимагунга қадар мен зиёрат қила олмаيمان. Биз ҳаммамиз Қазбани тавоф қилиш учун келдик. Қурбонликларимиз ҳам ёнмизда», — деди.

Аммо қурайшийлар бу таклифни қабул қилимадилар. Ҳз. Усмоннинг улар билан олиб борган музокараси анча чўзилди. Бундан мусулмонлар ташвишлана бошладилар. Бу орада Ҳз. Усмоннинг хибс ёки қатл этилганлиги ҳақида хабар тарқалди. Ҳаром (Мухаррам, Ражаб, Зулҳажа, Зулҳижжа) ойларида Ҳарам Шарифда бир элчига бундай муомалада бўлишлик жуда чиркин нарса бўлар эди. Шунинг учун мусулмонлар Ислоҳ даъвоси йўлида жонларини фидо этишга тайёр эканликларини Ҳз. Муҳаммадга билдириб, оғти ичдилар. Бу содиқлик оғти бир дарахтнинг тағида ичилди. Бунга «Ридвон оғти» дейилади.

Қурайшийлар мусулмонларнинг зиёрат учун келганлигини аниқладилар, аммо атайин қаршилик кўрсатишда давом этдилар. Вазият жуда танг ҳолатга келганда ҳам ғурурлари бунга йўл қўймади. Улар зиёрат изини келаси йилга қолдиришни истадилар.

а) Шартноманинг тузилиши

Қурайшийларнинг бундай истаклари борлигини аниқлаган мусулмонлар фидокорлик кўрсатган ҳолда, яъни ортиқча қон тўкилмасин деб, келаси йил зиёратига рози бўлдилар. Навбат шартнома тузишга келди. Ҳз. Али шартномани ёза бошлади. Мушриклар шартнома бошида «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» ёзилишига рози бўлимадилар. Фақатгина «Оллоҳ номи билан» деб ёзилишига рози бўлдилар.

Қарорлаштирилган шартлар қуйидагилар эди:

1. Мусулмонлар бу йилги зиёратдан воз кечиб, Мадинага қайтадилар.

2. Келаси йил Маккага келадилар, аммо уч кундан ортиқ қолимайдилар.

3. Мусулмонлар қуролсиз келадилар.

4. Мусулмонлар Маккадаги мусулмонлардан ҳеч бирини ўзлари билан олиб кетмайдилар. Мадиналиклардан қолишни истаганлар бўлса, улар Маккада қоладилар.

5. Маккалик мусулмонлардан ёки мушриклардан биронтаси Мадинага борадиган бўлса, у орқасига қайтарилади. Мусулмонлардан биронтаси Қурайшга келса, у таслим этилмайди.

г) Ён бериш деб ҳисобланган ҳукмларнинг тўғри бўлиши.

Қўйилган шартлар жуда оғир эди. Амио Ҳз. Муҳаммад бу шартларни қабул қилди ва бунга «Фатҳи Мубин» дейилди. Ҳақиқатан ҳам воқеаларнинг бу тарзда ҳал бўлиши Ҳз. Пайғамбарнинг узоқни кутилаб иш тутганлигини кўрсатди. Бу шартнома пировард натижада мусулмонларнинг фойдасига ишлади. Қайтишда (йўлда) «Фатҳ сураси» нозил бўлиб, мусулмонларга катта ғалаба ва зафар хушхабари берилади.

д) Исломга даъват қилиш учун элчиларнинг юборилиши

Худайбийя шартномасини имзолаш билан мусулмонлар борликларини атрофга ёйгандек бўлдилар. Бир дам сукунат даври бошланди. Ҳз. Пайғамбар бу орада Византия, Эрон, Миср, Ҳабашистонга ва олислардаги араб қабилалари бошлиқларига мактублар юбориб, уларни Исломга даъват қилди. Тавҳид (ягона Оллоҳни тан олиш) динини ҳар тарафга эшиттирган бўлди. Кумушдан бир муҳр ясашиб, унга «Муҳаммадун Расулulloҳ» дея ёздирди.

УҚИШ:

Исломга даъват мактублари

Низомий Ганжавий «Ҳисрав ва Ширин» асарида бу ҳодисани қуйидагича ифодалаган:

«Вақтики, у (Ҳисрав Парвиз) дунёга ҳоким эди, номи Шарқда ва Ғарбда машҳур эмиш. Пайғамбаримиз етарли ҳужжатлар билан нубувватнинг тўғрилигини исботлар, баъзан тик қояларга сирларини ишониб очар, баъзан қавмлар унинг қаҳрамонликларини сўйлар эдилар. У бутун дунё миллатларини Ҳақ динга даъват этиб, ҳар тарафга даъватномалар юборди. Пайғамбаримизнинг амри билан ҳар бир ҳукмдорга номалар ёзилди. Нажошийга нома ёзилгандан кейин, Ҳисравга ҳам бир нома ёзилди. Пайғамбаримиз элчиси бу мактубни Ҳисравга тақдим этганда унинг ранги бўзариб, ғазабдан сочининг ҳар толаси бир уқ каби тик бўлди. Ғазаб оташидан томирлари вулқон каби булди. Ҳисрав Ҳз. Пайғамбар юборган бу мактубга боққанида ва бутун дунёни ойдинлатган у унвонни кўрганида қутурган инсондек бўлди. Салтанат ғурури уни тўғри йўлдан огдирди. Ҳисрав: «Менга қарши бу юзсизларча ёзилган мактубни юборишга ким журъат қилди. У одам кимки, исмини менинг исмимдан аввал ёзиш жасоратини кўрсатган?» — деди. У ғазабдан қизариб, оташ каби ёнди. Узица ёмон нарсаларни уйлар ва хато қилар эди. Ҳисров бу мактубни йиртиб, ўз исмини ҳам тарчала ташлади. Пайғамбарнинг элчиси унинг ғазабланганини кўриб, ҳамон орқасига қайтди ва қоинотнинг чироғи бўлган у буюк Пайғамбарга бу тутунсиз оташ — Ҳисравни ағлатди. У порлаган нурнинг иссиғида дуолар қилиб, парвоналар каби парвоз этарди.

Эрон Кисролари (Эрон шоҳлари унвони) шу сабабли йиқилди ва шоҳларнинг тожлари ерларда ўралишиб ётди. Пайғамбар юксак шоҳлар шоҳидирки, қўрқув сочиш ва умид бериш билан Фаридун Жамшидларга ҳоким бўлди.

Буларнинг ичида Эрон ҳукмдори элчини яхши кутиб олмасдан, мактубни йиртмиш. Бошқалари эса, хуш кутиб олишибди. Византия Қайсарига мактуб етиб борганда, Абу Суфён тижорат карвони билан Сурияда эди. Қайсар Абу Суфёндан Ҳз. Муҳаммад (с.а.с.) ҳақида маълумот олмишдир.

Миср ҳокими Муқавқис нозик бир жавоб бермиш: икки канизакни ҳадя сифатида юборибди. Улардан бири «Мория» эди.

е) Наҳрон христианлари ҳайъати

Яҳудийлар мусулмонларга қарши жабҳа олган эдилар. Христианларнинг аҳволи эса, бошқача эди. Бу орада Яман тарафдаги Наҳрон христианларидан бир гуруҳи Мадинага келиб, Ҳз. Пайғамбар билан учрашдилар. Уларнинг ичида дин ҳақида билим соҳиби бўлганлар Ҳз. Пайғамбар келтирган диннинг Ҳақ дин эканлигини ичдан англаганлар ҳам бор эди. Бундай кишилардан бири бўлган Абу Ҳориса Ҳз. Муҳаммад айтган нарсаларнинг тўғри эканлигини дўстига айтди. Дўсти:

— Ундай бўлса, нимага ундан чекиняпсан? — деди.

— Сабаби, бизникиларнинг бизга қилган нарсаларидир. Бизга мавқе, бойлик бердилар. Агар Муҳаммадга эргашсам, буларнинг ҳаммасини қайтариб оладилар!

Шу туфайли бундай нарсалар таъсирида олий ҳақиқатдан насибаларини ола билимадилар, йўлдан озини давом этдилар.

VII ҚИСМ

ХАЙБАР ФАТҲИ

Мавзулар:

- Хайбар фатҳи
- Ҳз. Алининг қаҳрамонлиги
- Яҳудийлар тутган йўл

а) Хайбар фатҳи

Хайбар Мадина билан Сурия йўлида жойлашган бўлиб, боғ-роғлардан иборат бир ердир. У ерда асосан яҳудийлар яшар эди. 7 қалъаси ҳам бор. Мадинадан сурилган яҳудийларнинг бир қисми бу ерга келган эди. Хайбар яҳудийларнинг бошлиғи бўлган Ясир Мадинага ҳужум қилиш учун бир режа ҳозирлаганди. Ҳз. Пайғамбар Абдуллоҳ б. Равоҳани Хайбарий томонга юбориб, улар билан шартнома тузишни таклиф қилди. Аммо улар бу таклифни қабул қилмасдан, мусулмонларга қарши ҳужум қилиш учун Ғатфон араблари билан аҳдлашдилар. Яҳудийлар ҳаракатга келимасдан, уларни ўз ерида бостириш мақсадида, мусулмонлар 1600 кишилик мужоҳид билан Мадинадан йўлга чиқдилар ва 150 км.лик масофани уч кунда босиб ўтиб, Хайбарга етиб келдилар. Йўлда саҳобалар баланд овоз билан такбир келтираётганларида Ҳз. Пайғамбар уларга: «Секинроқ бақиринг. Сиз узоқ ёки эшитмайдиган зотга хитоб қилаётганингиз йўқ. Оллоҳ сизга жуда яқиндир», — деди.

Қаршиларида мусулмонларни кўрган Хайбарийлар қалъа дарвозаларини бекитдилар.

Мусулмонлар қўшини ичида аёллар ҳам бор эди. Улар Ҳз. Пайғамбарга: «Аскарларга ердан, ҳасталарга дорин-дармон бериш, жанг майдонига сув ташиш учун келямиз», — дедилар. Улар сайёр ҳастахона ходимлари вазифасини бажаришар эди.

Ҳз. Пайғамбар Хайбарга кираётганида қуйидагича дуо ўқибди: «Ё, Раббий! Биз сендан бу ўлка аҳолиси ва бу ўлкадаги мавжуд қар нарсанинг яхшилигини истаймиз. Бу ер аҳолиси ва ичидаги ҳар бир нарсанинг ёмонлигидан сақлашингни сўраб, сендан паноҳ тилаймиз».

б) Ҳз. Алининг қаҳрамонлиги

Ҳз. Пайғамбар Хайбарийларга сулқ таклиф этди, аимо уларнинг бошлиғи Мишкам ўғли Саллам рад жавобини берди. Шундан сўнгра мусулмонлар ҳужум бошлади. Арабларнинг минг йигитига бас келади, деб ҳисоблаган Марҳаб исми машҳур яҳудий паҳлавони бор эди. Кураш жуда шиддатли давом этарди. Ҳз. Али бу жангда жуда катта қаҳрамонликлар кўрсатди. Қўлидан қалқони тушиб кетганда, қўлига кирган бир эшикни қалқон каби қўллаб, курашда давом этибди ва қалъани қўлга киритибди. Шу тариқа қалъалар бирин-кетин мусулмонлар қўлига ўтибди. Энг мустаҳкам қалъа бўлган Қомус қалъасига навбат келганда, яна Ҳз. Али бу қалъа қўмондони Марҳабни ер билан яксон қилиб, «Хайбар фотиҳи» унвонига мушарраф бўлибди (Оллоҳ ундан рози бўлсин).

в) Яҳудийлар тутган йўл

Пировард натижада, яҳудийлар тинчлик йўлида. Бу ерда деҳқончилик билан шуғулланадиган ва маҳсулларининг яримини мусулмонларга берадиган бўлишди. Бу шартнома қабул қилинди ва яҳудийларга яхши муомалада бўлишди.

Хайбарда яҳудийларнинг бир зиёфат пайтида Ҳз. Пайғамбарни заҳарламоқчи бўлганликлари ҳақида тарих китобларида ёзилган.

Мавзулар:

- Каъба зиёрати
- Мусулмонларнинг юксак ахлоқи
- Ҳолид ва Амирнинг мусулмон бўлиши

а) Каъба зиёрати

Бир йил олдин тузилган сулҳга биноан мусулмонлар Маккага бориб, Каъбани муаззамани зиёрат қилишлари керак эди. Зулқаъда ойи кириши билан Ҳз. Пайғамбар мусулмонларга Каъба зиёрати учун тайёргарлик кўришларини айтди. Бутун мусулмонлар бундан хурсанд бўлдилар. Муҳожирлар туғилиб ўсган юртларига борадиган бўлдилар. Сулҳга кўра мусулмонлар Маккага сиёҳ билан бориасликлари керак эди. Фақатгина йўл учун лозим бўлган қиличларини қўнига солинган ҳолда олдилар, холос. Шу тариқа, 2.000 мусулмон йўлга чиқди.

Қурайшийлар мусулмонларнинг етиб келганлигини эшитишлари билан шаҳарни бўш қолдириб, теvarак-атрофдаги тепаликларга чодир қурдилар. Узоқдан мусулмонларни кузатиб турдилар. Ҳазин лавҳа 7 йил аввал Қурайшийлар томонидан ўлимга маҳкум қилинган у зот ёлғиз боши билан ўлим тузоғидан қутулиб, узоқ бир диёрга кетган эди. Бошлаган муқаддас даъватида Оллоҳ мадади билан, бу вешда зафарларга эришди. Энди У Ҳақ йўлидаги даъватига эргашган буюк бир омига бош бўлиб, шаҳарга кираётган эди!..

б) Мусулмонларнинг юксак ахлоқи

Маккаликлар мусулмонларга Мадинанинг об-ҳавоси ёқмаганлигидан озиб, заифлашиб кетганликда гап қилдилар. Бу гапларнинг

ёлгон эканлигини исботлаш учун Ҳз. Пайғамбарнинг узи бошини тик тутган ҳолда у ёқ-бу ёққа юрди. Мусулмонлар ҳам аини ҳаракатни такрорладилар. Бу билан мушрикларга бариоқларини ташлатиб қўйдилар.

Зиёрат ва тавоф қилиб бўлингандан кейин қурбонлик қилдилар.

в) Ҳолид ва Амирнинг мусулмон бўлиши

Мусулмонларнинг Маккага зиёрати қурайшийларга жуда яхши таъсир кўрсатди. Қурайшийлар мусулмонларнинг озода ва тозалигини, ахлоқларининг гузаллигини, Ислои динининг олижаноблигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Валид ўғли Ҳолид мусулмон бўлишга қарор берди ва бу қарорини қурайшийлардан сир тутушга зарураг йўқлигидан, уларга: «Ақли расо бўлган ҳар бир одам кўрдик, Муҳаммад сеҳргар ёки шовр эмас, У Ҳақ Пайғамбардир. Унга ваҳий бўлганлар Оллоҳ каломидир», — деди.

Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима Ҳолиднинг айтганларига шундай жавоб қилди:

— Сен ҳам оталарнинг динидан қайтмагани? Собий бўламанми?

— Мен собий бўлаётганим йўқ, мусулмон бўляман.

— Қурайшийлар ичида бундай сўзларни айтадиган одам фақат сенсан, ҳолос!

— Нима учун?

— Нима учунмиш-а? Мусулмонлар отанг шарафини поймол қилдилар, амакингни, унинг ўғлини ўлдирдилар. Мен сендан бундай нарсани кутимаган эдим.

— Булар жоҳиллик нишоналаридир. Мен ҳақиқатни англаганидан кейин мусулмон бўляман.

Ҳолиднинг бу қарорини Абу Суфён эшитиши билан уни қидириб топди ва бу хабарнинг тўғри ёки нотўғрилигини суради. Ҳолид бу хабарнинг тўғри эканлигини айтганида Абу Суфённинг жаҳли чиқди ва унга:

— Агар бунинг тўғрилигини билганимда эди, Муҳаммаддан аввал сени йўқ қилар эдим.

Ҳолид унга шу жавобни берди:

— Тўғри суйлаяман ва сенинг қарашларингга қарши улароқ мусулмон бўляман.

Ҳолид бир парвона каби Ислои йўлига ўтди ва Мадинага йўл олди. Йўлда Ос ўғли Амир билан учрашди ва унга мусулмонлиқни

қабул қилганлигини айтди. У ҳам айти тушунчада эканлигини ва Исломиятни қабул қилишга қарор берганлигини сўзлади. Иккаласи бирга Мадинага кетдилар. У ерда Ҳз. Пайғамбарнинг хузурига кяриб, мусулмонликни қабул қилдилар.

Ҳолид Қурайшнинг сувори саркардаларидан эди. Ухуд ҳарбида қурайшийларнинг ғалабасига сабаб бўлган у эди. Бу қимматли саркарда бундан кейин Иломга хизмат қилди. Муъта ҳарбида Ҳолид бутун аскарний маҳоратини намоиш қилди ва мусулмонларни душманга мағлуб қилмади. Ҳз. Пайғамбар унга «Сайфуллоҳ» — Оллоҳнинг қиличи унвонини берди.

Маъзулар:

- Мусулмонларнинг шимояга ҳаракати
- Холдиннинг аскарий истеъдоди
- Жаъфар Тайёр оиласига тасалли

а) Мусулмонларнинг шимолга ҳаракати

Муъта Сурияда бўлиб, румликларга қарши илк жанг бу ерда бўлди. Суриядаги христиан араблар Ҳз. Пайғамбар юборган одамларга ёмон муомалада бўлган эдилар. Исломиятни у тарафларга ҳам ёйиш лозим эди. Ҳижратнинг 8- йилида Ҳз. Пайғамбар 3.000 кишилик қўшинни Ҳориса ўғли Зайд қўмондонлигида Сурияга юборди. Зайд озод бир қул эди. Эътиборли саҳобалар ҳам бор бўлган бир қўшинга Зайд каби озод қулнинг саркарда этилиши Ислом йўли очган тенгликнинг намунаси эди. Бундан ташқари, бу Ислом тарғиб қилган тенглик асосларининг бевосита амалда қўлланилишидир. Агар бу асослар амалда бажарилмаса, қуруқ гапдан иборат бўлиб қолар ва ҳеч қандай фойда келтирмас эди. Ҳз. Пайғамбар бу нарсаларни жуда яхши англади. У байроқни Зайдга берар экан, шундай деди: «Магар Зайд шаҳид бўлса, Жаъфар Тайёр қўмондон бўлсин. У ҳам шаҳид бўлса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа унинг ерига келсин.» Бундан сўнгра Ҳз. Пайғамбар аскарларга қўйидаги таълимотиш берди: «Хотинларни, болаларни, қаришларни ва қуриқни уларманг, уйлари билан, хироба қилманг, дарахтларни кесиб, ваиронлага

Ислом қўшини ҳаракатидан хабар топган Қайсарнинг Суриядаги ҳокими 100.000 кишилик кучли бир қўшин тўплади. Бу лашкар бошида Қайсарнинг биродари Теодор турарди.

Ислом қушини қаршисида бундай катта кучга эга бўлган лашкар-
ни кўриши билан ўзига хос тараддуд кўрди. Душман бошдан оёқ
қуролланган эди. Аммо орқага йўл йўқ эди. Шунинг учун му-
сулмонлар Муътада жангга кирдилар. 100.000 кишилиқ лашкар
қаршисида 3.000 мужоҳид ўлимни афзал кўриб, жанг қиларди.
Жангда Зайд шахид бўлди. Байроқни Жаъфар Тайёр олди. Имон
тўла кўксини душман ўқларига тиккан қолда олдинга отилди. Унг
қўли кесилгандан кейин байроқни чап қўлига олди. У қўлидан ҳам
айрилгач, байроқни вужуди билан тутиб, ерга туширмади. Шу
ҳолатда шахид бўлди. Ҳз. Пайғамбар унинг ҳарбда кесилган қўллари
бадалига икки қанот берилганини ва шу тарзда малаклар билан
учганининг башоратини берди. Бу мушкул аҳволда лашкарнинг
бошига Валид ўғли Холидни келтирдилар. Парчаланиш арафасида
турган лашкарни юксак бир тепаликка тўплади ва уларнинг
пайфиятини кутарди. Холид шу қадар мардлик билан жанг қилдики,
у кун қўлида тўққизта қилич парчаланди. Душман бу бир ҳовуч
қаҳрамоннинг шу даражада жанг қилишига ҳайратланди ва кўзи
кўрқди. Душман мусулмон лашкарининг сони ҳақида маълумотга эга
эмасди.

б) Холиднинг аскарий истеъдоди

Эртаси кун Холид аскарий истеъдодини курсатиб, шундай
гартибот ўрнатди: орқадаги кучларни олдинга, унг қанотни чапга, чап
қанотни унгга олди. Душман аскарлари ўз олдиларида кечаги кўрган
аскарларидан бошқаларини кўрганларидан кейин, мусулмонларга ян-
ги ёрдам кучи келди, деб ҳисобладилар. Чунки жанг, зотан, уларнинг
кўзини кўрқитиб қўйган эди. Мусулмонларнинг аниқ сонини
билмаганларидан, бир оз орқага чекиниб, шароитни ўрганмоқчи
бўлдилар. Айни шу пайтда Холиднинг ҳужум қилишга амр бериши
душманини тамоман саросимага солиб қўйди ва душман чекина
бошлади. Холид буни айни фурсат ҳисоблаб, аскарини дарҳол орқага
чекинтирди. Шу тариқа ғолиб ва мағлуб маълум бўлиасдан бу жанг
тугади. Мусулмонларни орқадан таъқиб қилишга душманининг
жасорати етмади. Холиднинг аскарий истеъдоди туфайли 3.000 ки-
шилиқ Ислом лашкари 100.000 кишилиқ душмандан қутулиб қолди.

в) Жаъфар Тайёр оиласига тасалли

Ҳз. Пайғамбар Жаъфарнинг ўлиmidан жуда қайғуга ботди. Бу
мусибатли кунларда Жаъфар оиласига овқат тайёрлаб киритишни
қўшинларига тайинлади. Қора кунларда мусулмонларнинг уя-қўшин-
ларига ҳамдирли раъсман «Бир кўнларни бундан қолди. Бу жангда ил-
ла шахид Зайд эди. Ҳз. Пайғамбар Зайднинг аялини кўраганида кўз

- У недир, е
— Бу дўстнинг дўст учун кўз ёши тукишидир, — деб жавоб берди
у.

Х Қисм

МАККАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ (630 йил, 8 январ, Рамазон ойи)

Мавзулар:

- Мушриклар томонидан сулҳнинг бузилиши
- Абу Суфённинг Мадинадан бўш қайтиши
- Фатҳ ҳозирлиги
- Абу Суфённинг Ислом қароргоҳида мусулмон бўлиши
- Фатҳ хутбаси: Исломда тенглик
- Аёлларнинг қасамёди
- Умумий афв
- Ҳунайн ва Автос жанги
- Тоиф қуршови
- Бир вафодорлик ўрнаги
- Виждонга зўрлик йўқ
- Шонр Каъбнинг мусулмон бўлиши
- Ҳотам Тойнинг қизи

а) Мушриклар томонидан сулҳнинг бузилиши

Муъта жангидан Халиднинг Ислом қўшинини енгилмасдан қайтариб олиб келиши араб қабилалари орасида бир зафар ҳавосини яратган эди. Шимолда Исломият ёйила бошлади. Маккаликлар Ҳудайбийя сулҳини буза бошладилар. Византия билан жангга кирмасдан қайтганлари учун мусулмонларни менсимасган эдилар. Бу араб мусулмонларини қайтариб олиб келишга ҳужум қилдилар. Ҳузона райси Мадинага келиб, мусулмонлардан ёрдам сўради ва сўзларини қўйидаги маънодаги мисраларда англатди: «Қурайш сенга берган сўзидан қайтди, иззолаган аҳдини

бузди. Бизни рукуъ ва сажда, яъни намоз қилаётган пайтимизда босдилар ва бунн давои эттиряптилар. Оллоҳ йулида бизга ёрдам кел, истагимизни қондир!»

Ҳз. Пайғамбар Курайшга хабар юбориб, улдирган кишилари учун бадал тулашларини, акс ҳолда, Ҳудайбийя сулҳи кучсиз бўлишини билдирди.

6) Абу Суфённинг Мадинадан бўш қайтиши

Курайшийлар шароитни урганиш учун Абу Суфённи Мадинага юбордилар. Абу Суфён туғридан-туғри Ҳз. Пайғамбар билан кўришишга жасорат қила олмади. Шу сабабдан аввал қизн, яъни Ҳз. Пайғамбарнинг хотини бўлиш Умиу Ҳабиба билан учрашди. У Ҳз. Абу Бакр ва Ҳз. Умардан етарли натижа олишга муяссар бўлмади ва умидсиз ҳолатда орқага қайтишга мажбур бўлди. Маккани бир оғиз сўз билан утириб-тургизган бу одам Мадинада ҳеч кимга сузини ўтказа олмади. Ўз қизига ҳам истагини англатишга қурби етмади.

в) Фатҳ ҳозирлиги

Ҳз. Пайғамбар қўшинига сафар ҳозирлиги кўришни амр қилди. 10.000 кишилик қўшин тўпланди. Мадина шу кунга қадар бунчалик кўп лашкар чиқармаган эди. Сахро бўйлаб Маккага йўл олдилар. Кон тўқмасдан Маккага кириш учун бу ҳаракат сир тутилди. Маккага яқинлашиб қолганларида амакиси Аббосга дуч келди. Аббос мусулмон бўлган ва Мадинага қараб кетаётганди. Оиласини Мадинага жўнатиб, ўзи Ислои лашкарига қўшилди. Мусулмонлар Маккага 4 фарсанг (1 фарсанг тахм. 5—7 км.— И. Й.) масофага қадар келдилар. Лашкарнинг сон-саноқсиз эканлигини кўрсатиш учун ҳар тарафга гулхан ёқдилар.

г) Абу Суфённинг Ислом қароргоҳида мусулмон бўлиши

Абу Суфён бу ҳолатдан шубҳаланди. Тунда теварак-атрофда бўлаётган нарсаларни ўрганишга чиқди ва Аббосга дуч келди. Аббос унга Ислои лашкарини кўрсатиб:

— Агар бу лашкар эртага Маккага зўрлик билан кирадиган бўлса, Курайш кўп азоб чекади,— деди.

Абу Суфён:

— Ундай бўлса, қандай чораси бор? — деди.

— Ҳз. Пайғамбарга бориб, ундан омонлик тилаш керак.

Шундан сўнгра Аббос Абу Суфённи Ҳз. Пайғамбар ҳузурига олиб борди. Абу Суфён у ерда мусулмончиликни қабул қилганини айтди. Бу эса, Макка дон тўқилимасдан фатҳ бўлди демак эди. Аббос

Ҳз. Пайғамбарнинг шу борадан илтимос қилди.

— Абу Суфён мактовни севган одамдир, шунинг учун унга бир лутфда бўлинг.

Ҳз. Пайғамбарнинг бунн қабул қилди ва:

— Кимки Абу Суфённинг уйига кирса, у одам ишончли ва хавфсиздир, унга ҳеч ким тега олмайди. Кимки унинг уйига бекинса ёки Масжиди Ҳаромга кирса, хавфсиздир.

Абу Суфён Маккага қайтди ва қурайшийларга вазиятни тушунтирди. Ўзининг мусулмон бўлганини аңлатди ва шундан сўнгра маккаликлар таслим бўдилар.

Мусулмонлар тўрт тарафдан Маккага кирдилар. Ҳз. Пайғамбар аскарларга тез-тез тайинлаб турди: «Қаъбиян қон тўқмангиз, қуролли тўқнашувга кирмангиз.» Муқаддас шаҳарга қон тўқмасдан кириш Ҳз. Пайғамбарнинг энг олий истаги эди ва шундай ҳам бўлди. Фақат Халид кирган Макканинг жануб томонида мушриклар ҳужумга ўтган бўлсалар-да, у авж олмасдан бостирилди.

д) Фатҳ хутбаси: Исломда тенглик

Ҳз. Пайғамбар Ҳарам Шарифда бир хутба ўқиди. Бу ерда Оллоҳнинг ягоналиги ва Ҳақ дин асосларини аңлатди. Шундан сўнгра инсонлар ўртасида тенглик, мўминлар орасида қардошлиқ бўлганини эълон қилди ва Ҳужурот сурасининг 13-оятини қаримасини ўқиди.

Инсонларнинг энг буюк ҳасталиклари бир-бирига душманлик қилиши, қон даъвосини сақлаш, тенгликни тан олмасликларидир. Исломга қура, ҳар бир инсон Оллоҳнинг қулидир ва барча инсонлар тенгдир. Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф бу ҳақиқатни доимо эслатиб туради. Арабнинг араб бўлмагандан, араб бўлмаганининг арабдан устунлиги йўқлигини Ҳз. Пайғамбар баён қилди. Исломда ирқ, ранг, авлод-аждод, келиб чиқиш фарқлари йўқдир, фақат инсонлик бордир. Зиёдалик ва шараф ҳам тақво соҳиби, яхши ва етук инсон бўлишдадир. Энг хайрли инсон инсонларга фойдали ишлар қилганидир. Исломнинг асосий негизи шулардир.

Шундай қилиб Фатҳ куни Ҳз. Пайғамбаримиз бу ҳақиқатни яна бир марта Қаъбадан эълон қилди.

Ҳз. Пайғамбар буларни сўйларкан, маккаликлар мағрур бошларини эгган ҳолда тинглар эдилар. Бу одамларнинг Маккада деганлари деган эди. Мусулмонларга қарши нималар қилмадилар. Ажабо, энди нима бўлади?

Буюк Пайғамбар улардан сўради:

— Эй Қурайш, мен ҳақимда қандай фикрдасиз, сиз ҳақингизда нималар қилишимни тахмин этиясиз?

Жавоб бердилар:

— Сен қарим ва мурувватли биродаримизсан!

Ҳз. Пайғамбар бу ерда ҳам башарнинг энг буюк муршиди, тарихнинг энг улуғ одами эди. У:

— Бугун сизни танқид қилиш йўқ. Кетаверинг, ҳаммангиз эрайиниз!

Ҳз. Муҳаммад курсатган олижаноблиги билан ҳам Маккани, ҳам кўнрақларини фатҳ этди.

Ҳз. Муҳаммад Қаъбани бутлардан тозалади ва Ҳз. Иброҳим

қургани каби, Оллоҳга ибодат қилувчилар учун ҳозирлатди. Билол Каъбанинг устига чиқиб, гузал овози билан азон ўқиди. Мўминлар саф тортиб, намозларини адо этдилар.

е) Аёлларнинг қасамёди

Мусулмонликни янги қабул қилганлар Ҳз. Пайғамбарга содиқ бўлишга байъат — қасамёд қилдилар. Қасамёдни аввал эркаклар, сўнгра аёллар қабул қилдилар. Аёлларнинг бошида Ҳз. Алининг синглиси Уйму Ҳони, Холиднинг синглиси Фоҳита бор эди. Аёллар қасамёд қилар эканлар шуларни айтишди: «Оллоҳга шерик қўшмаймиз, уғирлик ва зино қилмаймиз, болаларни ўлдирмаймиз, тухмат ва бўхтондан қочамиз. Ҳар нарсада ҳақ бўлган Ҳз. Пайғамбарга итоат этамиз, торлик ва борлик замонида Ҳз. Пайғамбарга содиқ қоламиз».

ё) Умумий афв

Ҳз. Муҳаммад Ҳз. Ҳамза жасадини ҳақорат қилган Ҳинд билан биргаликда бутун душманларни афв этди. Абу Жаҳлнинг ўғли Икрийми, Сафвонни, Ҳз. Ҳамзанинг қотили Ваҳшийни ҳам афв этди. Ёлғиз: «Ваҳший кўзинга кўринмасин, севиқли амакни ёдига тушганда, ичми парчаланадир», — деди.

Ҳз. Пайғамбар 15 кун Маккада қолди. Бу муддат ичида Унинг юксак ахлоқини, тоза қалблилигини кўрганлар ҳаёмон мусулмон бўлаётган эдилар.

ж) Ҳунайн ва Автос жанги

Макка фатҳидан сўнгра мусулмонлар буюк бир севинч ичида эдилар. Оллоҳнинг ёрдами билан Каъба бутлардан тозаланди. Ислои дини атрофга ёйила бошлади. Амио Макка яқинида яшайдиган Ҳавозин қабиласи бутпараст эди. Улар сон жиҳатидан кўп бўлиб, Исломиятнинг Арабистонга ёйилишини хоҳламаётган эдилар. Райслари бўлган Молик 20 минг кишилик лашкар тўплади. Молик Дурайд исми қарияни ҳам аскарий тажрибасидан фойдаланиш мақсадида лашкарга олди. Аскарлар Ҳунайн водийсида тўпландилар. Қария бу ерда ҳайвон овозларини ва гўдаклар йиғисини эшитгандан кейин: «Булар нима?» — деб сўради. Молик аскарларнинг орқаларига қочиб кетиасликлари учун хотинларини ва молларини ҳам баробар олиб келтирилганлигини айтди. Қари билимдон: «Бузилган лашкарни бундай нарсалар тута олмайди. Агар енгилсангиз, хотинларингизни ўз қўлингиз билан асирликка беришдек, зафарсизликка тушиб қоласиз», — деди. Унинг гапини эшитган ёшлар: «Бу нарсани эсини еб қўйибди», — дедилар.

Аскарлар водийнинг тор бир бўғозини икки тарафдан эгаллаб олишди.

Мусулмонлар 12 минг кишилик лашкари билан бу ерга етиб келдилар. Лашкарда Абу Суфён бошчилигидаги янги мусулмон бўлганлар ҳам бор эди. Ҳатто, мусулмонлар қўшинига етмишга яқин мушриклар ҳам келиб қўшилган эди. Чунки улар Қурайшдан айрилишни истамаётган эдилар.

Эрта тонг гира-ширасида мусулмонлар, душман пистирмаларидан беҳабар, водийнинг тор бўғозидан ўтар эканлар, икки тарафдан ҳужумга дуч келдилар. Бўғоз ута тор бўлганидан, аскарлар эркин ҳаракат қила олмадилар. Мусулмонлар нима бўлаётганини яхши англамасдан, шошиб қолдилар. Орада ғафлат бошланиб, тушқунликка туша бошладилар. Унинг сабаби қуйдагилар эди: қўшин сара аскарлардан иборат бўлмасдан, балки аралаш эди. Уларнинг ичида янги мусулмон бўлганлар, ҳатто, мушриклар ҳам бор эди. Булар бешинчи бариоқ каби эдики, уларнинг у замон айтган гаплари бунни тасдиқларди. Абу Суфён маъноли кулмисираш билан:

— Бу саросиманинг олдини денгизга қадар ҳам олиб бўлмайди, — деди.

Талҳа ўғли Усмон:

— Бугун Муҳаммаддан ўч оляминиз, — деди.

Бошқа бири эса:

— Бугун сеҳр бузилди, — деб ҳайқирди.

Сафвон эса, бунга қарши ўлароқ:

— Овозингни учир, оғзинг курсин. Менга ҳоким Ҳавозиндан бўладими, Қурайшдан бўладими, фарқ этмас, — дея жавоб берибди.

Бундай эсанкираш шароитида Ҳз. Пайғамбар қочиб кетаётганларни тўхтатишчи буларди:

«Мен Пайғамбарман, бунга шубҳа йўқдир. Мен Абдулмутталиб ўғиллариданман», — дер ва ансорийлар билан мужоҳидларни ўз атрофига тўплашчи буларди. Амакиси Аббос ҳам ўзининг янроқ овози билан тарқаб кетаётганларни Муҳаммаднинг атрофида тўпланишга чақираётганди. Мусулмонлар яна ўзларини бир ерга тўпладилар ва шиддат билан ҳужумга ўтдилар. Душман бу зарбага чидай олмадан, парчаланиб қоча бошлади. Мусулмонлар жанг бошидаги мағлубият азобини тотганларидан кейин, қўлга киритган бу зафарларидан жуда хурсанд бўлдилар. Қуръони Карим Тавба сурасида (25—28-оятлар) бунини ёздади.

Бу жангда шу кунга қадар бўлиб ўтган жангларда қўлга киритилганидан ҳам кўп миқдорда ўлжа олинди: 22 минг туя, 40 минг қўй, 4 минг уқда (1283 граммлик оғирлик ўлчов бирлиги — И. Й.) қумуш, 6 минг асир жанг майдонида қолди. Қариянинг айтгани каби, булар аскарларнинг қочишига қаршилик кўрсатишмади. Мусулмонлар душманини Абулхаттаб қадар қувиб бордилар ва уларни бутунлай тор-мор қилдилар.

з) Тоиф қуршови

Ҳавозин раиси Молик Тоифга қочиб бориб, паноҳ топган эди. Илонни пустидан, тулкини инидан чиқариоқ керак эди. Чунки бу жой бутпарастликнинг охириги уяси ҳолида қола олмас эди. Шунинг учун Тоифни қуршовга олдилар. Тоифликлар қалъа дарвозаларини беркитиб олдилар. Қуршов узоқ давом этди. Салмон Форсийнинг таклифи билан мусулмонлар тош отувчи мосламалар қўлладилар, ёғочдан ясалган зирҳли каби буюк аравалар билан қалъага ҳужум қилдилар. Аммо қалъа мустаҳкам бўлгандан қуламас эди. Бир ойлик қуршовдан сўнгра мусулмонлар улардан воз кечдилар ва орқага қайтдилар. Тоифликлар бир қанча вақтдан сўнгра мусулмонликни қабул қилдилар ва бутларини парчаладилар.

и) Бир вафодорлик ўрнаги

Ҳавозиндан олинган ўлжалар тақсимланаётганда асирлар орасидан бир хотин: «Мен Муҳаммаднинг бир онани эмиб катта бўлган опасиман, мени унинг олдига олиб бординглар»,— деди.

Уни Ҳз. Пайғамбарнинг ҳузурига олиб келдилар. Ҳз. Пайғамбар уни дарров таниди: у сут эмишган опаси Шайма эди. У билан бирга кечирган болалик кунларини хотирлади ва кузларидан ёшини тута олмади. Хирқасини ерга ёзиб, Шаймани унга утиргизди. Унга эъзоз ва икром кўргизди. Унга эркинлик бериш билан бирга бир қул, бир чўри, икки туя ва бир талай қуй ҳам бериб, оиласи ёнига юборди.

Ҳз. Пайғамбар ҳузурига Ҳавозиндан бир гуруҳ илтимосчилар келди. Ҳз. Пайғамбар улардан:

— Молнингизни истайсизми, йўқса, болалар билан аёлларингиз-
ними? — деб сўради.

— Албатта, болалар билан аёлларингизни,— деб жавоб бердилар.

Ҳз. Пайғамбар улардан ташқари ўзига ва Абдулмутталиб ўғилларига оид бўлган асирларнинг ҳаммасини озод қилди. Бошқа саҳобалар ҳам буни кўргач, Пайғамбарларининг қилган ишларидан ўрнак олган ҳолда, қул остиларидаги асирларни озод қилдилар. Шу тариқа 6 минг инсон ҳурриятга эришди. Мусулмонлар ҳар доим шундай олижаноблик кўрсатиб келдилар.

Ҳз. Пайғамбар Ҳавозин раиси Молиққа хабар юборди. Хабарда агар у ҳам келиб, мусулмончиликни қабул қилса, оиласи ва моллари ўзига қайтариб берилиши билдирилган эди. Молик бу хабарни олиши билан дарҳол етиб келди ва мусулмон бўлди. Бундан сўнгра Ҳз. Пайғамбар унинг оиласини озод қилди ва молларини қайтариб берди. Моллари устига яна 100 туя ҳам қўшиб берди. У инсонларни шундай яхшиликлар қилиш билан ўзига боғлар эди.

й) Виждонга зўрлик йўқ

Автос жанги пайти эди. Муҳаллим исми бир мусулмон Омир исми бир кишига рупара бўлди. Омир Муҳаллимга мусулмон бўлганлигини айтса ҳам, уни ўлдирди. Ҳз. Пайғамбар Муҳаллимни сўроқда тутди:

- Мусулмон бўлганини айтса ҳам, нимага ўлдирдинг?
- Унинг мусулмониан, дейиши, ўлимдан қутулиш учун эди.
- Сен унинг қалбини ёриб кўрдингмики, тўғри ёки ёлғон сўйлаётганини билсанг?
- Қалб бир парча этдир, ёрган билан нимани ҳам билиш мумкин?
- Қалбини билмайсан, айтганига ишонимайсан, сени нима қилиш керак,— деди ва уни лаънатга маҳкум қилди.

к) Шоир Каъбнинг мусулмон бўлиши

Каъб исми бир шоир Ҳз. Пайғамбарни ҳажв қилиб юрарди. Шу сабабли кўрққанидан, қочиб кетган эди. Мусулмонлик ҳар тарафга ёйилгандан кейин борадиган ер топа олмай қолди. Мусулмон бўлган биродари Каъбга мактуб ёзиб, Ҳз. Пайғамбар ҳузурига келишини ва афв тилашини англатди. Шундан сўнгра Каъб Ҳз. Пайғамбар олдига келиб, мусулмон бўлганини тушунтирди ва хавфдан қутулди. Каъб бу қафъа Ҳз. Пайғамбар ҳузурида Уни мадҳ қилувчи машҳур қасидасини ўқиди. Қасиданинг бир ерида:

«Пайғамбар дунёни ойдинлатган бир шуъладир. Ҳар қандай ёмонликни илдизи билан кўпрган Оллоҳ қиличларидан биридир» байтини айтганидан кейин бу Ҳз. Пайғамбарга маъқул бўлибди. Ёнида шоирга берадиган бир нарсаси бўлмаганлигидан, устидаги хирқасини ечиб, унга совға қилибди. Шу сабабли бу қасидага «Қасидаи Бурда» дейилади.

л) Ҳотам Тойнинг қизи

Бу орада Той қабиласи мусулмонларга қарши тайёрлана бошлади. Ҳз. Али уларнинг устига юборилди. Раислари қочди. Ҳз. Али қўлга олган сирларини Мадинага келтирди. Сахийлиги билан машҳур бўлган Ҳотамнинг қизи ҳам асирлар орасида эди. У Ҳз. Пайғамбарга яқинлашиб:

- Ё расулуллоҳ! Отам ўлди. Ягона қариндошим бўлган биродарим ҳам қочди. Ҳурриятини сотиб олай десам, пулим ҳам йўқ. Сенинг мурувватингдан нажот тилайман. Отам ўта сахий бир

одам эди, асирларни қутқарар, аёлларни химоя қилар, фақирларга оғят берар, бахтсизларга ёрдам қиларди. Мен шундай одамнинг қизинан,— деди.

Ҳз. Пайғамбар:

— Сенинг отанг Ислои фазилатидаги одам эди,— деди ва атрофидагиларга:

— Хотамнинг қизи озоддир, отаси инсонлар севган бир одам эди. Оллоҳ марҳаматли бўлганларни хуш куради ва рағбатлантиради,— деди. Қизга уст-бош ва йул харжи бериб, уни биродарининг ёнига юборди.

XI Қисм

ТАБУК ЖАНГИ

Мавзулар:

- Табук жанги
- Мунофиқларнинг бузғунчилиги
- Масжиди Дирорнинг ёндирилиши
- Ҳз. Иброҳимнинг вафоти
- Нажошийнинг ўлими
- Атрофга муршидларнинг юборилиши
- Абү Бакрнинг ҳаж амирлиги (бошчилиги)

а) Табук жанги

Табук Мадина билан Шом орасида жойлашгандир.

Кейинги пайтларда, айниқса, Византия Эрон устидан ғалаба қозонгандан кейин тез суръат билан ёйилиб бораётган Исломи-ятнинг йўлини тусиб қўймоқчи бўлди. Христиан бўлган араблар ҳам унга қўшилди. Шимолда ҳозирлик кўраётган бу кучларни йўқотиш учун мусулмонлар ҳаракатни бошладилар. Кўнгиллилар туплана бошлади. У йил Ҳижозда мудҳиш очарчилик бўлди. Саҳобаларнинг ўзига туқлари катта миқдордаги молларини инъом қилиб, фидо-корлик кўрсатдилар. Ҳз. Абү Бакр ҳўлидаги бир нархасини лашк-таъминоти учун берди. Бой-бадавлат бўлган Ҳз. Усмон катта б- турмадилар. Улар ўзларининг бутун зеб-зийнатларини қўшин учун бериб, Ватан хизматида бўлдилар. Очарчилик туфайли кийинчилик

билан ҳозирланган қўшинни «Жайшул-Усра» дейилади. Мунофиқлар турли хил баҳоналар билан жангга қатнашишни хоҳламадилар.

Ҳз. Пайғамбар 30 минг кишилик қўшини билан Мадинадан йўлга чиқди. Жазирама ёз иссиғида қўлни ошиб, Табукка етиб келди. Душман урушишдан қўрқиб, қалъаларига беркинлиб олди. Византия у пайтлар ички муаммолари билан машғул эди. Мусульмонлар ҳам ҳеч бир жанг қилмасдан орқага ҳайтдилар. Чунки мақсад бирон-бир натижага эришиш эди: душман кучларининг попуғи пасайтирилди.

Лашкардаги баъзилар: бу ерга қадар келдик, энди олдинга юрайлик, Сурияга ҳужум қилайлик, десалар ҳам Ҳз. Пайғамбар буни қабул қилмади. У замон Шомда тоун (ўлат — И. Й.) касаллиги бор эди. Ҳз. Пайғамбар тоун касаллиги бор ерга боришни истамади.

б) Мунофиқларнинг бузғунчилиги

Мунофиқлар ҳар фурсатдан фойдаланган ҳолда мусулмонларни бир-бирларига қарши қилишга ҳаракат қилар эдилар. Ўзлари Табук ҳарбига боришни истамаган бўлсалар-да, аимо жанг қилмасдан қайтиб келган аскарларни масҳара қилардилар.

в) Масжиди Дирорнинг ёндирилиши

Мунофиқлар мусулмонларни парчалаш учун Қубо масжидига қарши Мадина яқинида ўзларига бир масжид қурдилар. Масжиди шабавийга келмасдан, бу ерда тупланиоқчи бўлдилар. Бир христиан бўлган Абу Оми ҳам мунофиқларни бу ишга ташвиқ қилди. Мунофиқлар мусулмонларнинг айна Табук сафарига чиқиш пайтида Ҳз. Пайғамбар ҳузурига келишиб, қуриб битирган масжидларни очиб беришни илтимос қилдилар. Уларнинг мақсадлари маълум эди. Ҳз. Пайғамбар уларни ҳайдаб юборди ва Табукдан қайтишда бу масжидни ёқтириб юборди. Чунки бу ер мунофиқларнинг уяси бўлиши тайин эди ва шундай бўлиб қолган ҳам эди. Мунофиқлар сиртдан масжид қуриоқчи бўлсалар-да, аимо ичдан мусулмонларга суиқасд қилишни ўйлашарди. Қуръони Карим бу ҳодисадан баҳс юртади.

г) Ҳз. Иброҳимнинг вафоти

Ҳз. Пайғамбарнинг ўғли Иброҳим 18 ойлик бўлганда вафот қилди. Пайғамбар уни қалбидан оталик меҳри билан эрқалатиб катта қўлаётган эди. Болаларининг бир қисми гўдакликларидаёқ нобуд

бўлган бўлиб, бир қисми турмушга чиқиб, она бўлишганидан кейин вафот этганди. Ҳаётда ёлғиз севикли қизи Фотима ва ўғли Иброҳим қолган эди. Аммо ўғли кейинги пайтларда касалликка чалинди. Ҳаста ўғлининг сўлғин юзига боқиб: «Оллоҳ тақдирига қарши қўлдан нима келар эди, ё Иброҳим!» — деб ичдан ҳис-туйғуларини ифода қиларди. Ниҳоят, амири Ҳақ воқе бўлди. Иброҳимнинг маъсум руҳи кўкларга учди. Отанинг кўзлари ёшга тўлди. Йиғиси сабабини сўраганларида, деди:

— Кўз ёшланар, қалб маҳзун бўлар, Оллоҳ ризосига уйғун бўлгандан бошқа сўз айтимағаймиз. Эй, Иброҳим! Сендан ажралиб қолганимиздан чуқур қайғу ичидамиз.

Ёнидагилар Ҳз. Пайғамбарга ўлик учун йиғлашни ман этганлигини айтдилар. У эса:

— Мен ғамгин бўлишни, қайғу чекишни ман этимадим. Бақириб-чақириб йиғлашни тақиқладим. Қалб ёнади, кўз ёшга тўлади. Бу ёшлар қалбдаги марҳаматнинг нишонасидир.

Ҳз. Муҳаммад ўғлининг жаноза намозини ўқигандан сўнгра дафн этди. Қабрга нишон тикиб:

— Фойдаси ҳам йўқ, зарари ҳам. Фақат орқада қолганларга тасалли беради,— деди.

Шу пайтда қуёш тутилибди. Баъзилар бун Иброҳимнинг вафоти учун тутилган деб ҳисобладилар. Ҳз. Пайғамбар бу янглиш тушунчани шундай тузатди:

Қуёш ва Ой Оллоҳ аломатларидан икки нишондир. Улар қисмининг ўлими учун тутилмайдилар,— деб бу масалада инсонга ақл йўлини кўрсатди.

д) Нажошийнинг ўлими

Ҳижратнинг 9- йили Ҳабаш ҳукумдори вафот этди. Нажоший Ҳабашга ҳижрат қилган мусулмонларга жуда яхши муомалада бўлган эди. Ҳз. Пайғамбар Нажоший учун узоқдан бўлса ҳам жамоат билан ғойибона жаноза намози ўқиди.

е) Атрофга муршидларнинг юборилиши

Ҳижратнинг 9- йили тинч ва осойишта йилдир. Ҳз. Пайғамбар халққа Исломини ўргатиш учун теварак-атрофга муршидлар юборди. Улар очик чехра ва ширинсўзлик билан халқ қалбини фатҳ этдилар. Ҳз. Пайғамбаримиз уларга шу таълимотни берган эди:

«Эҳтиётлик билан оsonлаштиринг, қийинлаштирманг, мўжда-

ланг, нафрат уйғонтириб қўрқитманг. Уюшинг, англашинг, айрил-
манг. Халққа юмшоқ муомалада бўлинг, шиддат кўрсатианг».

Макка фатҳидан сўнгра араб қабилаларидан элчилар келиб,
мусулмон бўлганликларини билдирдилар. Ҳз. Пайғамбар уларга
жуда хушмуомалада бўлибди. Буларнинг ичида энг нозик бўлгани
Ямандан келган Ашъарийлардир.

б) Ҳз. Абу Бакрнинг ҳаж амирлиги (бошлиғи)

Ҳижратнинг 9- йили Ислом учун зафарли йил бўлди. Наср
сурасида берилган у буюк муждалар ҳақиқатга айланди. Ҳаж замони
келганди. Макка фатҳ бўлганлиги туфайли бу йил илк марта эркин
ҳаж қилинаётган эди. Ҳажга кетишга тайёрланган 300 киши билан
Ҳз. Абу Бакрни ҳаж амири сифатида тайинлаб, Маккага юборди.
Орқасидан таблиғотчи (маълумот берувчи, билдирувчи — И. Й.) си-
фатида Ҳз. Алини юборди. Каъбани тавоф ва зиёрат қилиш
шўларининг қандай шаклда амалга оширилишини Ҳз. Али изоҳлади.
Ўтпарастларнинг ҳаж қилиши, Каъбани яланғоч тарзда тавоф
қилиниши таққиланди. У замонга қадар мушрик хотин-эркаклар
уст-бошсиз тавоф қилардилар.

XII Қисм

ВИДО ҲАЖИ (Зулҳижжа, Милодий 632, 10 феврал)

Мавзулар:

- Мадинадан ҳаракат
- Арафотдаги хутба

а) Мадинадан ҳаракат

Исломият бутун Арабистон ярим оролига ёйилди. Макка фатҳ бўлди, Каъба бутлардан тозаланди. Тавҳид дини қарор топди. Унингчи ҳижрий йилнинг зулқаъда ойида Ҳз. Пайғамбарнинг ҳажга бориши ҳақидаги хабар тарқалди. У билан ҳажга борадиганлар тайёргарлик кўрдилар. Зулқаъданинг 25, яъни шанба куни Ҳз. Пайғамбар ихромга кирди ва пешин наюзини адо қилганидан сунгра Маккага ҳаракат қилинди. Маккага етиб борганларидан кейин ҳаж маросимини бажара бошладилар. Бу санада ҳажга келганлар сони жуда кўп эди. Ҳз. Пайғамбар Арафотда 100 минг ҳожига хитобан машҳур хутбасини ўқиди ва бунга «Видо ҳажи хутбаси» дейилади. Ўта жаҳолат даври таоман тугаб, янги ойдинлик бир давр очилган эди. Дин муаммолари тугаб, инсонлар неъматнинг энг мукамиллигига эришган эдилар. У ҳам бўлса Исломи неъматиди.

б) Арафотдаги хутба

Ҳз. Пайғамбар бун хутбасини эски жомилиит оқитлигини оқитди.

Уларга инсонларни бахтли ҳаётга қовуштирувчи асосларни билдиради, жамиятга ҳузур бахш этувчи оила ҳалқларини изоҳлайди, ҳамаининг тенглигини англатади, жон ва мол ҳимоясини сақловчи

асосларни эълон этади. Бу хутбадаги ҳуқуқлар — «Ҳуқуқий башар баённомаси» Инсон ҳуқуқлари халқаро баённомасидан анча аввал инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этгандир. Бу хутбадан сунгра шу маънодаги ояти қарина нозил бўлди: «Бугун сизларга динингизни қамил қилдим, сизга неъматларни тўқис қилиб бердим ва сизлар учун дин улароқ мусулмонликни бериб, унга рози бўлдим» (Моида сураси, 3- оят).

УҚИШ:

ВИДО ХУТБАСИ

Ҳз. Пайгамбар Арафотдаги хутбасида Оллоҳ Таолога ҳамду санолардан сунгра шундай буюрди:

«Эй инсонлар! Мени тингланг. Балки бу йилдан сунгра сиз билан бошқа кўриша олмасмиз. Исломиятдан олдинги замонга оид бутун жоҳилият одатларини оёғим остига олиб эзяман.

Арабнинг араб бўлмагандан (ажамдан), бир ажамнинг эса арабдан устунлиги йўқдир. Чунки бутун инсонлар Одам Атодандир. Одам Ато эса, тупроқдандир.

Эй инсонлар! Сўзларимни тингланг ва англанг! Ҳар бир мусулмон бошқа бир мусулмоннинг биродаридир. Бутун мўминлар биродардир. Бир кимсага биродарининг моли ҳалол бўлмас. Токи ўз хоҳиши билан берсин. Ўзингизга зулм этманг.

Қулларга келсак, уларга еган нарсаларингиздан беринг ва кийганларингиздан кийдириңг. Улар ҳам Оллоҳнинг қулларидир ва ёмон муомалага лойиқ эмаслар.

Жоҳилиятдан қолган одатларни оёғим остига олиб эзяман. Бутун жоҳилият қон даъволари бекор қилинди. Булар ёлғон ва уйдирма нарсалардир.

Ҳар турли ғоиз ҳам бекор қилинган. Биринчи бекор қилинган ғоиз бўлса, у ҳам амаким Абдулмутталибнинг ўғли Аббоснинг ғоизидир. Самимиятларингиз яна ўзингизникидир, на зулм қилиңг, на зулм кўриңг. Қарздорлар қарз олган кишиларига фақат олган пулларинигина қайтарадилар.

Эй инсонлар! Сизнинг хотинларингиз устида бир қатор ҳақларингиз бордир. Улар сизнинг ҳақларингизга риоя қилишлари лозим. Уларнинг ҳам сизларда ҳақлари бордир. Уларга яхши муомалада бўлингиз, ширкатчи бўлинг, сиз уларни йўлдош қилингиз. Улар сизга Оллоҳ аҳди билан ҳалол бўлди.

Қандай кун бўлган бўлса, бу ой қандай шарафли бир ой бўлган бўлса ва бу шаҳар (Макка) қандай муборак бир шаҳар бўлган бўлса, хотинларингиз ва молларингиз ҳам шундай муқаддасдир. Ҳар

бирингизнинг жон ва молингиз бошқа бирингизга ҳаромдир. Қиёмат кунида Оллоҳнинг ҳузурига чиқажаксиз. У ҳам сиздан қилган ишларингизни бир-бир сўрайди ва унга кўра мукофот ёки мужозот (жазо) беради. Мендан сўнгга кофирликка қайтиб бўлак-бўлак бўлиб, бир-бирингизнинг бўйингизга урмангиз. Зиммасида бир омонати бўлган кимса бу омонатни кимга оид бўлса, унга бериши керак.

Эй аҳли! Сизга шундай бир нарса қолдирыпманки, унга содиқ бўлсангиз, янглиш йўлга кирмайсиз. У Оллоҳнинг Китоби ва Расулнинг суннатиридир.

Эй инсонлар! Бирон-бир хотин эрининг изни бўлмасдан туриб, унинг молидан бирор нарсани бошқасига бериши жоиз эмас. Қарз албатта қайтарилиши керак. Кирага (ишлатиб туришга) олинган мол ҳам эгасига қайтариб берилиши лозим. Ҳадя билан муқобала қилиш ярашади. Бошқаларнинг кафиллигини олган кимса олган кафолати учун масъулдир ва бу унинг зиммасига юкланган ҳисобланади. Эй инсонлар! Шайтон бу юртингизда бўлишдан умидини узгандир. Аммо сиз эҳтиётсизлик ва аҳамиятсизлик билан бир қатор ишларда (амалларда) унга алдансангиз, у хушнуд бўлади. Динингизни сақламоқ учун ундан эҳтиёт бўлинг.

Эй инсонлар! Ўта ҳаддан ошишдан, ҳар ишнинг чегарасидан чиқиб кетишдан сақланинг. Аввалгиларнинг ҳалок бўлишларига сабаб динда ҳаддан ошишларидир. Унутмоқ куфрнинг яримидир. Куфр этганлар у билан йўлдан оздилар. Замонлар, даврлар ўтди. Яна Оллоҳнинг ери, осмонни яратган пайтдаги ҳоли юзага келди. Оллоҳ наздида ойларнинг сони ўн иккитадир. Тўрттаси «ҳаром» ойлардир, учтаси кетма-кет келади. Ражаб эса алоҳидадир.

Ҳар бир қотил қилган жиноятидан (айбидан) ўзи масъулдир. Ҳеч бир қотилнинг қилган жинояти (айби) болаларига тегишли эмас. Ҳеч бир ўғил ёки қизнинг жинояти (айби) отани масъул қилмайди.

Мусулмонларни тўғри йўлга йўналтирувчи раҳбар одам кесик бурунли бир занжи бўлса ҳам, унга итоат қилингиз. Мен келтирган буйруқларга итоат қилингки, жаннатга кирасиз.

Бу ерда ҳозир бўлганлар бўлмаганларга гапларимни етказсинлар. Шундай бўлиши ҳам мумкин, бу ерда бўлмаганлар ичида бўлганлардан кўра айтганларимни доимо эсида сақлайдиганлар кўпроқ топилиши ҳам мумкин.»

«Таблиғ этдимми (билдира олдимми)?»

У ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси:

«Ҳа, ё Расулulloҳ»,— дедилар.

Ҳз. Пайғамбар яна:

«Шоҳид бўл, ё Раб!» — дея буюрди.

XIII Қисм

ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ СҮНГГИ КУНЛАРИ ВА ВАФОТИ

Мавзулар:

- Ҳз. Пайғамбарнинг таста бўлиши
- Ҳз. Пайғамбарнинг қилган садақалари
- Ҳз. Пайғамбар қизи Ҳз. Фотима билан
- Рафиқи Аълога — ояжаноб дўст ёнига
- Сунгги бурчнинг бажарилиши

а) Ҳз. Пайғамбарнинг таста бўлиши

Видо ҳажидан Мадинага қайтган Ҳз. Пайғамбар бир оз муддатдан сунгра касалликка қалинди. Зотан Моида сурасининг 3-ояти нозил бўлган вақтда саҳобаларнинг бир қисми Ҳз. Пайғамбар ҳаётининг охирлашиб қолганини сезган эдилар. Чунки дин ишларининг ниҳоясига етиши Пайғамбар вазифасининг ҳам ниҳоясига етиши демак эди. Ҳз. Пайғамбарнинг ҳаёти ғоят мунтазам ва тартибли бўлиб, саломатлик амалларига жуда риоя қилар эди. Шунингдек, озодаликка ҳам эътибор билан қарарди. Бутун ўнгиларида буларни саҳобаларига ургатгани каби ўзи ҳам уларга қатъий амал қилар эди.

Ҳз. Пайғамбар бу фаний оламдан кўчиш вақтининг яқинлашганини англади. Бу дунё ҳаётнинг бир кечиб еридир. Ҳижратнинг ун биринчи йили кирган эди. Сафар ойининг ун тўққизинчи кечаси ҳеч кимга сездирмасдан Бақит мазорига борди ва у ерда ётган асҳобига салом бериб: «Яқинда биз ҳам орангизда бўламиз», — деди. Мазордан қайтганидан кейин касаллиги янада кўчайди. Ҳз. Ойша унга «Бой бошим!» — деб бошининг оғриётганини айтди. Ҳз. Пайғамбар эса: «Сенинг бошинг эмас, Ойша, аслида менинг бошим оғрияпти», — деди.

Касаллик кундан-кунга кучайиб боришига қарамасдан, масжидга чиқиб, имомлик ҳам қилар эди. Кунларнинг бирида бутунлай дармонсиз бўлиб қолди ва жамоатга имом бўлишни Ҳз. Абу Бакрга амр этди. Абу Бакр уч кун имомлик қилди.

б) Ҳз. Пайғамбарнинг қилган садақалари

Хасталик даврида Ҳз. Пайғамбарнинг 7 дирҳам пули бор эди. Уларни садақа қилиб тарқатди. Вафотидан кейин нақд ҳолатда ҳеч пули қолимади. Хотинларига улушларини айириб берганидан кейин қолган мол-мулкни қамбағалларга, йўлчиларга сарф қилиш учун васият қилди. Ўзидан мол қолдирмади.

в) Ҳз. Пайғамбар қизи Ҳз. Фотима билан

Ҳз. Фотима ҳар куни келиб, Ҳз. Ойшанинг хонасида ётган отасини зиёрат қиларди. Ҳз. Пайғамбарнинг ҳаётда қолган ягона авлоди у эди. Бир марта Фотима:

— Ким билсин, отажоним қандай дард чекапти экан? — деди.

Ҳз. Пайғамбар:

— Отасининг севикли қузичоғи, бугундан сунгра отажонинг ҳеч дард чеқмайди,— деб жавоб қилди.

Ҳз. Пайғамбарнинг бу сўзлари бу олам дунёсидан кўчишига ишорат эди.

Ҳз. Пайғамбар касаллиги даврида бир неча марта саҳобаларига насиҳатда бўлди. Уларга ансорийлар ва муҳожирларнинг қардошларча ҳаёт кечиришлари кераклигини тавсия қилди.

«Менинг иртиқолимни (у дунёга кетиш) ўйлаб, хавотирланаётган эмишсиз. Ҳеч бир Пайғамбар уммати ичида абадулабад қолганмидики, мен ҳам қолсам? Мен Ҳақ Таолога етишаман ва бунга ҳаммангиздан зиёда лойиқман... Мен сизга шафқатли ва марҳаматлиман. Сизлар ҳам яна менга етишасиз. Учрашадиган жойимиз Ҳавзи Кавсар ёқасидир. Ҳар ким мен билан учрашишни истаса, қўлини ва тилини тутсин! Мен хабаримни олдим, Оллоҳга етишяпман...»

г) Рафиқи Аълога — олижаноб дўст ёнига

8 июн, яъни рабнулаввал ойининг душанба тонгида Ҳз. Пайғамбар ўзини бир оз яхши ҳис этди. Бомдод намозини масжидда Абу Бакрнинг ортида ўқиди. Хонасига қайтиб келганида дармонсизлиги ортди. Туш вақтига яқинлашганда: *«Ё Раб! Ўлим шиддатига қарши менга енгиллик бер, жонимни ширинлик билан ол»*,— деб дуо қилар эди. Боши Ҳз. Ойшанинг кучоғида бўлиб, ёнидаги бир индишда сув бор эди. Қўлини сувга ботирган қолда юзига свртар ва бу билан отабини теширётганлар бўларди. Икки ойининг жазирама кунларидан бири, осмон бегубор, ҳар тараф сокин, яратилиш кундаги сингари ҳар нарса жим-жит. Ҳз. Пайғамбар муборақ бармоғи билан юқорига ишорат қилди ва *«Рафиқи*

Азласа — олижаноб дуст ёнига», — деб кўзларини самога тикди ва унинг руҳи абадий оламга учди.

Мамотинг (ўлимнинг) ҳам ҳаётинг каби тоза ва пок, ё Расулulloҳ!

д) Сўнгги бурчнинг бажарилиши

Асхоби Киром қайғули хабарни кўз ёшлари билан қаршилади. Мадинаи мунавварни мотам ҳавоси қоплади. Баъзилар бунга ишонишни истамас эдилар. Ҳз. Абу Бакр:

«Кимки Муҳаммадга сиғинса, билсинки, Муҳаммад вафот этди. Кимки Оллоҳга сиғинса, билсинки, Оллоҳ доимий ва боқийдир», — деб олий ҳақиқатни изохлади ва Ол-и Ирон сурасининг 144-ояти қарнимасини ўқиди.

Ҳз. Али, Аббос ва ўғли Фазл, Зайд ўғли Усома жанозанинг ғусли (ювиш) билан машғул бўлдилар. Ҳз. Али ювди, қолганлар ёрдам бердилар. Қаерга дафн қилиш музокара қилинди. Баъзилар Маккага, баъзилар эса Ҳз. Пайғамбарлар мақоми бўлган Куддусга дафн қилишни таклиф қилдилар. Ҳз. Абу Бакр: «Пайғамбарлар вафот этган ерга дафн қилинадилар», — деди.

Сўнгра Ҳз. Ойшанинг хонасига қабр қазиб, сешанба кун иккинчи Равзаи Мутаҳҳарага қўйилди. Жаноза намози якка-якка ҳолда ўқилди. Аввал эркаклар, сўнгра хотинлар, кейин болалар саф-саф бўлишиб, суюкли Пайғамбарларига диний вазифаларини адо этдилар.

(У олижаноб Пайғамбарга, Унинг оиласи ва саҳобаларига салот ва салоилар бўлсин!).

XIV Қисм

ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ ФАЗИЛАТГА БОЙ ЮКСАК АХЛОҚИ

Ҳз. Пайғамбар гузал ахлоқни тарғиб қилиш ва уни мукам-маллаштириш учун юборилган эди. Шунинг учун Унинг ўргатганлари фақат яхши фазилатлардан иборат эди. Инсонларга ҳақиқий қадр-қимматни ўргатди. Исломият инсонлар орасига биродарлик, севги, ҳурият, фазилат, тенглик, адолат, яхшилик, тўғрилиқ кабиларни келтирди. Инсонларнинг бир-бирларини тўғри англаган ҳолда тинч-тотув яшашлари, ҳақиқа рози бўлиб, кимсанинг қўлидаги нарсаси-га куз олайтирмаслиги қандай гузал хислатдир. Ана шу хислатлар рўёбга чиқсагина, ҳаёт гузал ва маъноли бўлади. Шу хусусда мазкур нарсаларни амалга ошириш учун Ҳз. Пайғамбар инсониятга хайр ва фазилат ўрнаги бўлди. У саҳобалари билан доимо мулоқотлик ва ширинсўзлик билан суҳбатлашар, ҳатто, ҳазил-хузул қилар эди. Болаларни эркалатиб суяр, уларни хурсанд қилар, бой, камбағал, қул бу демасдан, улардан ҳол-аҳвол суғар, кўнгилларини олар эди. Ҳеч кимнинг қалбини ўкситмасди. Агар энг чекка маҳаллаларда бирор киши ҳасталанса, дарҳол уни зиёрат қилар ва ҳол-аҳволини суриштирарди. Ҳар кимга салом берар, кўришган кишисининг қўлини олар, ширинсўзлик билан хушмуомалада бўлар эди. У тавозе соҳиби бўлиб, мамнанликни севиасди.

Кунларнинг бирида зиёратига келган бир одам унинг ҳузурида ҳаяжондан титради. Унга: «Дўстим, кўрқма, мен ҳуқидор эмасман! Мен Қурайший қаттиқ нон еган бир аёлнинг ўғлиман», — деган эди.

У доимо жўн, аммо тоза кийинар эди. Покизаликни жуда яхши кўрарди. «Покизалик иймондандир», — деган эди. Ифлосликдан ва ёмон ҳидлардан ҳеч хушланмасди. Шунинг учун жомега покиза бўлиб келинган саҳобаларга хайр, севадан. Ойла ҳастия ҳам жуда мураккаб эди. Ҳеч бепар ўқиди. Ҳз. Пайғамбар

жавобин:

— Бу дунёда тўртта нарсдан ҳеч хушланмайман! Булардан сақланишда Оллоҳдан мадад сурайман. Булар: кўрқоқлик, ҳасислик, танбаллик ва нопокликдир, — дер эди.

Унинг хизматида бўлган Анас дер эдики: *Ун сана Унинг хизматида бўлдим. Бирон марта ҳам: Уф, жонимга тегдинг, деганини эшитмадим»*. У доимо яхши фазилат урнали бўлиб келди.

Қўнгли инсонлик муҳаббатига тула эди. Доимо шафқатга муҳтож бўлган қашшоқларга, етимларга, болаларга ўта марҳаматли эди. Бир кунни Хз. Пайғамбар бир болани эркалаётган пайтда бир бадавий:

— Сиз болаларни жуда яхши кўрасиз. Менинг ўнта набирам бор, эмио ҳеч бирини кучоғимга олиб эркалатмайман,— дебди.

Унга жавобан:

— Сенинг қалбингда марҳамат йўқ бўлса, мен қандай ёрдам бера оламан. *Марҳамат кўрсатмаган, марҳамат юзини кўрмас,—* деб буюрибди.

Унинг муҳаббати чексиз эди. Ҳайвонларга нисбатан ҳам марҳаматли бўлишни ўргатди. Керакли ҳолларда хасталанган ҳайвонни даволаш билан ҳам машғул бўлар эди. Сувсиз қолган бир итга оёқ кийимида сув келтириб берган кимсанинг гуноҳи бўлса-да, уни жаннат билан муждалаган эди. Бир мушукни оч қолдирган хотиннинг бу сабабли азоб кўришини, сувсираган дарахтни суғорганга савоб ёзилганлиги хабарини берган эди.

У ҳамма нарсада марҳаматли эди.

«*Раҳматан лил-оламин*» эди ул *Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи ва саллам*.

АСРИ САОДАТНИНГ САНАВИЙ ЖАДВАЛИ

Милодий йил билан

- | | |
|-----|---|
| 571 | — (20 апрел 9—12 рабиулаввал) Фахри Олам
Пайғамбар жанобимизнинг туғилиши.
«Туғилди ул соатда ул Султони Дин,
Нукрага ғарқ бўлди самовоту замин». |
| 575 | — 5 — сана Саъд қабиласида энагаси Ҳалима
ёнида қолгандан кейин Маккага — оила-
сига қайтиши. |
| 577 | — Онаси Омина ва хизматчилари Уйму
Айман билан бирликда Мадинага келиб,
падарининг қабрини зиёрат қилиши ва
орқага қайтиши, Абво қишлоғида онаси-
нинг вафот этиши. |
| 577 | — Ҳз. Пайғамбаримизнинг бобоси Абдул-
мутталиб ҳимоясига олиниши. |
| 579 | — Бобоси Абдулмутталиб вафотидан кейин
амакиси Абу Толибнинг ҳимоясига утиши. |
| 583 | — Амакиси Абу Толиб билан Сурияга тижо-
рат қарвонида кетиши ва Бусро шаҳрида
Буҳайро томонидан бу ёш боланинг кути-
лаётган сўнгги Пайғамбар бўлажagini
сезилиши. |
| 588 | — Амакиси Зубайр билан Яман саёҳати. |
| 591 | — Курайш ва Қайс орасида 4 йил давом
этган Фижор ҳарбида бетараф қолиши ва
Ҳилфул Фудул сулҳида иштирок этиши. |
| 595 | — Шомга иккинчи саёҳати, Мейсаранинг
Пайғамбаримиздан ҳайратланиши. |

— Ҳз. Муҳаммаднинг Ҳадича билан оила қуриши.

— Каъба таъмирида Ҳажари Асвадни уз ерига қўйиш вазифасини Қурайшийларнинг Муҳаммадул-Амин деб атаган Пайғамбаримизга юклатилиши.

Милодий — Бисъат (Пайғамбарлик йили)

1 — Ҳирода илк ваҳйнинг келиши (Рамазон ойида). Энг яқинларини Исломига даъват этиши ва Ҳз. Ҳадича, Ҳз. Али, Ҳз. Зайд, Ҳз. Абу Бакрларнинг мусулмон бўлиши.

3 — Уч йиллик яширинча даъватнинг бошланиши.

5 — Мушриклар тазйиқи туфайли баъзи мусулмонларнинг Ҳабашистонга ҳижрати.

Мушриклар томонидан фақир мусулмонларга нисбатан сиқувнинг орттирилиши ва мусулмонларнинг Дарул-Арқамда паноҳ топишлари.

6 — Ҳз.Ҳамза ва Умарнинг мусулмон бўлишлари.

7 — Иккинчи гуруҳнинг Ҳабашистонга ҳижрати.

Мушрикларнинг муҳожирларни орқаларига қайтариши учун Ҳабашистон ҳукидорига мурожаатлари, Ҳз. Жаъфар ўқиган оятлар таъсири билан бунинг натижасиз қолиши.

Қурайшийларнинг Ҳошим уғиллари билан муносабатларини узиши ва уларга қарши муҳосара эълон қилиши.

9 — Уч йиллик муҳосаранинг қурайшийлар томонидан бекор қилиниши.

Икки оғир қайғу: Ҳз. Ҳадича ва Абу Толибнинг вафотлари (санатул Ҳузун).

10 — Тоифликларни Исломига даъват этиш учун Ҳз. Пайғамбарнинг Тоифга кетиши.

Меърож воқеалари.

Биринчи Акаба байъати: мадиналик 12 кишининг мусулмон бўлиши.

мон бўлганлар кўп эди. Ҳазраждан 9, Авсдан 3 кишидан иборат 12 кишининг вакил сайладилар.

Милодий — Ҳижрий йил

- 622 1 — (Сентябр) Маккадан Мадинага хижрат буюрдилар.
Ҳижрий тақвмининг бошланиши.
Бани Сулайм юртида илк жума намозининг ўқилиши.
Ҳз. Пайғамбарнинг Абу Айюб Ансорин хонадонида сокин бўлиши.
Мадинада Масжиди Набавий ва Хонан Саодатнинг иншоси.
Азоннинг машру қилиниши.
Муслмонлар орасида биродарликнинг таъсис этилиши.
- 623 2 — Масжид олдида фақирларга бошпана бўлиши учун Суффанинг қурилиши.
Яҳудийлар билан сиёсий муносабатлар ўрнатилиши.
Маккада унаштириб қўйилган Ҳз. Муҳаммаднинг Ойша билан Мадинада оила қуриши.
Қибланинг Қуддусдаги Масжиди Ақсодан Маккаи Мукаррамадаги Каъбаи Муаззамга ўзгартирилиши.
Мадина атрофидаги қабилалар билан тинчлик сулҳларининг тузилиши.
Исроида илк ҳарб ҳисобланган шонли Бадр зафари.
- 624 3 — Рамазон рўзасининг фарз қилиниши. Закоат ва садақаи фитрнинг фарз бўлиши. Илк ҳайит намозининг машру қилиниши.
Ҳз. Пайғамбарнинг қизи, яъни Ҳз. Усмоннинг туримуш ўртоғи Руқиянинг вафот этиши.
Ҳз. Фотима билан Ҳз. Алининг оила қуришлари.

- 3 — Яхудийлар томонидан мусулмонларга қарши душманлик ҳаракатларининг бошланиши, мунофиқларнинг ўртага чиқиши.
Абу Суфённинг мусулмонлар томонидан мағлубиятга учратилиши.

- 3 — Ухуд ҳарби, Ҳз. Ҳамзанинг шаҳид бўлиши.
Рамазон ойида Ҳз. Ҳасаннинг туғилиши.
Ҳз. Пайғамбарнинг Ҳз. Умар кизи Ҳафсага уйланиши.

- 4 — Ражий воқеаси: динга даъват учун қабила-ларга юборилган муршидларнинг қўлга оlinиб, шаҳид қилиниши.
Биъри Мауна фожиаси: Илом муршидла-рининг шаҳид қилиниши.
Бани Надр ғазоти: Шиморон яхудийлари-нинг сургун қилиниши.
Шаъбон ойида Ҳз. Хусайннинг туғилиши.
Таржиа ишларида яхудийларга ишонч қолмаганидан Ҳз. Пайғамбарнинг Зайд б. Собитга иброний тилини ўрганишини амр этиши.

- 5 — Думатул — Жандал ғазоти: Сурия атрофи-да тулланган қароқчи гуруҳларнинг парча-лаб ташланиши.
Бани Мусталад ғазоти: бу қабила Мадинага ҳужум қилмоқчи бўлганлиги учун бости-рилди. Қайтишда Ҳз. Ойшага қарши иғвонинг ёйилиши.
Таямумнинг машру қилиниши.

- 5 — Хандақ ёки Аҳзоб жанги: мушриклар томонидан Мадинани қуршаб оlinиши, Оллоҳ инояти билан паришон бўлиб тор-мор бўлишлари.
Хандақ жангида хиёнат қилгани учун бани Қурайза яхудийларининг жазоланиши.

- 6/7 — Ҳудайбийя сулҳи: баъзи шартлари оғир куринган бу сулҳ Илом учун зафар ҳозирлаган эди.

исломга даъват қилиш учун ҳукмдорларга мактублар юборилиши (Византия императори Хераклиусга, Эрон ҳокими Хисрав Парвизга, Миср ҳокими Мудавқисга, Ҳабашистон ҳокими Нажошийга, Умиюн, Яман, Баҳрайн, Ямома амирларига).

Хайбарнинг фатҳ этилиши. Ҳз. Алининг тилларда дoston бўлган қаҳрамонликлар кўрсатиши, яҳудий саркори Марҳобни бир ҳамла билан ерга қулатиши. Фадак яҳудийларининг солиқ тулаб туришга боғланишлари. Бир яҳудий аёлининг Ҳз. Пайғамбарни заҳарламоқчи бўлгани.

Сафийяга уйланиши.

Мутъа никоҳининг тақиқланиши.

Маккадан Ҳабашистонга кўчиб борган мусулмонларнинг Мадинага келиши. Ҳз. Алининг биродари Жаъфар Тайёрнинг сўнгги қарвон билан қайтиши.

629

- 7 — Ҳудайбийя сулҳи шартларига биноан мусулмонларнинг Қабани зиёрат қилишлари.

Ҳолид ибни ал-Валид ва Амир ибн Оснинг мусулмон бўлишлари ва Мадина мусулмонларига қўшилишлари.

Ямандан Ашъарий қабиласининг Мадинага келиб мусулмон бўлишлари. Эроннинг Ямандаги ҳокими бўлган Базоннинг мусулмонликни қабул қилиши.

629

- 8 — Муъта жанги: Сурияда Византия билан илк тўқнашув. Ҳолид ибни Валиднинг аскарий истеъдоди туфайли 3 минг кишилик Ислому қўшинининг 100 минг кишилик Византия қўшинига қарши туриши.

630

- 8 — Макканинг фатҳ этилиши. Қабанинг бутлардан тозаланиши. Ғолиблар томонидан мағлубларнинг умумий афв этилиши ва жаҳоншумул аҳамияти. Ҳунайн, Автос, Ҳавозин ҳарблари.

Тонфнинг қўршаб олиниши. Бутларнинг қилиниши. Ҳарбий асирлар орасида бир

онадан сут эмишиб катта бўлган қардоши Шайманинг кўриши ва уни озод қилиши. Шунингдек, Ҳавозин ҳайъатига ҳамма асирларни озод қилинганлигининг билдирилиши.

«Қасидан Бурда» муаллифи Каъб б. Зухайрнинг Ҳз. Пайғамбар ҳузурига келиб, «Бонат Суоду» деб бошланадиган машҳур қасида-сининг ўқиши ва «Пайғамбар дунёни ойдинлатган бир шўъладир. Ҳар қандай ёмонликни илдири билан қўпорган Оллоҳ қиличларидан биридир» байтини айтганидан кейин Расули Акрамининг ундан хушланиши ва унга хирқаи шарифини бериши.

Қизлари Ҳз. Зайнабнинг вафот этиши. Ўғли Ҳз. Иброҳимнинг туғилиши.

630

- 9 — Табук жанги, Сурияда Византияга берилган «дарс».

Мунофиқлар бу жангда иштирок этишдан қочишлари ва улар тупланадиган Масжиди Дирорнинг ёндирилиши.

Тинчлик ва осойишталик даври: қабила-ларга муршид ва муаллимлар юборилиши, бутун қабилалардан элчилар келиб мусулмон бўлганликларини билдиришлари (Санатул-Вуфуд).

Севиқли ўғли Ҳз. Иброҳимнинг вафот этиши.

Нажоший учун салоти ғойиб ўқилиши.

631

- 9 — Ҳз. Абу Бакрнинг ҳаж амирлиги. Мусулмонликнинг бутун Арабистон ярим оролига ёйилиши.

632

- 10 — Видо ҳажи, Ҳижратул-Балог, Ҳижжатус-Салом деб аталган видо ҳажида 100 минг кишилик жамоатга Ҳз. Пайғамбарнинг хитоблари.

632

- 11 — Ҳз. Пайғамбарнинг Сафар ойида Бакиъ мазарига зиёратга бориши, қиёмат куни муминларни саломламаси ва шакидларни дуо қилиши.

Иртиқолларидан уч кун аввал Ҳз. Али ва Фадлга таянган ҳолда масжидга келиб, жамоат билан намоз ўқиши, саҳобаларига хайр тула таманнилар ва сўнгги тавсиялар бериши.

632

- 11 — (Май-рабиулаввал) Фазилат тула нурли ҳаётидан сўнгра бу фоний оламдан иртиқоллари ва руҳининг Рафиқи Аълога кутарилиши.

Буюк Оллоҳнинг салот ва саломи Унга ва Унинг бутун ол-у саҳобаларига бўлсин.

«Васфингда сўзнинг ҳулосасин ол:

Инсон эди, аммо малакдан афзал.»

М У Н Д А Р И Ж А

Биринчи бўлим МАККА ДАВРИ

I. ИСЛОМИЯТГА ҚАДАР АРАБИСТОН	5
а) Арабларнинг аҳволи	5
б) Макка ва Катъба	5
в) Катъбадаги вазифалар	6
г) Замзам қудуғининг тозаланиши	6
д) Абраҳанинг Катъбага ҳужуми	7
 II. ҲЗ. МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ПАЙҒАМБАРЛИККА ҚАДАР ҲАЁТИ ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ БОЛАЛИК ДАВРИ	8
а) Ҳз. Пайғамбарнинг туғилиши	8
б) Ҳз. Пайғамбарнинг насаби	9
в) Ҳз. Пайғамбар эмизган эвагаси ёнида	9
г) Мадина энёрати	9
 III. ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ ЁШЛИГИ	11
а) Ҳз. Муҳаммад Абу Толиб ҳимоясида	11
б) Саъдо қарвони билан Сурияга саёҳат	12
в) Фижир ҳарби	13
г) Тижорат ишига ўтиши	13
д) Ҳз. Муҳаммаднинг Ҳадичага уйланиши	13
е) Ҳз. Пайғамбарнинг фарзандлари	14
ё) Катъба таъмиридаги ҳакамлиги	14
ж) Бутпарастлик хотимаси йўлида	15
 IV. ПАЙҒАМБАРЛИК ДАВРИДА ҲЗ. МУҲАММАД (ваҳийнинг бошланиши)	17
а) Ҳиродаги узлат	17
б) Илк ваҳийнинг келиши	18
в) Варақанинг айтганлари	19
 V. ИЛК МУСУЛМОНЛАР	20
а) Илк мусулмон бўлганлар	20
б) Ҳз. Алининг исломни қабул қилиши	20

в) Ҳа. Абу Бакрнинг мусулмон бўлиши	20
г) Ошкора даъват	21
д) Илк мусулмонлар кечирган азоб-укубатлар	22
е) Мушрикларнинг саркардалари	23
VI. ИСЛОМ ДАЪВАТИНИНГ ТАКОМИЛИ	24
а) Яхши фазилатлар сари даъват	24
б) Курайшчиларнинг Абу Толибга шикоятлари	25
в) Илоҳий вазифа сари	25
г) Ҳа. Умарнинг мусулмон бўлиши	26
д) Қаббада ошкора ибодат	28
VII. ҲАБАШИСТОНГА ҲИЖРАТ	29
а) Ҳабашистонга ҳижрат этганлар	29
б) Нажошийнинг мусулмонларга ҳушмуомаласи	29
VIII. МУШРИКЛАРНИНГ МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ МУҲОСАРА ЭЪЛОН ҚИЛИШИ	32
а) Мусулмонларнинг муҳосарага (қамалга) олиниши	32
б) Машаққатли кунлар	32
в) Мусулмонларга қарши эълон қилинган муҳосаранинг тўхтатилиши	34
г) Икки оғир қайғу: Ҳа. Ҳадича ва Абу Толибнинг вафотлари	34
IX. ТОИФ САФАРИ	36
а) Ҳа. Пайғамбарнинг Тоифда кутиб олиниши	36
б) Маккага қайтиши	37
в) Қабилаларнинг Ислонга даъват этилиши	38
X. МЕЪРОЖ	39
а) Ҳазрати Пайғамбарнинг меърожи	39
б) Меърожда қилинган ҳукмлар	41
XI. МАДИНАГА ЙЎЛ: АҚАБА БАЙЪАТИ (ҚАСАМЎДИ)	43
а) Мадиналиклардан илк мусулмон бўлганлар	43
б) Биринчи Ақаба байъати	44
в) Иккинчи Ақаба байъати	45
XII. МАДИНАГА ҲИЖРАТ	46
а) Мусулмонларнинг Мадинага ҳижрати	46
б) Дорун-Надждадаги таҳликали қарор	47
в) Ҳа. Пайғамбарнинг қарори	48
г) Ҳа. Пайғамбарнинг мушриклар томонидан таъқиб қилиниши, Суруқа отининг қумга ботиб, тисариллиши	48
д) Кубодаги илк жума намози ва хутба	49

Иккинчи бўлим

МАДИНА ДАВРИ

I. МАДИНАДАГИ ИЛК КУНЛАР	51
а) Ҳз. Пайгамбарнинг Мадинада кутиб олиниши	51
б) Масжид иншоси, азон, Асҳоби Суффа	52
в) Хонаи Саодатнинг иншоси ва Ҳз. Муҳаммаднинг Ойшага уйланиши	53
г) Муҳожирлар билан ансорийлар орасидаги қардошлик	53
д) Ишлаб топганлар	54
е) Яҳудийлар билан аҳдлашмалар	54
II. ИЛК ҲАРБИЙ ГУРУҲЛАР ВА БАДР ЖАНГИ	55
а) Илк ҳарбий гуруҳлар	55
б) Абдуллоҳ Ибн Жаҳш бошчилигидаги ҳарбий гуруҳ	55
в) Жангга руҳсат	56
г) Бадр жанги	56
д) Мақоликларнинг битмаган яралари	57
е) Асирларга муомала	57
ё) Қайнуко яҳудийларининг Мадинадан чиқарилиши	58
ж) Саник газоти	58
III. УҲУД ЖАНГИ	59
а) Қурайшийларнинг қазаби	59
б) Аббоснинг мактуби	59
в) Ҳз. Ҳамзанинг шайхид бўлиши	60
г) Мол-дунё кетига тушилгандан кейин	60
д) Улиқларга ҳужум	61
е) Мағлубиятдан зафарга	62
IV. УҲУДДАН ХАНДАҚ ЖАНГИГА ҚАДАР	63
а) Раҳит ҳодисалари	63
б) Битри Мауна фожияси	63
в) Бани Надр газоти	64
г) Бани Мусталаҳ газоти	64
д) Ифк ҳодисаси	65
V. ХАНДАҚ ЖАНГИ (ҲИЖРИЙ 5- ЙИЛ)	66
а) Мушриклар ва яҳудийлар бирлашуви	66
б) Узоқ қуршовдан сўғ	67
в) Душмани ер билан яқсон қилган куч	67
г) Қурайза ғулллари хиёнатига берилган жазо	68
VI. ХУДАЙБИЯ СУЛҲИ	69
а) Мусулмонларнинг Катъанни эиерат қилиш орауси	69
б) Худайбийя сулҳи музокаралари	69

в) Шартноманинг тузилиши	70
г) Ён бериш деб ҳисобланган ҳукмларнинг туғри бўлиши	71
д) Исломга даъват қилиш учун элчиларнинг юборилиши	71
е) Наҳрон христиниялари ҳайъати	72
VII. ХАЙБАР ФАТҲИ	73
а) Хайбар фатҳи	73
б) Ҳа. Алининг қаҳрамонлиги	74
в) Яҳудиёлар тутган йўл	74
VIII. КАЪБА ЗИЁРАТИ (ҲИЖРИЙ 7- ЙИЛ)	75
а) Каъба зиёрати	75
б) Мусулмонларнинг юксак ахлоқи	75
в) Ҳолид ва Амрнинг мусулмон бўлиши	76
IX. МУЪТА ЖАНГИ	78
а) Мусулмонларнинг шимолга ҳаракати	78
б) Ҳолиднинг аскарий истеъдоди	79
в) Жазфар Тайёр оиласига тасалли	79
X. МАККАНИНГ ФАТҲ ЭТИЛИШИ (630 йил, 8 январ, Рамазон оми)	80
а) Мушриклар томонидан сулҳнинг бузилиши	80
б) Абу Суфённинг Мадинадан бўш қайтиши	81
в) Фатҳ ҳозирлиги	81
г) Абу Суфённинг Ислом қароргоҳида мусулмон бўлиши	81
д) Фатҳ хутбаси: Исломда тенглик	82
е) Аёлларнинг қасамёди	83
ё) Умумий афв	83
ж) Ҳунайн ва Автос жанги	83
з) Тошф қуршови	85
и) Бир вафодорлик ўрниги	85
й) Важдонга зўрлик йўқ	86
к) Шоир Каъбнинг мусулмон бўлиши	86
л) Ҳотам Тойнинг қизи	86
XI. ТАБУК ЖАНГИ	88
а) Табук жанги	88
б) Мунофиқларнинг бузғунчилиги	89
в) Масжиди Дирорнинг ёндирилиши	89
г) Ҳа. Иброҳимнинг вафоти	89
д) Наҷошийнинг ўлими	90
е) Атрофга муршидларнинг юборилиши	90
ё) Абу Бакрнинг ҳаж амирлиги (бошлиги)	91
XII. ВИДО ҲАЖИ (Зулҳижжа, Милодий 632, 10 феврал)	92
а) Мадинадан ҳаракат	92
б) Арафотдаги хутба	92

ХИІ. ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ СУЊГИ КУНЛАРИ ВА ВАФОТИ 95

- а) Ҳз. Пайғамбарнинг хаста бўлиши 95
- б) Ҳз. Пайғамбарнинг қилган садақалари 96
- в) Ҳз. Пайғамбар қизи Ҳз. Фотима билан 96
- г) Рафיקи Аълога — олижаноб дўст ёнига 96
- д) СуЊги бурчнинг бажарилиши 97

ХІІІ. ҲЗ. ПАЙҒАМБАРНИНГ ФАЗИЛАТГА БОЙ ЮКСАК АХЛОҚИ 98

- Аср саводатнинг санавий жадвали 100

ҲАЗРАТИ ПАЙҒАМБАРНИНГ ҲАЁТИ

(СИЯРИ НАБИЙ)

**Қонуслар Бош таҳририяти
Тошкент**

Мухаррир Носир Муталов
Рассом Шавкат Музаффар угли
Бадий муҳаррир Асомиддин Бурҳонов
Техник муҳаррир Мирзиёд Алимов

Тертишга берилди 1995.15.12. Босишга рухсат этилди 1996. 07.02. Қоғоз бицими
60×90¹/₁₆ Шартли босим табоғи 7,0. Напшиёт-ҳисоб табоғи 7,8.
Тиражи 25000 нуска. Буюртма № 6853. Баҳоси келишилган нархда.

Қонуслар Бош таҳририяти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30- уй.

Матонд комбинатида босилди. Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30- уй.

